

DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

4 (92) – 2021

Tahrir kengashi raisi:

Akmal SAIDOV

Bosh muharrir:

Erkin ERNAZAROV

Xalqaro tahrir kengashi a'zolari:

Tanzila NARBAYEVA
(O'zbekiston)

Qudratilla RAFIQOV
(O'zbekiston)

Aslan ABASHIDZE
(Rossiya Federatsiyasi)

Akira FUJIMOTO
(Yaponiya)

Uilyam BATLER
(AQSH)

Tadeush BODIO
(Polsha)

Marg'ub Salim BUTT
(Islom hamkorlik tashkiloti)

Reyn MULLERSON
(Estoniya)

Tatyana MOSKALKOVA
(Rossiya Federatsiyasi)

Sergey UDARSEV
(Qozog'iston)

Tahrir hay'ati a'zolari:

Mirzatillo TILLABAYEV – yuridik
fanlar doktori, dotsent.

Xalim BOBOYEV – yuridik fanlar
doktori, professor, O'zbekiston
Respublikasi fan arbobi.

Omon OQYULOV – yuridik fanlar
doktori, professor, O'zbekistonda
xizmat ko'rsatgan yurist.

Asqar G'AFUROV – yuridik fanlar
nomzodi, dotsent.

Muzaffar MAMASIDDIQOV –
yuridik fanlar doktori, professor
Mixail GASANOV – yuridik fanlar
nomzodi, dotsent.

Yelizaveta KUTIBAYEVA – yuridik
fanlar doktori, professor.

Xaydarali MUXAMEDOV – yuridik
fanlar nomzodi, professor.

Mas'ul kotib:

Azizbek RAMAZONOV

TAHRIR HAY'ATIDAN

Oliy qadriyat 2

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASINING 29 YILLIGI

Ruslanbek Davletov. Fuqarolarning huquq va manfaatlarini ustuvor ahamiyatga ega 4

To'ra Norboyev. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi –
inson huquqlari va erkinliklarining kafolati 8

INSON HUQUQLARI BO'YICHA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MARKAZI 25 YOSHDA

Mishel Bachelet. O'zbekistonda inson huquqlarini rivojlantirish
borasidagi asosiy hamkorimiz 11

Marg'ub Salim Butt. Birgalikda hammaning huquqini himoya qilish uchun 12

Valeriy Fadeyev. Bizni umumiy qadriyatlar birlashtirib turadi 15

Szyan Yan. Xitoy va O'zbekistonning mushtarak tushunchalari
inson huquqlari bo'yicha xalqaro munosabatlarga yangi kuch bag'ishlaydi 17

Ronni Xayne. Inson huquqlari himoyasiga salmoqli hissa 19

XALQARO HUQUQ VA O'ZBEKISTON TAJRIBASI

Haydarali Yunusov. Islom xalqaro huquqi tamoyillari 20

Oybek Axmadov. O'zbekiston va IHT: serqirra munosabatlarning hamda
inson huquqlari sohasidagi hamkorlikning rivojlanish tendensiyalari 28

JAMIYAT VA HUQUQ

Omon Oqyulov. Tadbirkorlikning huquqiy asoslarini kodifikatsiyalashtirish
va tizimlashtirishning nazariy konseptual masalalari 36

Lazokat Turikova. Ta'lim muassasalarini boshqarishda xalqaro
va milliy mehnat standartlarining ahamiyati 41

Nurjoy Meliqulov. Jamiyat – islohotlar tashabbuskori:
fuqarolik masalalariga oid qonunchilik misolida 46

Madinabonu Nasretdinova. Mutlaq huquqlarni buzganlik uchun
javobgarlik masalalari 49

TARIX SAHIFALARIDA

Zahidullo Munavvarov, Muslim Atayev. Abu Ja'far al-Ustrushaniy
va uning shoh asari 53

To'ychi Axmedov. Amir Temur va temuriylar hukmronligi davrida kengash
tashkil etish va o'tkazish tartib-qoidalari 56

ANJUMANLAR. TADBIRLAR. TAQDIMOTLAR 62

MUASSIS:



INSON HUQUQLARI
BO'YICHA O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY MARKAZI

HAMMUASSISLAR:



O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI



OLYI MAJLISNING
INSON HUQUQLARI
BO'YICHA VAKILI
(OMBUDSMAN)

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН

ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш – халқимиз учун фаровон ҳамда муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезони ва олий қадриятдир. Халқимизнинг “инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги”, “демократия ва ижтимоий адолатга садоқати”, “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини” тан олиши, “республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш” Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муқаддимасидаёқ мустаҳкамлаб қўйилгани бунини яққол исботлаб турибди¹.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам, “**Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади. Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз**”², деб таъкидлаган.

Жамиятимизда фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. 2020 йилда мамлақати-

мизда биринчи марта Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси қабул қилиниши бу йўналишдаги фаолиятни тизимли амалга оширишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу стратегияда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар (қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш ва бошқалар) бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш вазифаси қўйилган³.

Кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро миқёсда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташаббускори сифатида танилмоқда. Бевоқифа давлатимиз раҳбарининг таклифи асосида БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди. Президентимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказиш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди⁴.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 3-б.

² Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон, 24.07.2021 й., 06/21/6269/0704-сон // <https://lex.uz/docs/4872355>.

⁴ Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.

Халқаро ҳамжамият вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига тарихда илк бор аъзо этиб сайланиши давлатимизда ушбу масалаларга юксак эътибор қаратилаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказимиз мана 25 йилдан буён олижаноб вазифа – фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, асосий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга риоя этилиши ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, ушбу масалалар бўйича миллий маърузалар тайёрлаш, бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан мазкур стратегияни амалга ошириш учун давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан қонун устуворлигини қарор топтириш, давлат ҳамда жамият томонидан алоҳида ҳимояга муҳтож шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, гендер тенглигини таъминлаш, сифатли таълим ва тиббий хизматлар олиш учун кенг имкониятлар яратиш, кексаларни ижтимоий интеграциялаш, болалар, ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорликни кучайтириш юзасидан тизимли тадбирлар ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари, фикр, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашда жамият ва давлат бошқарувида кенг қамровли туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланимоқда.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислохотлар қилинмоқда. Натижада, 2017 – 2020 йилларда 2600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, 2400 нафар шахс суд залида озод қилинди. Афв институти қўлланилиб,

жиноятга қўл урган, аммо ўз қилмишидан пушаймон бўлганлар жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, аёллар, катта ёшдагиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича ишлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган адолат тамойилини амалда таъминлаш учун аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг янги самарали воситаларидан фойдаланилмоқда. Коронавирус пандемияси шароитларида уйма-уй юриб аҳоли муаммолари ўрганилиб, ёрдамга муҳтож оилаларга “Саховат ва кўмак” умумхалқ инсонпарварлик ҳаракати доирасида 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Айниқса, хонадонлардаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжлари, ҳаётий муаммолари аниқланиб, улардан 300 мингга яқинини иш билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига жавобан 2020 йилда 50 минг нафар ватандошимизга Ўзбекистон фуқаролиги тақдим этилди. Ҳолбуки ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган эди. Бу йил яна 20 минг одамга фуқаролик тақдим этилиши режалаштирилган. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистоннинг ана шу соҳадаги ташаббусини ўрганиш лозимлигини эътироф этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда 10 ноябрдан 10 декабргача инсон ҳуқуқлари ойлиги ўтказилди. Ушбу ойлик доирасида фуқароларнинг, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига доир давра суҳбатлари, мазкур масалаларга бағишланган янги нашрларнинг тақдимотлари, олий таълим муассасалари талабалари, мактаб ўқувчилари учун маҳорат дарслари ва амалий машғулотлар, “COVID – 19 пандемияси даврида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” мавзусида республика танлови ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 29 ЙИЛЛИГИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА



Русланбек ДАВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро ҳужжатларнинг мақсад ҳамда вазифалари билан чуқур ҳамоҳангдир. Уларнинг умумий мақсади бир хил, яъни миллати, жинси, тили, ижтимоий келиб чиқиши, диний эътиқодларидан қатъи назар, инсонларнинг манфаатлари энг олий қадрият ҳисобланади.

Мустақил давлатчиликнинг белгиси ҳисобланмиш Конституция, аввало, миллатнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, жамият тараққиётининг асосидир. Том маънода янги демократик тузумни барпо этиш мақсадида қабул қилинган Конституциямизнинг ғояси, асосий принцип ва қоидалари умум эътироф этилган халқаро талаблар билан бирга, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида мужассам этган.

Қайд этиш керак, сўнгги беш йилда давлатимиз бир қатор йўналишлар бўйича катта ютуқларга эришди.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Конституцияда кафолатланган фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган 300 дан ор-

тиқ қонун (шундан 80 таси мутлақо янги), Президентимизнинг 2 000 га яқин фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 3 000 дан ортиқ қарори қабул қилинди.

Очиқлик сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида белгиланганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам давлат органлари ва ташкилотлари халқнинг манфаатлари йўлида хизмат қилиши лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Президентлик лавозимига киришганидан бошлаб мансабдор шахсларнинг жамият олдида ҳисобдорлигини, очиқлик ва масъулиятини ҳамда халқ билан самарали мулоқотини белгилаб берди. Жамоатчилик фикрини, шу жумладан аҳолининг долзарб муаммоларини оммавий ахборот воситалари орқали очиқ муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, сўз ва матбуот эркинлиги таъминланди. Бу эса Конституциянинг 67-моддасида белгиланган норманинг амалдаги яна бир исботи бўлди. Ушбу моддада, “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”, дея белгилаб қўйилган.

Шунингдек, муҳим сиёсий қарорлар фуқароларнинг мурожаат ва фикрларини ўрганган ҳолда таҳлил қилинган қабул қилина бошланди.

“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” тамойили асосида ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилинди.

Президентимизнинг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим қадам бўлди.

Умуман олганда, давлат органлари ҳамда ташкилотлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини жорий қилиш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан:

- очик маълумотлар шаклида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик 33 та очикланиши мажбурий бўлган маълумотлар рўйхати тасдиқланди;

- давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти Очиклик индекси орқали аниқланиши ва унинг натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши белгиланди;

- ҳар бир идоранинг йил давомида қилган ишлари бўйича ҳисоботи веб-сайтга жойлаштириб борилиши ва мутасадди шахслар тегишли маълумотни матбуот анжуманлари орқали аҳолига тақдим этиши белгиланди.

Давлат хизматларини кўрсатиш

Конституциянинг 14-моддасида белгиланганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Шундай экан, давлатнинг фаолияти инсон ва жамият фаровонлигини таъминлашга, шу жумладан фуқароларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини соддалаштиришга қаратилган бўлиши лозим.

Фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларда турли бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш учун давлат хизматларининг мутлақо янги ва самарали тизими жорий этилди.

Ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи алоҳида давлат органи – Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳамда давлат хизматлари марказлари ва уларнинг 115 та филиаллари ташкил этилди. 170 га яқин давлат хизматлари “ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматлари марказлари томонидан тақдим этилиши тизими йўлга қўйилди, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сони 70 бараварга ортди.

Таҳлилларга таянадиган бўлсак, давлат хизматлари марказлари томонидан бир йилда ўртача 12 млн хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, экстерриториал хизмат кўрсатишда 18 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинди.

Инсонпарварлик

Эришилган натижалар ва жадал тараққиёт ҳақида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини кафолатлаш ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш ҳақида ҳам сўз юритишимиз лозим. Зеро Конституциянинг 37-моддасига кўра, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотида кўра, 2019 йил Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида болаларнинг, умуман олганда, шахсларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш ҳолатлари қайд этилмаган.

Шунингдек, қуролли можаролар бўлиб турган ҳудудлардан болалар ва аёлларни репатриация қилиш ва уларни жамиятга самарали реинтеграциялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муҳим ўзгаришлардан биридир. Инсонпарварлик Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида ҳам ўз аксини топгани бежиз эмас.

Ўзбекистон ўз фуқароларини 2019 йилда биринчи марта яқин шарқдаги можароли ҳудудлардан қайтарди. Хусусан, “Меҳр – 1, 2, 3 ва 4” операциялари давомида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволда қолган 438 нафар хотин-қиз

ва болалар Ўзбекистонга қайтарилди. Шунингдек, 2021 йилнинг апрель ойида “Меҳр – 5” операцияси доирасида Суриядаги қочкинлар лагеридан 93 киши, жумладан 24 нафар аёл, 69 нафар бола ва 7 нафар етим бола олиб келинди. Айтиш керакки, бу ишлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мувофиқ бўлиб, халқаро гуманитар ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Бундан ташқари “Жаслик” колониясининг ёпилиши Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларига содиқ эканлигини исботловчи энг муҳим қадамлардан бири бўлди.

Конституциянинг 113-моддасига асосан ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади. Шунга асосан судларда адолат, очиклик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида “Электрон суд” тизими жорий этилди. Маъмурий, жиноий ва жиноий-процессуал қонунчилик тизими такомиллаштирилиб, инсонпарварлик тамойилига тобора мослаштирилмоқда. Хусусан, жамоат бирлашмалари кафиллиги остида шахсларни афв этиш ва жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сони 2,5 мартага камайди. Жиноят содир этган шахсларни афв этиш тўғрисида ўндан ортиқ фармон қабул қилиниб, жазони ижро этиш жойларидан 4 мингдан ортиқ киши озод қилинди.

Шунингдек, сўнгги йиллар давомида фуқаролиги бўлмаган, лекин республика ҳудудида анча йиллардан буён яшаб келаётган шахсларга фуқаролик берилиши ҳам инсонпарварлик сиёсатининг яна бир исботи бўлмоқда.

Хусусан, ўтган 25 йил мобайнида 482 та шахсга фуқаролик берилган бўлса, 2017 йилдан ҳозирги кунгача кўп йиллар давомида яшаётган, аммо Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлмаган 50 мингдан ортиқ шахслар фуқаролик мақомига эга бўлишди.

Шунингдек, жорий йилдан бошлаб 15 йил давомида республикада доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга фуқароликни бевосита бериш тартиби жорий этилди.

Имкониятларнинг тенглиги

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасига мувофиқ хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

Тан олиш керак, охириги йилларда мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Ушбу йўналишда сезиларли ўзгариш 2019 йилдан кузатила бошланди. Шу йили Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Ўзбекистон Республикасида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилди. Шу йилнинг сентябрь ойида эса, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, шунингдек “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги иккита муҳим қонун кучга кирди.

Ўзбекистон тарихида илк бор миллий парламентда хотин-қизлар сони 32 фоизга, сиёсий партияларда уларнинг улуши 44 фоизга, олий таълим соҳасида 40 фоизга, тадбиркорлик йўналишида эса 35 фоизга етди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш амалиёти жорий этилди. Яъни барча қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва амалдаги ҳужжатлар аёллар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини таъминлаш тамойилларига мувофиқлиги бўйича таҳлил қилинади.

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 2021 йилнинг май ойи охирида бўлиб ўтган XV ялпи мажлисида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди. Бу эса барча соҳаларда аёллар ва эркаклар ўртасида тенглик тамойилини таъминлашдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Халқаро имиж

Халқаро имиж – Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги кўрсаткичлари мажмуасидан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир (*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 17-модда*).

Халқаро бизнес ва инвесторлар олдида мамлакатнинг жозибadorлигини оширишда унинг

халқаро доирадаги обрў-эътиборини яхшилаш ва ўтган йиллар давомида унга нисбатан шаклланган салбий фикрлардан халос бўлиш муҳим омил ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий соҳада эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал меъёрларни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва мавқеи юксалишига олиб келмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижаси ўларок Ўзбекистон “Иқтисодий эркинлик индекси”да 44-ўринга, “Логистика самарадорлиги индекси”да 19-ўринга кўтарилди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Мамлакат таваккалчиликлари таснифи” рейтингда Ўзбекистон 6-гуруҳдан 5-гуруҳга кўтарилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда очик маълумотлар тизимини ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Давлат ва жамоат бошқаруви соҳасида 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни эълон қилиш амалиётининг жорий этилиши бу борада муҳим омил бўлди. Ислохотлар натижасида

яна бир халқаро эътироф – **Очик маълумотлар халқаро рейтингда Ўзбекистон 44-ўринни эгаллаб, 125 поғонага кўтарилди.**

Айтиш керакки, ўзгаришлар шароитида биринчи навбатда давлат органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш зарур. Бу эса Ҳуқуқ устуворлиги рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланишини таъминлайди. Сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистон ушбу рейтингда 14 поғонага кўтарилиб, 139 мамлакат ичида 85-ўринни эгаллади. Жорий йилда баҳолашлар 4,1 фоизга ўсди ва мамлакатимиз бу борада энг яхши натижаларни кўрсатган уч давлатдан бири бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган йиллар мобайнида ижтимоий-сиёсий маконда ўзгариш юз берди, каерда аҳоли танқидига ўрин бор бўлса, у объектив равишда ўрганилиб, ҳал этиш чоралари кўрилди. Давлат органларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан зудлик билан жавоб қайтариш амалиёти йўлга қўйилди. Ҳукуматнинг фуқаролар ҳамда жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлик даражаси ошди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ



Тўра НОРБОВ,

Тошкент молия институти профессори,
сиёсий фанлар доктори

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини кафолатловчи нормалар қиёсий ўрганилган. Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, давлатнинг инсонпарвар ва халқпарвар сиёсати атрофича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, халқпарвар давлат, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари.

Abstract. The article comparatively studies the norms guaranteeing human rights and freedoms set out in the Constitution of the Republic of Uzbekistan and the Universal Declaration of Human Rights. The democratic reforms being carried out in our country in recent years, the humane and people's policy of the state have been thoroughly analyzed.

Key words: Constitution of the Republic of Uzbekistan, Universal Declaration of Human Rights, Development Strategy of New Uzbekistan, people's state, human rights and freedoms.

Аннотация. В статье сравнительно исследуются нормы, гарантирующие права и свободы человека, закрепленные в Конституции Республики Узбекистан и Всеобщей декларации прав человека. Демократические реформы, проводимые в нашей стране в последние годы, гуманная и народная политика государства были тщательно проанализированы.

Ключевые слова: Конституция Республики Узбекистан, Всеобщая декларация прав человека, Стратегия развития Нового Узбекистана, народное государство, права и свободы человека.

Инсон ҳуқуқларининг устуворлиги ҳар кандай демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш таъминлиги ўз ифодасини топгани ҳам фикримизни тасдиқлайди:

“Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети
гояларига содиқлигини тантанали равишда эълон
қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдига юксак
масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий
тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини
намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари
устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади”¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз фуқароларининг фундаментал ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати ҳисобланади. Бош Қомусимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча устувор қоидалари камраб олинган.

Қўллаб демократик давлатлар конституцияларининг асоси саналувчи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳозирга қадар дунёнинг 400 дан ортиқ тилига, шу жумладан ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Бу унинг универсаллиги, муҳим аҳамиятга эгалиги ва долзарблигидан далолат беради.

Мазкур декларациянинг 1-моддасида, “Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқлари бўйича эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган ва улар бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”², дея белгиланган бўлса, унинг 2-моддасида, “Ҳар бир инсон ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёхуд бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ёхуд табақавӣ ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлиши шарт”³ экани кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланган иккинчи бўлимидаги 18-моддада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги айни шу қоидалар акс этгани ҳам юқоридаги фикримизга далил бўла олади: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”⁴.

Бош Қомусимиз негизда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар бугунги кунда мамлакатимиз-

да ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларидан монёъликсиз фойдаланишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда бу борада катта ўсишга эришилди. Жумладан, 2020 йил 22 июнда Президент Фармони билан мустақил давлатчилигимиз тарихида илк бор Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси қабул қилинди. Шу тариқа Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва вазифалари белгилаб олинди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар халқаро ҳам-жамият томонидан ҳам эътироф этила бошланди. Натижада, 2020 йил 13 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон 2021 – 2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди⁵.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида мамлакатимиз ушбу кенгаш аъзоси сифатида илк бор иштирок этди ва унда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз нутқида юртимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг, шунингдек мамлакатимизнинг кенгаш доирасидаги фаолиятининг 7 та устувор йўналишини санаб ўтди:

- ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттириш;
- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш;
- ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш;
- “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комис-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/20596>.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси / “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали, 1999 йил 1-сон. – 8-б.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 9-б.

⁵ Қаранг: Инсон ҳуқуқларига оид фаолиятнинг илмий асослари мустаҳкамланмоқда / “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали, 2021 йил 1-сон. – 22-б.

сар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказиш;

- фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш⁶.

Жорий йилда юқоридаги йўналишлар бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди ва сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, 2021 йилнинг 12-13 август кунлари Тошкент шаҳрида “Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзусида ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Унда 500 га яқин иштирокчи, шу жумладан 30 дан ортиқ хорижий давлатнинг 150 дан зиёд вакили қатнашди⁷ ва конференция якунида Тошкент ёшлар декларацияси қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, кафолатлаш ва ҳимоя қилиш Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги давлат сиёсатида ҳам энг устувор йўналиш бўлиб қолади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси шундай ҳулоса чиқаришимизга имкон беради. Тараққиёт стратегиясида белгиланган энг устувор етти вазифанинг барчаси, энг аввало, инсон қадрини юксалтиришга, халқимизнинг тинч ва фаровон турмушини таъминлашга йўналтирилган. Эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон кадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлаш Тараққиёт стратегиясида энг биринчи устувор вазифа этиб белгилангани ҳам Янги Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг асосий мақсадини ифодалайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда, олдимизда турган

муаммолар ҳам оз эмас. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда амалга оширган ишларимиздан кўра, олдимизда турган вазифалар кўп эканини ҳам яхши тушунамиз”⁸.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мамлакатимизда тўла қарор топтириш, бу борада мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун босқичма-босқич демократик ислохотлар амалга оширилмоқда. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилишини таъминлаш мақсадида “инсон – давлат – жамият” деган инсонпарвар тамойил асосида иш олиб боришмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари қатъий таъкидладилар: “Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак”⁹.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали давлатни тараққий эттириш – узлуксиз ва доимий изланишлар талаб этадиган жараён. Ҳар бир соҳада бўлгани каби инсон ҳуқуқларини ҳам илмий асосда ўрганиш ва ривожлантириш зарур. Илмий натижаларни амалий дастурларга айлантириш орқали Учинчи Ренессансни барпо этишдек эзгу мақсадга эриша оламиз.

Ҳулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистон халқпарвар давлат ва инсонпарвар жамият негизида барпо этилмоқда. Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш ҳар биримизнинг ҳаётини шиоримизга айлansa, истиқболда кўзлаган улкан марраларимизга, албатта, етамиз.

⁶ Қаранг: Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / 22.02.2021 / <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.

⁷ Қаранг: Тошкент шаҳрида “Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзусида ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ўз ишини бошлади // 12.08.2021 / <https://parliament.gov.uz/uz/events/other/35336>.

⁸ Қаранг: Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / 06.11.2021 / <https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

⁹ Қаранг: Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / 06.11.2021 / <https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ 25 ЁШДА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ АСОСИЙ ҲАМКОРИМИЗ



Мишель БАЧЕЛЕТ,
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича
Олий комиссари

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги билан самимий табриклайман.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳисоботлар тақдим этиш ва ундан кейинги фаолият жараёнларининг миллий механизми сифатида ҳам, инсон ҳуқуқларини бутун мамлакат миқёсида рағбатлантиришга доир кенг қамровли фаолияти билан ҳам Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ривожлантириш борасидаги асосий ҳамкоримиз ҳисобланади.

Мен кўплаб соҳалардаги самарали ҳамкорлигимизни – Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро механизмларга ҳисоботлар тақдим этиш бўйича мажбуриятини таъминлаш борасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази олиб бораётган фаолиятдан токи мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий марказ билан менинг Марказий Осиёдаги минтақавий идорам ўртасида амалга оширилаётган ижобий ҳамкорликкача бўлган амалий алоқаларимизни юксак қадрлайман.

Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан жорий ва истиқболдаги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг февраль ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича кен-

гашда баёнот берганидек, БМТнинг Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциясига Факультатив протоколни ратификация қилиш режасини бажариш борасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ниҳоятда муҳимлигини таъкидламоқчиман.

Мен, шунингдек, яқинда Ўзбекистон ратификация қилган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”-ги конвенцияда мустаҳкамланган мажбуриятлар ижросининг амалий натижаларини, шу билан бирга, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари томонидан алоҳида ҳолатлар бўйича билдирилган фикрларнинг амалдаги рўёбини интиқлик билан кутиб қоламан.

Мустақил фуқаролик жамияти билан ҳар томонлама, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш борасида тўлиқ ҳамкорлик қилишга, шунингдек Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган фуқаролик маконини ҳимоя қилиш ва кенгайтиришга чакираман.

Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонам орқали Ўзбекистонни доимо қўллаб-қувватлашимни яна бир бор тасдиқлайман ва Президент Шавкат Мирзиёевга ёзган хатимда таъкидлаганимдек, БМТ ўзининг мамлакатингиздаги жамоасига инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчи юборишга муваффақ бўлганидан жуда мамнунман.

БИРГАЛИКДА ҲАММАНИНГ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН



Марғуб Салим БУТТ,
ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича
мустақил доимий комиссиясининг
ижроия директори

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси (ИХМДК) инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланади. У фақат ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига инсон ҳуқуқлари ва мусулмонлар жамоаси манфаатлари билан боғлиқ барча масалалар бўйича маслаҳатлар берибгина қолмасдан, шунингдек ИХТга аъзо давлатларга инсон ҳуқуқлари соҳасида билимларни тақдим этадиган эксперт механизми ҳам ҳисобланади. 2011 йилда ташкил этилган ушбу комиссия ИХТ тарихида муҳим ютуқ бўлди ва ташкилотнинг инсоннинг универсал ҳуқуқларига содиқлиги ҳамда уларнинг аъзо давлатларда қўлланилишини тасдиқлади. Ўтган қисқа ўн йил давомида комиссия ИХТ қизиқадиган барча масалалар бўйича очик қарашларига ҳурмат билан муносабат билдириладиган ва ҳуқуқни ишонарли ҳимоя қиладиган механизм сифатида ўзини кўрсатди.

Комиссия ўзининг ҳамкорлик бўйича мандати доирасида тажрибасини аъзо давлатларга ёйган ҳолда тегишли муассасалар билан ҳамкорликда қўплаб ташаббусларни амалга оширмоқда. Ана шундай муҳим ташаббуслардан бири миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари билан қалин ҳамкорликни ўрнатиш бўлди. Улар билан семинарлар ва машғулотлар каби биргаликдаги тадбирларда аъзо мамлакатларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги хабардорликни ошириш ва бу тизимни мустаҳкамлашга қўмаклашишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар доирасида комиссия ўз мамлакатида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ташкилот ҳисобланган Инсон ҳуқуқла-

ри бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (ИХММ) билан қалин ҳамкорлик қилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида энг тан олинган ва тажрибали эксперт ҳисобланувчи олим, академик Акмал Саидов бошчилигида ИХММ мустақил Ўзбекистон тарихида жуда катта натижаларга эришди. Миллий марказнинг инсон ҳуқуқлари концепциясини Ўзбекистон сиёсати ва дастурларига жорий этишдаги роли ва ҳиссаси БМТнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмлари томонидан кенг тан олинган, шу жумладан унга миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари глобал альянсининг “В” мақоми берилган.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси (ИХТ ИХМДК) ва Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ўртасидаги ҳамкорлик ИХТ ИХМДКга аъзо давлатларнинг инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланадиган муассасалари билан ишчи келишувлари доирасида амалга оширилади. Ушбу икки муассаса ўртасидаги ҳамкорлик инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг умумий мақсадларига эришиш соҳасида тўпланган тегишли тажрибадан самарали фойдаланишга йўналтирилган. Ана шундай конструктив руҳдаги беш йиллик ҳамкорлик натижасида ҳар икки ташкилот умумий қизиқиш туғдирадиган қўпгина соҳаларда самарали муносабатларни ўрнатди. Бундай ҳамкорликнинг ўзига хос хусусияти маслаҳатлар ўтказиш, тажриба айирбошлаш, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича турли анжуманларда биргаликдаги қарашларни билдириш ҳисобланади. Ташкилотларимиз ўртасида давом этаётган бу ҳамкорлик ИХТ ИХМДК

ва ИХТга аъзо бошқа давлатларнинг миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари учун илғор амалиётнинг тимсоли бўла олади.

ИХТ ИХМДКнинг қарор топган амалиётига мувофиқ у ИХТга аъзо барча давлатлар ҳамда кузатувчи давлатларнинг миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларини ўз фаолиятида иштирок этишларига мунтазам таклиф қилади. Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ҳам ИХМДК фаолиятида фаол иштирок этади ва ана шу учрашувлардаги тегишли муҳокамаларга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. ИХММ доимий сессиялар ва халқаро семинарларда иштирок этишдан ташқари, шунингдек ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Қоҳира декларациясида кўрсатилган ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. ИХТга аъзо давлатлар ИХММ томонидан киритилаётган жиддий таклифларни қўллаб-қувватламоқдалар.

Бунда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик Акмал Саидов ИХТ ИХМДК аъзоси бўлганида комиссиянинг фаолиятига жуда катта ҳисса қўшганини ёдга олмаслик адолатсизлик бўлади. Академик Акмал Саидов бир йил давомида ИХМДК раиси вазифасини бажарганда комиссиядаги қатор мавзули тадқиқотларни ниҳоясига етказишда катта ёрдам кўрсатди, у комиссиянинг турли халқаро форумларда иштирокини таъминлаган ҳолда Европа Иттифоқи ва бошқа тузилмаларнинг минтақавий ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан қалин ҳамкорликни йўлга қўйди. У, шунингдек, ИХТнинг Ислонда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги пактини таҳлил этиш ва қайта кўриб чиқишда комиссия ишига қимматли ҳиссасини қўшди.

Ўз томонидан ИХТ ИХМДК Ислон ҳамкорлик ташкилотига аъзо барча давлатлар ташкилотлари билан муносабатларни мустаҳкамлаш, шу жумладан ўзаро қизиқиш уйғотадиган инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича илғор тажрибаларни алмашиш билан шуғулланади. Ана шу амалиётга мувофиқ, ИХТ ИХМДК Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ташкил этиладиган турли тадбирларда, айниқса, машҳур Самарқанд анжумани сифатида танилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумида мунтазам иштирок этади. Анжуманларда ниҳоятда муҳим масала – инсон ҳуқуқлари тўғрисида ғамхўрлик муҳокама этилади. Ана шу анжуманлар

пайтида унда иштирок этувчилар халқаро амалиёт билан танишадилар. Фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқий маданияти ва хабардорлигини ошириш масалаларини муҳокама қиладилар. ИХМДК делегацияси ана шу анжуманлардаги муҳокама-ларда фаол иштирок этибгина қолмасдан, ўзининг тажрибаси ва илғор амалиётини барча иштирокчилар билан баҳам кўради.

Бундан ташқари, ИХТ ИХМДК 2016 йилнинг 20-21 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган ИХММ ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган халқаро конференцияда ҳам иштирок этган эди. Ушбу конференцияда ИХМДК “Миллий институтлар фаолияти самарадорлигини ошириш: инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишдан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимгача” мавзусида тақдимот қилган эди. Ушбу масала бўйича ИХММ ҳамда Ўзбекистондаги турли миллий манфаатдор томонларнинг фикрларини ўрганиш ИХМДК учун ҳам фойдали бўлди.

Кўп йиллик самарали ҳамкорлик натижасида ИХМДК Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан ташкил этилган ўзининг олтинчи халқаро семинарини Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида 2019 йилнинг 7-8 октябрь кунлари ўтказди. Ушбу ниҳоятда муҳим тадбирда ИХМДКнинг барча аъзолари, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Африка иттифоқи, Ислон мамлакатлари учун статистика, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар ҳамда таълим маркази, ИХТ Ёшлар форуми, Европа кенгашининг Ёшлар ишлари бўйича маслаҳат кенгашининг халқаро экспертлари, ИХТга аъзо мамлакатлар ва кузатувчи давлатлар вакиллари, Ўзбекистондаги халқаро ташкилотларнинг, шунингдек Олий Мажлис ҳар икки палатасининг, тегишли агентликлар, миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари ҳамда ИХТга аъзо 23 та давлат фуқаролик жамияти ва ёшлар ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинар “Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти” мавзусида бўлиб ўтди. Анжуман ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришда мавжуд халқаро ва минтақавий

восита ва механизмларни холис таҳлил қилиш учун кўптомонлама мулоқот майдони бўлиб хизмат қилди. Унда ИХТга аъзо давлатларда яшовчи ёшлар ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишларига тўсқинлик қилувчи асосий муаммолар қайд этилди, ёшларга тааллуқли амалдаги сиёсат ва дастурларнинг таъсири ўрганилди, давлат сиёсатининг барча жабҳаларида ёшлар ҳуқуқларини инобатга олиш, инклюзив жамият қуриш ва барқарор ривожланишга ёшлар ҳам ўз ҳиссасини қўшишига имкон берувчи аниқ тавсиялар билдирилди.

Олтинчи халқаро семинардаги самарали муҳокамалар Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент декларациясининг қабул қилиниши билан якун топди. Декларацияда халқаро ҳамжамят ва ИХТга аъзо давлатларга ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалий тавсиялар берилди. Ҳам миллий, ҳам халқаро даражада катта қизиқиш уйғотган семинарнинг ҳал қилувчи тавсияларидан бири ёшлар эҳтиёжларини қондириш учун БМТ Бош Ассамблеясининг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳақида бўлди.

Бутун жаҳонда инсон ҳуқуқларига жиддий таъсир кўрсатаётган COVID – 19 пандемияси давом этаётгани сабабли ИХМДК ва ИХММ инсон ҳуқуқлари соҳасида умумий мақсадларга эришиш учун биргаликдаги лойиҳаларда, халқаро анжуманларда виртуал ҳамкорликни давом эттирмоқда.

2021 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил топганининг 25 йиллиги нишонланмоқда. Бу ИХММнинг шонли тарихида муҳим воқеа ҳисобланади. Чунки ушбу ташкилот жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек қонун устувор-

лигини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшиб келмоқда. ИХМДК Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини ана шу юбилей билан табриқлар экан, унга барча мақсадларига эришишда янгидан янги муваффақиятлар тилайди, шунингдек ўзаро қизиқиш уйғотадиган ҳамма соҳаларда биргаликда иш олиб боришда собитқадамлигини тасдиқлайди. Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг тўла қўллаб-қувватлаши билан академик Акмал Саидовнинг доно раҳбарлиги остида Миллий марказ демократик ва тинч-тотув жамият яратиш, қонун устуворлиги ва барча фуқаролар учун асосий эркинликлар таъминланиши бўйича ҳукуматнинг саъй-ҳаракатларига ёрдам кўрсатишда давом этишига бизнинг ишончимиз комил.

Бундан ташқари, ИХМДК кейинги беш йиллик ҳамкорлик ва эришилган натижаларга таянган ҳолда Миллий марказ билан самарали алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилади. Бизнинг бундан кейинги ҳамкорлигимиз ислом мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган жамиятни ривожлантириш соҳасида таълим салоҳиятини оширишга қаратилган бўлиши керак. Бу икки ташкилот инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзаро манфаатли тажриба алмашишни кўзлаб, биргаликда тадқиқотлар ўтказиши, шунингдек миллий, минтақавий ва глобал даражаларда жамоатчиликнинг инсон ҳуқуқлари масалаларидан хабардорлигини оширишга ҳаракат қилиши лозим. Ушбу икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ИХТга аъзо ва қузатувчи мақомидаги бошқа давлатларнинг миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари учун жамиятда асосий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш мақсадида намуна модели бўлиб хизмат қила олади.



БИЗНИ УМУМИЙ ҚАДРИЯТЛАР БИРЛАШТИРИБ ТУРАДИ



Валерий ФАДЕЕВ,
Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш
ва инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш раиси

2021 йил ўзининг 25 йиллигини нишонлаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази учун алоҳида аҳамият касб этади. Чорак аср – СССР парчаланиб кетганидан кейин Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида биринчи қадамларини қўяётган мураккаб шароитларда ташкил этилган, мамлакатдаги ҳал қилувчи ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларидан бири бўлган Марказнинг тараққиётида муҳим босқич ҳисобланади.

Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари кенгашининг раҳбари сифатида – Россияда ҳам ана шундай мураккаб шароитларда ва айни шундай мақсадларда тузилган ташкилотнинг раҳбари сифатида миллий даражадаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш институти фаолиятида дуч келинадиган ўзига хос хусусиятлар ва қийинчиликларни жуда яхши биламан. Шунинг учун ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг муваффақиятлари, фаолиятларининг самарадорлиги ва эришган натижалари катта ҳурматга сазовор. Шу муносабат билан Россия Кенгашининг аъзолари ва шахсан ўз номидан узоқ йиллар давомида Марказга етакчилик қилиб келаётган Акмал Холматович Саидов тимсолида ушбу ташкилот раҳбарияти ва ходимларини самимий табрикламоқчиман ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ғояларини илгари суриш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда янги муваффақиятлар тиламоқчиман.

Кенгаш узоқ йиллар давомида Марказий Осиёдаги давлатларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш миллий муассасалари ўртасида энг яқин шерик бўлган

Марказ билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бизнинг муассасаларимиз раҳбарлари ва ходимлари биргаликда халқаро тадбирларда иштирок этадилар, тажриба алмашадиладар, оддий одамларга ёрдам кўрсатиш ҳамда тизимли масалаларни ҳал қилишда тажрибалари билан ўртоқлашадиладар, бир-бирларига ёрдам кўрсатадиладар. 2019 йилнинг апрелида ҳамкорлигимиз янги даражага кўтарилди: Кенгаш делегациясининг Тошкентга ташрифи доирасида “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ўртасида ўзаро англашув тўғрисида”ги меморандум имзоланди, бу билан ҳамкорлик соҳасида бундан буён ўзаро иш кўриш ва фаолиятларимизнинг истиқболли янги соҳаларининг бош йўналишлари расмийлаштирилди.

2020 йилда Кенгаш Марказга мамлакатимизда фуқаролар иштирокини таъминлашда энг муҳим ташкилотлардан бири бўлган ҳал қилувчи орган – Россия Жамоатчилик палатаси ташкил этилиши тарихи бўйича катта ҳажмдаги материаллар ва тавсияларни жўнатди. Ана шундай муассасани шакллантириш тажрибаси ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз учун жуда фойдали бўлишига ишончим комил ва уларнинг шунга ўхшаш органни ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ниятида эканликлари билан табриклайман.

Бизнинг мамлакатларимиз фуқаролик институтларининг муҳим ролини баҳолаши ва англашида ҳамда замонавий жамиятни ривожлантиришда инсон ҳуқуқларини сифатли ҳимоя қилиш бўйича

умумий ёндашувларга эга. Кенгаш ва Марказ ўз фаолиятида давлатларимизнинг конституцияларида ва асосий ҳужжатларида белгилаб қўйилган ушбу принципларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Ана шундай ёндашувларга содиқлик Президентлар В.В.Путин ва Ш.М.Мирзиёев томонидан нутқларида, халқаро ва икки томонлама учрашувларда муттасил равишда тасдиқланиб келмоқда.

Бизнинг жамиятларимизда умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳозирги даврдаги инсон ҳуқуқлари концепциясини шакллантиришда мамлакатларимизнинг маданий-тарихий ўзиган хослигини ҳисобга олиш муҳимлиги аниқдир. Афсуски шу сабабли ҳозирги даврдаги халқаро ижтимоий мунозараларда ғарбдаги шерикларимизнинг фаоллиги билан собиқ Иттифоқ таркибидаги мамлакатларда инсон ҳуқуқлари қадриятларидан ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга содиқликдан гўёки воз кечиш мавжудлиги тўғрисидаги фикрлар илгари сурилади. Давлатларимизнинг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ўз қарашларимизни билдиришга интилишимизга қаршилиқ

кўрсатилади ҳамда бундан давлатларимизнинг ниятларини ёмонотлиққа чиқаришда фойдаланилади.

Биз вазиятнинг ана шундай баҳоланиши билан муроса қила олмаймиз, албатта. Бизни умумий қадриятлар бирлаштириб туради: Россия ҳам, Ўзбекистон ҳам инсон ҳуқуқларини ривожлантириш принципларига содиқ ҳамда фуқаролик жамиятига қўмаклашишни ўзлари учун мақсад ҳисоблаган етакчи минтақавий ва жаҳон ҳукуматлараро ташкилотларига (БМТ, МДХ) аъзо. Бизнинг мамлакатларимиз, шунингдек, тегишли халқаро битимларнинг иштирокчилари ҳисобланади.

Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича кенгаш ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасидаги ҳамкорлик жуда самарали истиқболга эга эканига ишончим комил. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг чорак аср давомида ўзлари танлаган йўлдан изчил олға қадам ташлашлари — уларнинг мустақиллиги ва касбий маҳоратларидан далолат, ўз олий мақсадларига самимияти ва содиқлигининг гаровидир.



ХИТОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУШТАРАК ТУШУНЧАЛАРИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРГА ЯНГИ КУЧ БАҒИШЛАЙДИ



Цзян ЯНЬ,
Хитой Халқ Республикасининг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси

Инсон ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш – бу инсониятнинг маърифий ривожланишга муттасил интилиши, шунингдек жаҳондаги барча мамлакатлар етакчилари, ҳукуматлари ва халқларининг умумий хоҳишидир. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан бери ўтган 30 йил давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Мамлакатда биринчи марта Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия қабул қилинди, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик узлуксиз такомиллаштириб борилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ таъсис этилган бўлиб, у инсон ҳуқуқларига оид аниқ вазифаларни тизимли бажаришда Ўзбекистоннинг обрўли органи ҳисобланади. Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида Марказ Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни ҳаётга фаол татбиқ этмоқда, фуқароларнинг сиёсий, диний, меҳнат ҳуқуқларини, шунингдек уларнинг таълим, тиббий ёрдам олиш ва шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта иш олиб бормоқда, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар, бутун жаҳондаги мамлакатлар билан самарали ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Кейинги йилларда Хитой ҳамда Ўзбекистон ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорлик қўламлари кенгайиб бормоқда. Хитойнинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорликка оид ўзаро Англашув меморандумини имзолаган. Марказ директори А.Х.Саидов бир неча бор Хитойда бўлган ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Пекин анжуманида иштирок этган. Хитой вакиллари ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё анжумани ва Ўзбекистон томонидан ташкил этилаётган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Самарқанд анжуманида фаол қатнашмоқда. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликларининг ваколатли департаментлари инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамда халқаро ҳамкорликка доир сиёсатларини мувофиқлаштириш мақсадида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказди. Хитой Ўзбекистон томонини инсон ҳуқуқлари масалаларида қатъиян қўллаб-қувватлайди, Ўзбекистон томони ҳам БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 42- ва 48-сессиялари давомида Хитойни қўллаб-қувватлади. Юқорида тилга олинган самарали ҳамкорлик Хитой ва Ўзбекистон ўртасида ўхшаш миллий шароитлар, яқин нуқтаи назарлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича умумий кенг тушунча мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хар икки томон яшаш ва ривожланиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқлари ҳисобланишини тан олади. Асрлар давомида мисли кўрилмаган ўзгаришлар ва пандемиялар номутаносиб, келишилмаган ва номукамал глобал ривожланишнинг ўткир муаммолари сақланиб қолаётганлигидан

далолат беради. Ривожланаётган давлатлар бўлган Хитой ва Ўзбекистон ўз мамлакатлари ва миллатлари буюк тараққиётга эришишини асосий вазифа деб билади. Кейинги йилларда Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда ислохотлар муттасил чуқурлаштириб борилмоқда, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик таъминланмоқда, одамларнинг турмуш даражаси изчил ошмоқда ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жиддий тараққиётга эришилмоқда.

Амалиёт инсон ҳуқуқларини ривожлантириш орқали инсон ҳуқуқлари чинакамига ҳимоя қилиниши ва амалга оширилишини исботлаган. Ҳар икки томон ўзларининг миллий хусусиятларига мувофиқ бўлган инсон ҳуқуқларини ривожлантириш бўйича ўз йўлидан узлуксиз илгарилаб бормоқда. Биз турли цивилизациялар биргаликда бўлган дунёда яшамокдамиз. Инсон ҳуқуқларини англаш ривожланаётган мамлакатлар ва минтақалар учун турли хусусиятларга эга. ХХР Раиси Си Цзиньпин Хитой БМТ Устави ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига риоя этган ҳолда, инсон ҳуқуқлари универсаллигини миллий хусусиятлар билан биргаликда амалга оширган ҳолда ҳозирги даврга жавоб берадиган инсон ҳуқуқларини ривожлантиришнинг ўзига хос ноёб йўлидан бораётганини таъкидлайди. Президент Ш.М.Мирзиёев эса шундай деган, “Ҳар бир давлат демократияни ўзича тушунади. Мен учун демократия – бу халқимизнинг тинчлиги, фаровонлиги ва тенг ҳуқуқлилиги”.

Хитой ва Ўзбекистон ўз халқларини инсон ҳуқуқлари соҳасида иш олиб боришнинг асосчилари сифатида кўради, чунки бевосита халқ инсон ҳуқуқларининг пировард эгасидир. Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият мамлакат халқи-

нинг бахт-саодати ва хавфсизлиги нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши керак. Хитой халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида тинимсиз саъй-ҳаракатлар билан камбағалликка қарши курашишда кенг кўламли ғалабага эришди, БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибиде бўлган қашшоқликни камайтириш вазифасини 10 йил аввал бажарди.

Президент Ш.М.Мирзиёев “Инсон – олий қадрият” ғоясига амал қилган ҳолда бандлик, ижтимоий таъминот, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари, ёшлар ва аёллар ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда, бунинг натижасида одамларнинг турмуш даражаси жиддий равишда юксалмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг “халқ давлати”ни ва “халқ – жамият – давлат” тизимини барпо этиш бўйича ташаббусларининг ҳаётга жорий этилиши билан Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида, албатта, катта муваффақиятларга эришишига ишончим комил.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида тараққиётга кўмаклашиш ва глобал ривожланишга эришиш – бутун инсониятнинг умумий вазифасидир. Ҳар тарафлама стратегик шерик сифатида Хитой томони Ўзбекистон билан юқорида тилга олинган умумий тушунча асосида инсон ҳуқуқлари соҳасида тажриба айирбошлаш ва ҳамкорликни чуқурлаштиришни давом эттиришга, халқаро миқёсда, шу жумладан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасида бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлашга ҳамда барча мамлакатлар билан бутун жаҳонда инсон ҳуқуқларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиш мақсадида тинч, барқарор ва адолатли муҳитни яратиш йўлида биргаликда саъй-ҳаракатлар қилишга тайёр.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА САЛМОҚЛИ ҲИССА



Ронни ХАЙНЕ,
Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг
Ўзбекистон Республикасидаги
ваколатхонаси раҳбари

Конрад Аденауэр жамғармаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходимларини муҳим сана – марказ ташкил этилганининг 25 йиллиги билан самимий табриклайди.

Марказ Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, мамлакат фуқароларининг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган ҳолда ривожланишнинг шонли йўлини босиб ўтди.

Марказ ўз Ватани – Ўзбекистондаги фаолияти билан ҳақли равишда ишончга ва кенг халқаро эътирофга эришди: мамлакатда парламент ислохотлари амалга оширилди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий тизимини ривожланти-

риш, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, жазо ижросини таъминлаш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятида “Хабеас Корпус” механизминини жорий этиш, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқий институтлар ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, Ўзбекистонни конституциявий асосда ривожлантириш бўйича кенг қўламли вазифаларни бажармокда.

Биз Марказ томонидан 25 йил давомида амалга оширилган ана шу муҳим ишларнинг бир қисми Конрад Аденауэр жамғармаси билан боғлиқ эканлигидан ғоят фахрланамиз.

Яна бир бор Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятига чуқур ҳурматимизни ифода этамиз ва унга янги муваффақиятлар тилаймиз!



ИСЛОМ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИ ТАМОЙИЛЛАРИ



Ҳайдарали ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат
ва ҳуқуқ институти илмий ходими, Жаҳон иқтисодиё-
ти ва дипломатия университетида ташкил этилган
ЮНЕСКОнинг “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари”
кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

Аннотация. Ушбу мақолада ислом халқаро ҳуқуқининг асосий тамойиллари ҳуқуқ соҳалари кесимида таҳлил қилинган, шунингдек уларнинг ҳозирги халқаро-ҳуқуқий амалиётдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Таҳлиллар асосида ислом халқаро ҳуқуқи тамойиллари ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тизими тобора интеграциялашиб бораётгани тўғрисида тегишли хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: халқаро ҳуқуқ тамойиллари, халқаро-ҳуқуқий амалиёт, суд амалиёти, ислом халқаро ҳуқуқи, шартномаларга риоя этиш тамойили, дипломатик дахлсизлик ва имтиёзлар, ўзаролик тамойили, мутаносиблик тамойили.

Abstract. This article analyzes the basic principles of Islamic international law in terms of areas of law, as well as their role and importance in current international legal practice.

Based on the analysis, the relevant conclusions were drawn that the principles of Islamic international law are becoming increasingly integrated into the modern system of international law.

Key words: principles of international law, international legal practice, court's practice, Islamic international law, Pacta sunt servanda, diplomatic immunity and privileges, the principle of reciprocity, the principle of proportionality.

Аннотация. В данной статье анализируются основные принципы исламского международного права с точки зрения отраслей права, а также их роль и значение в современной международной юридической практике.

На основе проведенного анализа были сделаны соответствующие выводы о том, что принципы исламского международного права все больше интегрируются в современную систему международного права.

Ключевые слова: принципы международного права, международно-правовая практика, судебная практика, исламское международное право, дипломатический иммунитет и привилегии, принцип взаимности, принцип пропорциональности.

1945 йилда қабул қилинган Халқаро одил суд Низомининг 38-моддасида халқаро ҳуқуқнинг манбаси сифатида ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ҳам “маданиятли миллатлар томонидан эътироф этилган ҳуқуқнинг умумий тамойиллари” тарзида эслатиб ўтилади¹. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари ҳуқуқ манбаси ва айни пайтда, ҳуқуқ нормаларининг амалиётда намоён бўлиш шаклидир.

Ҳозирги кунда халқаро ҳуқуқнинг умумэтирофга сазовор бўлган ва умумбашарий аҳамиятга эга асосий тамойилларидан ўнтаси нуфузли халқаро ҳужжатларда санаб ўтилади.

Шундан бештаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 2-моддасида, учтаси БМТ Низомига мувофиқ давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка оид 1970 йилги Халқа-

¹ Les principes généraux de droit reconnus par les nations civilisées (the general principles of law recognized by civilized nations) – Statut de la Cour internationale de justice, Art.38, (c). //Dupuy P.–M. Les grands textes de droit international public. 2-édition. Dalloz, Paris, 2000. – P. 297.

ро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияда ўз аксини топган. 1975 йилда қабул қилинган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик конференциясининг яқунловчи ҳужжати эса улар сафига яна икки тамойилни олиб кирди. Шу тариқа халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари сони ўнтага етди. Бу тамойиллар ислом халқаро ҳуқуқининг асосий тамойиллари билан уйғун ва ҳамоҳанг.

Айни пайтда, ислом халқаро ҳуқуқининг асосий тушунчалари ва тамойиллари ислом ҳуқуқининг асосий тушунчалари ва тамойиллари билан узвийлик касб этади. Чунки, халқаро ислом ҳуқуқи, аксарият муаллифлар таъкидлаганидек, ислом ҳуқуқи ва шариат нормаларининг халқаро майдонга қўчган шакли ҳисобланади. Албатта, шакл ўзгаришлари муайян мазмун ўзгаришларига олиб келиши мумкин. Бироқ, ислом ҳуқуқининг туб моҳияти, мақсади, мазмун-моҳияти ва тамойиллари ўзгармай қолаверади.

Ислом халқаро ҳуқуқининг асосий тушунчалари ва тамойиллари ислом ҳуқуқининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Ислом халқаро ҳуқуқининг мақсади дунёда тинчлик ва адолатни қарор топтиришдан иборат². Аслида, бу нафақат ислом халқаро ҳуқуқининг, балки ислом дини ва ислом ҳуқуқининг ҳам асосий тамойили демакдир. Шу маънодаги оятлар Қуръони каримнинг “Ҳадид” сураси (25-оят), “Наҳл” сураси (90-оят), “Аъроф” сураси (29-оят), “Нисо” сураси (58, 105 ва 135-оятлар) ва бошқа сураларида келтирилган.

Албатта, тинчликни қарор топтириш учун адолатни ўрнатиш керак. Исломнинг мақсади адолат экани унинг муқаддас китобида бир неча бор таъкидланган ва бу нуфузли уламолар томонидан эътироф этилган³. Хусусан, Қуръони каримнинг “Наҳл” сураси 90-оятда адолат ўрнатиш ва адолатга чорлаш тамойили ўз аксини топган: “Аллоҳ адолатга буюради”⁴.

Тинчликни қарор топтиришнинг яна бир шарти — бағрикенглик, дўстлик, биродарлик, бошқа маданиятларга нисбатан тоқатлиликдир. Қуръони каримнинг “Ҳужурот” сураси 13-оятда инсонларнинг бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратилгани ва бир-бирлари билан танишишлари учун (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйилгани эслатилиб, инсоният ибтидосининг якдиллиги ва улар Аллоҳнинг амри билан хилма-хил миллат ва қабилаларга бўлиб ташланган ҳолда инсонларнинг жамоа-жамоа бўлиб яшашларига ишора этилади.

Ҳуқуқ соҳалари кесимида олиб қаралганда, **уруш воситасида куч ишлатмаслик тамойили** исломнинг асосий тамойилларидан биридир. Ислом халқаро ҳуқуқи таълимотида уруш ва тинчлик масаласи ислом дини ва ҳуқуқида энг марказий масаладир. Урушга нисбатан ислом ва шариатнинг муносабатини бир сўз билан ифодалаш мумкин: Аллоҳ ҳеч кимни ўлдириш ёки ўлдирилиш учун яратмайди. Уруш Қуръони каримнинг 70 дан ортиқ оятида тақиқланган. Мисол учун “Бақара” сурасининг 216-оятда урушнинг ёқимсиз эканлиги, бироқ ёв билангина жанг қилиш фарзлиги келтирилади.

Исломда учта ҳолатда уруш ҳаракати маъқуланган. Биринчи ҳолат — яқка ёки жамоавий бўлиб, мусулмонларга қарши агрессия, мусулмонларнинг эътиқодига қарши, уларни исломдан чиқариш мақсадида бошланган урушларга қарши уруш олиб бориш мумкин. Бунинг учун Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 191-ояти, “Ҳаж” сурасининг 39-ояти⁵ асос бўлиб хизмат қилади. Иккинчи ҳолат — адолатсизлик остида қолган мазлумларга ёрдам бериш мақсадидаги уруш. Унинг асоси Қуръони каримнинг “Нисо” сураси 75-оятда мужассам этилган. Учинчи ҳолат — мудофаа мақсадида ўз ҳудудига қилинган ҳужумдан ҳимояланиш мақсадидаги уруш. “Бақара” сурасининг 190-ояти⁶ мана шу ҳо-

² Khadduri, Majid. The Islamic Law of Nations: Shaybani's Siyar. — Baltimore: Johns Hopkins Press, 1996; xviii, 311 pp.; in English translated from Arabic. — P. 3.

³ Maqsd Al-Adl fii Al-Qur’aan Al-Kariim (The objective of Justice in the Noble Qur’an). By Muhammad Selim Elawa. London: Al-Furqan Islamic Heritage Foundation, Center for the study of the Philosophy of Islamic Law, 2016, 84 pp.; Al-Madkhal Al-Sunanii Ilaa Khariitat Al-Maqaasid Al-Kulliyah fii Al-Qur’aan Al-Kariim (The Methodological introduction to the map of the universal objectives of Islamic Law in the Noble Qur’an). By Tayeb Berghout. London: Al-Furqan Islamic Heritage Foundation, 2016, 161 pp.

⁴ Қуръони карим оятларининг мазкур мақолада берилган ўзбекча таржимаси Шайх Абдулазиз Мансурнинг “Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири”дан олинмоқда. Қаранг: Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети; таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. — Т.: Тошкент ислом университети, 2016. — 624 б.

⁵ “(Мушриклар томонидан) ҳужумга учраётган (мусулмон)ларга, мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилишга) изн берилди”.

⁶ “Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин жанг асносида ҳам) ҳаддан ошмангиз!”.

латни кўзда тутди. Мазкур ҳолатлар юзага чиққанда, Қуръони каримда бундай урушларга тайёр туриш буюрилган (“Анфол” сурасининг 60-ояти).

Бироқ, Бақара сурасининг 190-оятида уқтирилганидек, уруш ҳаракатлари бошланган ҳолатда унинг мақсади зарурат чегарасидан чиқиб кетмаслиги лозим. Чунончи, ўлжа ва солиқлар мусулмонлар учун урушга сабаб бўла олмайди. Уруш бошланган тақдирда, агарки қарши томон сулҳ ёки урушни тўхтатишга мойиллик билдирса, дарҳол сулҳ тузиш буюрилган. Бу ҳақида “Анфол” сурасининг 61-ояти⁷ ва Нисо сурасининг 94-ояти⁸ хабар беради.

Уруш масаласида ислом ҳуқуқида мунофаа ёки агрессиядан ҳимояланиш мақсадидаги “урушга бўлган ҳуқуқ” ва уруш даври ҳуқуқининг ҳолати ва хусусиятлари тўлиқ эътиборга олинган⁹.

Ислом халқаро ҳуқуқида Гага ҳуқуқи тамойиллари

Уруш ва тинчлик масаласи ислом халқаро ҳуқуқининг асосий категорияси экан, унда уруш олиб бориш қоидалари, усуллари ва тамойилларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу қоидалар мажмуаси, кейинчалик, ғарб халқаро ҳуқуқида “Гага ҳуқуқи” деган ном билан юритилган.

Ислом халқаро ҳуқуқи таълимотида уруш олиб бориш усуллари ва воситаларига оид қоидаларнинг мукаммал тизими ҳам ишлаб чиқилган. Мазкур қоидалар ҳозирги халқаро гуманитар ҳуқуқнинг “Гага ҳуқуқи” қоидаларига тўла мос келади.

Ислом халқаро ҳуқуқида ҳарбий ҳийла ишлатиш мумкинлиги қайд этилади, лекин мунофиқлик, найранг қилиш тақиқланади. Масалан, душман кийими каби ёки унга ўхшаш либослар кийиб олиш, оқ байроқ кўтариб олган ҳолда урушни

давом эттириш шулар жумласидандир. Мазкур тақиқловчи қоидалар Женева конвенцияси I Қўшимча Протоколининг 37-моддаси 1-бандига тўла мувофиқдир¹⁰.

Қуръони каримнинг “Тавба” сураси 5-оятидан келиб чиқиб муқаддас ойлларда (Шаввол, Зулқайда, Зулҳижжа, Муҳаррам) уруш қилиш мумкин эмаслиги белгиланган ва шу ойлларда уруш ҳаракатлари тўхтатиб турилган. Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 194-оятда ҳам уруш ман этилган ойллар эслатилади.

Ислом халқаро ҳуқуқида ҳужум бошладан олдин душман томонни огоҳлантириш шарт, деб ҳисобланган. Қўқисдан қилинган ҳужум нафақат инсоний талофотларга, балки кўплаб моддий ва маънавий бойликларнинг йўқ бўлишига ҳамда ақл ва ирода билан бошқариб бўлмайдиган саркашликка сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, қутилмаган мудҳишликларнинг олдини олиш мақсадида душман томон бошланаётган ҳужумдан хабардор этилган.

Ислом халқаро ҳуқуқида Женева ҳуқуқи тамойиллари

Ислом ҳуқуқининг инсонпарварлик табиатидан келиб чиққан ҳолда уруш пайтида аёллар, болалар, кексалар ва руҳонийлар алоҳида муҳофазага олинган. Бухорий ҳадисларида “аёллар ва болаларни ўлдириш мумкин эмас”лиги, шунингдек, “руҳоний ва зохидларни ўлдирмаслик лозимлиги” қайд этилган¹¹. Йирик ислом ҳуқуқшуноси Имом Сарахсий асарларида кўзи ожизлар ва беморларни ўлдирмаслик мажбуриятининг мавжудлиги таъкидланади¹².

Уруш ҳаракатларида бевосита иштирок этмаётган ва аниқ талофот етказиш имкониятига эга бўлмаган кексалар ва бемор одамларни ўлдир-

⁷ “Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, Сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг”.

⁸ “Сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) кишига бу дунё матоҳини (ўлжани) кўзлаб: “Мўмин эмассан”, - демангиз”.

⁹ Niaz A. Shah. The Use of Force under Islamic Law / European Journal of International Law, Volume 24, Issue 1, February 2013. – Pages 343–365: <https://doi.org/10.1093/ejil/cht013>.

¹⁰ 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенцияларининг “Халқаро қуроли мижозлар қурбонларини ҳимоя қилишга оид” I Протоколи 1977 йилда имзоланган. Мазкур Протоколнинг 37-моддаси (Мунофиқликни тақиқлаш) 1-бандида душманни мунофиқлик йўли билан ўлдириш, ярадор қилиш ёки асир олиш тақиқланади ҳамда мунофиқликнинг қўйидаги тақиқланган шакллари кўрсатилади: ярашиш байроғи остида муғомбирлик билан алдаш, сохта ярадорлиги ва беморлигини кўрсатиб муғомбирона алдаш, бетараф томонларнинг белгилари, эмблемалари ёхуд формали кийимларидан фойдаланиб муғомбирлик билан алдаш.

¹¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами: 4 китоб. Араб тилидан таржималар. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992-1997; Şaḥīḥ al-Bukhārī. The translation of the meanings of Şaḥīḥ al-Bukhārī, Arabic-English. Khān, Muḥammad Muḥsin. – Lahore: Kazi Publications, 1976. 9 v. Arabic-English.

¹² Sarakhsi. Mabsut. – Cairo, 1324, vol., X. – 69; Sharh al-Siyar.

маслик буюрилган. Ислонда Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 190-оятидан келиб чиққан ҳолда тинч аҳолини ўлдириш мумкин эмас. Шунинг учун уруш ҳаракатларида бевосита иштирок этаётганлар билан тинч аҳолини бир-биридан фарқлаб олиш муҳим ҳисобланади.

Ислон халқаро ҳуқуқида кўзда тутилган урушда иштирок этмаётган аҳоли ёки аҳолининг аёллар, болалар, кексалар ва руҳонийлар, кўзи ожизлар ва беморлар каби муайян тоифасини ўлдирмаслик мажбурияти халқаро гуманитар ҳуқуқ соҳасида 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенциялари ва уларнинг 1977 йил 8 июнда имзоланган қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга оид I ва II протоколлари қоидаларига ҳамоҳангдир¹³.

Шунингдек, ҳадисларда урушда тирикларнинг танасини ва ўликларнинг жасадини бурдалаш қатъий тақиқланиши айтилади¹⁴. Жумладан, ислонда *сабрун қатл*, яъни узоқ қийнаб ўлдириш, ҳали тирик асирдан машқ пайтида нишон сифатида фойдаланиш, уларда ҳар хил қуролларни синаб кўриш тақиқланади¹⁵.

Уруш асирларининг тақдири масаласи ислон халқаро ҳуқуқида энг кўп мунозара қилинган мавзудир. Қуръони каримда асирларга тааллуқли бир қатор оятлар мавжуд. Уруш асирлари Қуръони каримда махсус ҳимоя остига олинган (“Муҳаммад” сураси 4-оят¹⁶, “Инсон” сураси 8-9-оятлар¹⁷).

Хулоса қилиб айтганда, ислон гуманитар ҳуқуқи нормаларини бошқа минтакавий ҳуқуқ тизимларидаги худди шундай нормалар билан таққослаганда, унинг бир қатор илғор жиҳатларини кўришимиз мумкин. Масалан, ислон ҳуқуқида тақиқланган амалларга нисбатан ўзаролик принципи татбиқ этилмаган. Яъни, душман томони

тақиқланган усул ёки восита билан уруш олиб борса, худди шундай усул ва воситалар билан уларга жавоб қайтариш буюрилмаган. Душман томоннинг ҳужумига мутаносиблик даражасида жавоб қайтариш тавсия этилади, холос. Жумладан, Қуръони каримнинг “Наҳл” сураси 126-оятда “сизга қилинган ҳужум ҳажмида сиз ҳам ҳужум қилинг” дейилади¹⁸. Бошқача қилиб айтганда, жавоб ҳужуми душман ҳужуми ҳажмидан ошиб кетмаслиги лозим.

Мутаносиблик тамойили душмандан ўч олиш шаклидаги жавоб амалиётини жиловлаб турган. “Гофур” сурасининг 40 ояти¹⁹ ва “Шўро” сурасининг 40-оятда²⁰ ҳам мутаносиблик тамойилига ишора қилинади.

Ислон халқаро гуманитар ҳуқуқи бугунги кундаги халқаро жиноят ҳуқуқининг ҳам айрим қоидалари билан узвийликни ҳосил қилади. Жумладан, Халқаро жиноят суди низоми – Рим статутининг 75-моддасида уруш жабрдийдалари учун компенсация тўлаш кўзда тутилади. Бу ислон ҳуқуқидаги дийя, яъни хун ҳақи билан умумий хусусиятларга эга ҳолатдир. Зотан, Рим статутини 21 (1)-бандида Халқаро жиноят судининг Халқаро одил суд статутини 38-моддасининг с-бандида кўрсатилган ҳуқуқнинг умумий принципларига таяниб фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган.

Ислон халқаро ҳуқуқида шартномалар ҳуқуқи тамойиллари

Маълумки, халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг энг қадимги ва амалий воситаларидан бири – халқаро шартномалардир. Ислон халқаро ҳуқуқ таълимотида халқаро шартномалар мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда халқаро ҳуқуқий муносабатлар тизимида яқдил умум-

¹³ Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами / Кириш сўзи муаллифи ва масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2002. – 440 б.; Geneva Conventions of 1949 and Additional Protocols, and their Commentaries. International Committee of the Red Cross’s database: <https://ihl-databases.icrc.org/applic/ihl/ihl.nsf/vwTreaties1949.xsp>.

¹⁴ Le grand livre de la conduite de l’État (Kitāb al-Siyar al-kabīr ach-Chaibani). Commenté par as-Sarakhsi. Traduit par Muhammad Hamidullah, 4 vols. Ankara: Türkiye Diyanet Vakfı, 1989–1991. Chapitre (2) Instructions aux commandants des armées. – P. 28-43.

¹⁵ Abu Dovud. Sunan, vol.3. 137, Istambul: Dar Sahnun, 1992, hadith n. 2687.

¹⁶ “Бас, қачонки, уларни (кофирларни) қирғинга тутиб асир олганингиздан кейин яхшилаб боғлаб қўйингиз! Сўнгга ё (ўларни озод қилиб) марҳамат кўрсатурсиз, ё (қўйиб юбориб) фидя (товон) олурсиз”.

¹⁷ “(Солиҳ кишилар) таомни эса сўб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларга едирурлар”.

¹⁸ Шайх Абдулазиз Мансурнинг “Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири”да 126-оят қуйидаги мазмунда таржима қилинади: “(Эй имон келтирганлар!) Агар интиқом олмоқчи бўлсангиз, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз! Агар (интиқом олмай) сабр қилсангиз, албатта, бу сабр қилувчи кишилар учун яхшироқдир”.

¹⁹ “Кимки бирор ёмонлик қилса, унга (охиратда) ўша ёмонлиги баробаридагина жазо берилур”.

²⁰ “(Ҳар қандай) ёмонлиқнинг жазоси худди ўзига ўхшаш ёмонликдир”.

башарий шартномавий ҳуқуқий амалиёт қарор топган, халқаро шартномалар ҳуқуқи нормалари универсаллашиб кетган бўлса-да, ислом халқаро шартномалар ҳуқуқининг тарихий ривожланиш тенденциялари ва бугунги кунгача сақланиб қолаётган ўзига хос хусусиятларининг инкор этилиши мумкин эмас.

Дарҳақиқат, ислом халқаро шартномалар ҳуқуқи ўзининг бир қатор хусусиятларига эга²¹. Биринчидан, халқаро шартноманинг ўзи исломда ўзгача талқин этилади. Ислом халқаро ҳуқуқ таълимотида шартнома тушунчасига биринчи бўлиб классик таъриф Имом Сарахсий томонидан берилган. Унга кўра, “Шартнома (араб тилида “муъаҳда” ёки “мувадаъа”) – аҳд (келишув, боғланиш) шакли бўлиб, ҳуқуқий оқибат туғдириш мақсад қилинган битим, келишувни англатади”. Бу ерда тилга олинаётган аҳднинг маъноси ғарб халқаро ҳуқуқ таълимотидаги битимдан кенгрок. Исломда битим томонларнинг ниятлар ва мақсадлари мослиги ёки уйғунлигини англатади. Унинг моҳияти манфаат тушунчаси билан чекланмаган. Манфаатлар катта-кичиклигидан қатъи назар, битим томонларнинг холис розилиги сифатида қаралган²².

Иккинчидан, ислом халқаро ҳуқуқ таълимотида шартномалар ҳуқуқи ислом ҳуқуқи тамойиллари билан узвийдир. Шартномаларга оид ислом ҳуқуқи нормалари айни пайтда халқаро шартномалар ҳуқуқига ҳам татбиқ этилади. Қуръони каримнинг “Анфол” сураси 61 ва 72-оятлари, “Моида” сурасининг 1-ояти²³, “Нисо” сурасининг 90 ва 92-оятлари, “Тавба” сурасининг 7-ояти, “Наҳл” сурасининг 91-ояти²⁴, “Муҳаммад” сурасининг 35-ояти халқаро тавсифдаги шартномалар тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Халқаро шартномалар тури, мақсади, вазибалари, мазмун ва шакл қоидалари ҳамда қандай тартибда тузилаётганидан қатъи назар, юридик маънода, исломнинг бирлам-

чи манбаси – Қуръони карим ва суннага бўйсундирилади. Қуръони карим ва сунна шартномалар ҳуқуқидан устун туради. Қуръонда белгиланган қоидаларга зид маҳсулотлар савдоси, уруш қоидалари, пул айирбошлаш, халқаро банк хизмати, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шартномалар ҳақиқий эмас, деб топилади.

Шартномалар ёзма ёки оғзаки бўлишидан қатъи назар, шартнома шартларига амал қилиш мажбурияти ёки шартномаларни виждонан бажариш тамойили, яъни ҳозирги тил билан айтганда “пакта сунт серванда” тамойили Қуръони каримнинг “Анфол” сураси 61 ва 72-оятлари, “Моида” сураси 1-ояти, “Нисо” сураси 90 ва 92-оятлари, “Тавба” сураси 6 ва 7-оятлари, “Наҳл” сураси 91-оятда ҳам зикр қилинади.

Ислом халқаро ҳуқуқда дипломатик ҳуқуқ тамойиллари

Ташқи сиёсат ва халқаро алоқалар воситаси сифатида дипломатик алоқалар ислом давлатчилигида муҳим аҳамият касб этган. Шу боис, ислом ҳуқуқи тамойилларига мос равишда дипломатик ва консуллик ҳуқуқи ҳам ривожланиб борган. Ўтироф этиш жоизки, дипломатик вакиллик ислом халқаро ҳуқуқининг дастлабки ва асосий институтларидан бири бўлган. Исломшунос олим Муҳаммад Ҳамидулло ислом уламаси ва тарихчиси Сайд Амир Алининг “Сарасенс тарихи” асарига таянган ҳолда исломда доимий элчилик муассасалари Европадан 200 йил олдин пайдо бўлганини таъкидлайди²⁵.

Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи Аббосийлар ҳукмронлиги даврида ташқи алоқаларнинг кенгайиши натижасида янада равноқ топди. Ўша даврларда 2 гуруҳга мансуб дипломатик агентлар фаолияти кўзга ташланади.

Биринчиси – “расул” (“русул”, кўпликда “ирсал”) деб аталиб, бу сўз луғавий жиҳатдан “мак-

²¹ Ислом халқаро шартномалар ҳуқуқи бўйича адабиёт: Labeeb Ahmed Bsoul. International treaties (mu'āhadāt) in Islam: theory and practice in the light of Islamic international law (siyar) according to orthodox schools. – Lanham: University Press of America, 2008. – 216 pp.

²² Sarakhsi. Sharh al-Siyar al-Kabir. Vol.IV. Cairo edition: Dar al-Ma'arif, 1908. – P.61. Яна қаранг: Le grand livre de la conduite de l'État (Kitāb al-Siyar al-kabīr ach-Chaibani). Commenté par as-Sarakhsi. Traduit par Muhammad Hamidullah, 4 vols. Ankara: Türkiye Diyanet Vakfı, 1989–1991. – P.34-35.

²³ “Эй имон келтирганлар! Битимлар (аҳдлар)га вафо қилингиз!”

²⁴ “Аҳдлашганингизда, Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз!”

²⁵ Hamidullah, Muhammad. The emergence of Islam: lectures on the development of Islamic world-view, intellectual tradition and polity. 1st ed. – Islamabad: Islamic Research Institute in collaboration with Da'wah Academy, International Islamic University, 1993. xiv, 286 p. – P.116.

туб” сўзи билан маънодош ҳисобланган. Бирор хабар билан бориш маъносини англатган.

Иккинчиси — “сафир” (кўпликда “суфараъ”) дея номланиб, мактуб етказиш билан биргаликда яна бирор юмуш, вазифа ёки миссияни бажариб келиш топшириғи юклатилган шахс тушуниланган. Аксарият ҳолатларда у медиатор вазифасини ҳам бажарган²⁶.

Элчи, чопар ҳамда барча даражадаги дипломатик вакиллар ҳар қандай шароитда зарур дахлсизлик ҳуқуқи ва имтиёзлар билан таъминланган. Бу исломнинг дипломатик бағрикенглигини кўрсатади.

Илк ислом даври дипломатик амалиётининг яна бир ўзига хос эътиборли жиҳати шундаки, элчи қабул қилиниши учун қабул қилувчи томоннинг олдиндан розилиғи сўралмаган. Элчилик миссияси бир томоннинг иродаси эмас, балки ҳар икки томон учун бирдек аҳамиятли вазифа сифатида кўрилган. Ҳозирда “Дипломатик алоқалар тўғрисида”ги Вена конвенциясининг 4-моддасига мувофиқ, элчи ўз миссиясини бошлаши учун қабул қилувчи томоннинг розилиғи (агремент) сўралиши лозим²⁷. Улар томонидан розилик берилмаслиги ҳам мумкин ва бунинг сабаби кўрсатилиши шарт эмас. Демак, VIII асрда ислом ҳуқуқи ўша пайтдаёқ бундай амалиётни четлаб ўтиб, бу борада анча илғорлаган. Элчи ўз миссиясини элчи сифатида тайинланиши билан бажаришга киришган. Ўзга юртларда, агарки, элчи ўз элчилигини исботлай олмаса, бунинг тасдиғини, масалан, ўз ҳукмдорининг мактуби ёки нишонини кўрсата олмаса, у ҳарбий ўлжа сифатида асир олинган.

Ислом ҳуқуқида қабул қилинган давлат ҳудудида элчининг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи бўлган. У зарурат тақозо қилган пайтда ортга қайтиши ва яна чегарани кесиб ўтиши мумкин эди. Ҳатто, уруш пайтида ҳам унинг ўз юртига қайтишига рухсат берилган. Чунки, у мустаъмин сифатида шарият ҳукми остидаги шахс эмас (ибодат қоидалари нуктаи назаридан), шарият нормалари унга татбиқ этилмайди, у “дар ал-ислам”да жойлашган

бўлса ҳам, ўз давлатининг қонунлари остидаги шахс ҳисобланган. Шунинг учун қабул қилувчи давлат қонунлари унинг исталган пайтда ортга қайтишига тўсқинлик қила олмайди. Башарти, элчи қабул қилувчи томоннинг стратегик аҳамиятга эга сирларидан хабардор бўлиб қолсаю, уни душман томонга етказиш хавфи пайдо бўлса, ислом ҳуқуқида элчини хавф ўтиб кетгунга қадар ушлаб туриш мумкинлиги тасдиқланади. Мазкур ҳолат ҳозирги Вена конвенциясининг 26-моддаси билан ҳамохангдир.

Элчиларнинг дипломатик дахлсизлик ҳуқуқи, иммунитетлари ва имтиёзлари имомнинг ҳукми билангина бекор қилинган. Худди шу тартибда, элчининг қабул қилувчи давлат ҳудудидаги фаолияти учун юридик асос бўлиб хизмат қилаётган “аман муддати” тўхтатилган. Имомнинг қарорида элчининг мамлакат ҳудудини тарк этиши учун етарли вақт берилган, бу муддат ичида элчига зарар етказилмаслиги, унинг шахсий, мулкӣ ва бошқа ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши лозимлиги эътиборга олинган. Масалан, мустаъмин мақомидаги элчи ерни мулк қилиб ўзлаштирган ёки маҳаллий аҳоли вакилига уйланган бўлса, мулк ва никоҳга оид барча масалалар ҳал этилиши учун унга етарли вақт берилган. Афсуски ҳозирги дипломатик амалиётда, айрим ҳолларда, дипломатларнинг маълум муддат ичида сабаблари кўрсатилмаган ҳолда мамлакатни тарк этиши талаб қилинаётгани кузатишмоқда. Бу ҳолат Вена конвенциясининг 9-моддасида ҳам кўзда тутилган. Ҳозирги дипломатик амалиётда, элчи ўз миссиясини тугатиб бўлгандагина, унга мамлакатни тарк этиши учун рационал вақт берилади, холос.

Хулоса қилиб айтганда, ислом халқаро ҳуқуқида кўзда тутилган мазкур ҳолатлар (элчилик шаънини ҳурмат қилиш ва ҳимоялаш, элчини зарур ҳолатда қўшимча маблағ ва транспорт воситалари билан таъминлаш ҳамда унинг шахсий хавфсизлигини муҳофаза этиш) ҳозирда амал қилаётган “Дипломатик алоқалар тўғрисида”ги 1961 йилги Вена конвенциясининг 22 (2-банд) ва 44-моддаларига мос келади²⁸.

²⁶ Maḥmaṣānī, Ṣubḥī Rajab. The principles of international law in the light of Islamic doctrine [electronic resource]. Collected Courses of the Hague Academy of International Law (Volume 117) Publication Editor: Hague Academy of International Law: Brill Academic Publishers, 1967 | Nijhoff, Leiden: Brill | 1 online resource, Online access, 2014.

²⁷ Vienna Convention on Diplomatic Relations 1961. Done at Vienna on 18 April 1961. Entered into force on 24 April 1964. United Nations, Treaty Series, vol. 500, p. 95. See full text: https://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/conventions/9_1_1961.pdf.

²⁸ Vienna Convention on Diplomatic Relations 1961. Done at Vienna on 18 April 1961. Entered into force on 24 April 1964. United Nations, Treaty Series, vol. 500, p. 95. See full text: https://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/conventions/9_1_1961.pdf.

Ислом халқаро ҳуқуқида экология ва халқаро савдо ҳуқуқи қоидалари

Ислом ҳуқуқи инсоннинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини ахлоқ қоидаларидан юридик мажбурий асосга тизимли кўчирган. Ислом халқаро ҳуқуқининг бир қатор принциплари халқаро ҳуқуқ принциплари билан уйғунлиги суд амалиёти томонидан тасдиқланган. Атроф-муҳит соҳасида исломдаги жамоавий ёндашув халқаро ҳуқуқ принципига айланиб улгурган.

Тараққиётнинг кейинги босқичларида халқаро экология ҳуқуқи ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ҳуқуқи ривожланиши натижасида низога бевосита дахлдор бўлмаган учинчи томонларнинг ҳам манфаатлари тан олина бошланди. Бир давлатнинг иккинчи давлатга етказган зарари жуда кам ҳолларда икки томонлама алоқалар сигимида қолади, балки кўпинча учинчи давлатларни ҳам низога тортади. Яъни, атроф-муҳитга трансчегаравий таъсир ўтказиш орқали кенг жамоатчилик зарар кўриши ва автоматик равишда низо томонига айланиши кузатилади. Бундай пайтда халқаро ҳуқуқда трансчегаравий зарардан ҳимояланиш учун жамоавий (коммунитариан) ёндашувнинг қабул қилиниши тақозо этилади. Бу эса ислом ҳуқуқида кенг томир отган тамойилдир. Бу борада Муҳаммад пайғамбаримизнинг (с.а.в.), “Зарар ҳам, зарарнинг сабаби ҳам оқибатсиз қолмайди”, деган ҳадислари асосий қоида сифатида қабул қилинган. Кейинчалик бу принцип Усманийларнинг ҳанафий судлари йўриқномаси – “Мажадд”да қуйидаги қоидалар шаклида ўз аксини топган: “Хусусий манфаатларга нисбатан умумбашарий манфаатларни сақлаб қолишга устуворлик берилади”, “Умумий фаровонлик шахсий фаровонликдан устундир”²⁹.

Бунинг маъноси шуки, ҳар бир шахс табиат неъматларидан ўз эҳтиёжи чегарасида фойдаланиш ҳуқуқига эга, бироқ бу эҳтиёжни қондиришга қаратилган ҳаракат бошқаларга зиён етказган пайтда унинг чегараси шу ерда тўхтайдиган. Жон бошига тақсимланмайдиган ресурслардан умумий фаровонлик йўлида мутаносибликда фойдаланиш лозим.

Кутилаётган фойдани қўлга киритиш учун, албатта, зарарни четлаб ўтишнинг иложи бўлмаган пайтда бошқа бир исломий принцип ўртага чиқади: “Зарарнинг олдини олиш фойда олишдан муҳимроқдир”.

Исломнинг мана шу принциплари атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳуқуқ принциплари билан ҳамохангдир. Бу соҳада исломдаги жамоавий ёндашув халқаро ҳуқуқ принципларига айланган. Ислом ҳуқуқига тўғридан-тўғри ҳавола қилмасанда, халқаро судлар амалиётида, хусусан “Палп Майлс”, “Лану кўли”, “Трайл Смелтер” ва “Габричкова-Надмарош” суд ишларида мана шу принциплар баралла янграган³⁰.

Ислом халқаро ҳуқуқининг шундай тамойиллари борки, уларни бир неча ҳуқуқ соҳаларида бир хил мазмунда учратиш мумкин. Ислом халқаро ҳуқуқи ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида энг диққатга сазовор ана шундай тамойиллардан бири **ўзаролик тамойилидир**.

Ислом ҳуқуқида ўзаролик тамойили муҳим аҳамиятга эга. Ўзаролик тамойили ички ҳуқуқда кенг қўлланилади. Масалан, ислом жиноят ҳуқуқида жиноятга тенг жазо қўлланилиши ўзаролик тамойилининг бир кўринишидир. Бу тамойилни халқаро ҳуқуқ ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳамма соҳасида учратиш мумкин. У, аynиқса, халқаро ҳуқуқий муносабатларда мувозанатловчи хусусиятга эга.

Илк ислом давридаёқ ислом ҳудуди ва номусулмон давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг ўзаролик тамойилига асосланиши қатъий белгилаб қўйилган. Бу тамойиллар фуқароларнинг шахсий дахлсизлигида (агар улар чегараларни кесиб ўтаётган бўлса), савдогарларга солиқ юкини белгилашда, асирлар айирбошлашда, дипломатик дахлсизлик ва имтиёзлар тақдим этилаётган пайтда ҳамда бошқа ҳолатларда қўлланилган. Масалан, ўзаролик тамойили асосида икки давлат савдогарлар учун бир хил солиқ миқдорини жорий этишган.

Ўзаролик тамойили уруш пайтида кенг қўлланилган. Унинг асосида душман қандай қурол ва услуб қўллашига қараб, ўшандай қурол ва услуб билан жавоб қайтариш амр этилган.

²⁹ Majallat al-Ahkam al-Adliyyah (The Ottoman Courts Manual, Hanafi).

³⁰ Pulp Mills on the River Uruguay (Argentina v. Uruguay). CRT 2009/14, 12 (Kohen). Citing Yearbook of the International Law Commission, 1989, vol. I, 126, para.16.; Lac Lanoux (France v. Spain). Award, 16 November, 1957, 12 RIAA 281; 24 ILR 101; Trail Smelter case (USA v. Canada). Awards, 16 April 1938 and March 1941, 3 RIAA 1905.

Хулоса қилиб айтганда, ислом халқаро ҳуқуқининг асосий тамойиллари халқаро ҳуқуқ тамойиллари билан ҳамоҳангдир.

1969 йилгача БМТнинг Халқаро одил суди (ХОС) ислом ҳуқуқи манбалари ва тамойилларига мурожаат қилмаган эди. Биринчи марта 1969 йилда “Шимолий денгиз континентал шельфи” иши бўйича судда ХОС ҳаками Аммонснинг хулосасида суд ўз қарорини кучайтириш ҳамда унга янада қонуний характер бериш учун ислом ҳуқуқи нормалари ва тамойилларига ҳавола қилиши кераклиги таъкидланади³¹. Шунингдек, 1975 йилдаги “Ғарбий Сахара” ва 1980 йилдаги “Гаровлар” суд ишида ХОС ҳакамлари кўпчилик овоз билан ислом ҳуқуқига ҳавола қилган ҳолда қарор қабул қилган. “*Ғарбий Сахара*” (“*Ғарбий Сахара Мавританияга қарши ва Ғарбий Сахара Марокашга қарши*”) ишида Марокаш тўғридан-тўғри ислом халқаро ҳуқуқи тамойилларига ҳавола қилиб, ўз позициясини ҳимоялайди³². 1980 йилдаги “Гаровлар” суд ишида³³ эса суд ислом ҳуқуқига очиқ ва тўғридан-тўғри ҳавола қилади. Унда “ислом анъаналари”нинг халқаро

шартномалар ҳамда дипломатик миссияларнинг ҳимояси ва дахлсизлиги принципларининг шаклланишига ва ривожланишига кучли таъсир қилгани таъкидланган. Суд низо томони ислом давлати бўлгани боис, мана шундай ёндашув танлаганини тушунса бўлади, бироқ бу ерда гап замонавий халқаро ҳуқуқий режим ислом анъаналаридан фаркли эмаслигини эътироф этиш ва халқаро-ҳуқуқий тартиботда улар инкор этилмаслиги лозимлигини таъкидлашда эди³⁴.

Низо томонининг бири мусулмон давлат бўлган ҳолатда диний омилни ҳам эътиборга олиш ва ислом ҳуқуқига ҳавола қилиш тенденцияси Ливия ва Индонезия иштирок этган низо ҳамда ХОС томонидан кўриб чиқилган бошқа ишларда ҳам кўзга ташланади³⁵.

Буларнинг барчаси ислом халқаро ҳуқуқи тамойиллари ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тизимига тобора интеграциялашиб бораётганидан далолат беради. Ислом дунёси, тамаддуни ва давлатлари мавжуд экан, ислом халқаро ҳуқуқи тамойиллари ҳам халқаро-ҳуқуқий амалиётда ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади.

³¹ North Sea Continental Shelf Cases. (Germany/Denmark; Germany/Netherlands). Judgement, ICJ Report 1969, 3, Separate opinion of Judge Ammoun. 101 at 131-141.

³² Western Sahara, Advisory Opinion, ICJ Reports 1975, 12.

³³ United States Diplomatic and Consular Staff in Tehran (USA v. Iran), Judgement, ICJ Report, 1980, 3.

³⁴ Awn S. Al-Khasawneh. Islam and International Law. Islam and international law: Engaging Self-Centrism from a Plurality of Perspectives. Frick, Marie-Luisa, Müller, Andreas Th. 2013, Leiden: Martinus Nijhoff Publishers. – 468 pp. – P.33.

³⁵ Territorial Dispute (Libya v. Chad), Judgement, ICJ Reports, 1994, 6 at 13.; Sovereignty over Pulau Ligitan and Pulau Sipadan (Indonesia v. Malaysia), Judgements, ICJ Reports 2002, 625 at 669.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИХТ: СЕРҚИРРА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲАМДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ



Ойбек АХМАДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси Миллий марказида
мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) билан муносабатлари, хусусан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ўрганилган. Дўстона алоқаларни янада ривожлантиришда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва унинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси.

Abstract. The article analyzes the cooperation of the Republic of Uzbekistan with the Organization of Islamic Cooperation, in particular, the state of relations in the field of human rights, as well as the role and importance of the National Human Rights Institutions in their further development.

Key words: Human Rights, Organization of Islamic Cooperation and its Independent Permanent Human Rights Commission, United Nations, UN International Convention on the Rights of Youth.

Аннотация. В статье анализируется сотрудничество Республики Узбекистан с Организацией исламского сотрудничества, в частности состояние отношений в области прав человека, а также роль и значение национальных институтов по правам человека в их дальнейшем развитии.

Ключевые слова: права человека, Организация исламского сотрудничества и ее Независимая постоянная комиссия по правам человека, Организация Объединенных Наций, Международная конвенция ООН о правах молодежи.

Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири кенг доирадаги хорижий ҳамкорлар билан дўстона, ўзаро манфаатли, чуқур ўйланган ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда барча соҳаларда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, туб ислохотлар ва бу борада эришилган улкан ютуқлар миқёс жиҳатидан янги Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган ҳодиса бўлди ва халқаро муноса-

батлар, ташқи сиёсий-иқтисодий алоқаларда янги даврни бошлаб берди.

Президент Ш.М.Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган оқилона, очик, конструктив ва амалий ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг кўплаб давлатлар ва нуфузли ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини сезиларли даражада мустаҳкамлашга имкон бермоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ҳамда унинг Демокра-

тик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) каби нуфузли халқаро ташкилотлар қатори Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) билан ҳам Ўзбекистоннинг дўстона ҳамкорлик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти

Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) унга аъзо давлатларнинг аҳоли сони бўйича БМТдан кейинги иккинчи йирик ташкилотдир: тўрт қитъада жойлашган 57 аъзо давлатда жами 1,7 миллиард киши истиқомат қилади. Ташкилот мусулмон дунёсининг умумий овозидир. У дунёнинг турли халқлари ўртасида халқаро тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш руҳида ислом дунёсининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатлараро ҳамкорлик платформасига айланиб улгурган¹.

Шунингдек, БМТ, Россия, Босния ва Герцеговина, Марказий Африка Республикаси ИХТда кузатувчи мақомига эга².

Ташкилот 1969 йил 25 сентябрда Марокаш Қиролигининг Работ шаҳрида бўлиб ўтган тарихий саммитнинг қарори билан мусулмон давлатлар ўртасида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалар бўйича бирдамликни таъминлаш, мустамлакачилик, неомустамлакачилик ва ирқчиликка қарши курашиш каби мақсадларда ташкил этилган.

1970 йилда Жидда шаҳрида ташкилотга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирларининг Ислом конференцияси биринчи йиғилиши бўлиб ўтган. Унда Жидда шаҳрида доимий котибият ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. ИХТнинг ҳозирги раҳбари доктор Юсуф бин Аҳмад Ал-Отаймин 2016 йилнинг ноябрь ойида мазкур лавозимга сайланган ўн биринчи бош котиб саналади.

ИХТнинг биринчи Низоми 1972 йилда бўлиб ўтган Ташқи ишлар вазирларининг Ислом конференцияси 3-сессиясида қабул қилинган. Низомда ташкилотнинг мақсад ва тамойиллари ҳамда аъзо давлатлар ўртасида бирдамлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари белги-

лаб берилган. ИХТнинг ҳозирги Низоми 2008 йил 13-14-март кунлари Дакарда бўлиб ўтган Ислом саммитида қабул қилинган. Унга мувофиқ ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аъзо давлатлар ўртасида дўстлик ва бирдамлик ришталарини уйғунлаштириш;
- ислом оламида юзага келган муаммоларни ҳал этиш;
- давлатлар ички қонунларига ҳурмат билан ёндашиш;
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- аъзо давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига кўмаклашиш;
- ислом дини ҳақидаги турли ноҳақ ва ноҳўя маълумотларни бартараф қилиш;
- турли соҳаларда мамлакатлардаги институтлар билан илмий изланишларни ташкил этиш.

ИХТ мусулмонларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда аъзо давлатлар иштирокидаги қарама-қаршиликлар ва низоларни ҳал этиш учун БМТ, шунингдек бошқа ҳукуматлараро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларига эга. Ташкилот ислом динининг асл қадриятларини ҳимоя қилишда нотўғри тушунчаларни бартараф этиш, мусулмонларга нисбатан ҳар қандай шакл ва кўринишдаги камситишларга барҳам беришни қатъий тарғиб қилиб келмоқда.

ИХТ 2011 йилгача Ислом конференцияси ташкилоти деб аталган. Ташкилот таркибида тўртта доимий кўмита ишлаб туради, булар Қуддус, Ахборот ва маданият масалалари, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, Илмий-техник ҳамкорлик бўйича кўмиталардир.

2011 йил 28 июнь куни Остона шаҳрида ўтказилган Ташқи ишлар вазирларининг 38-сессиясида Ислом конференцияси ташкилоти номи Ислом ҳамкорлик ташкилотига ўзгартирилган.

Ташкилот расман инглиз, араб ва француз тилларида иш олиб боради.

Ташқи ишлар вазирларининг анжумани ҳар йили мунтазам ўтказилади. Фавқуллодда ҳолатларда навбатдан ташқари йиғилиш чақиртирилади.

¹ https://www.oic-oci.org/page/?p_id=52&p_ref=26&lan=en.

² Ўзбекистон ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти: ҳамкорлик йўлида яна бир қадам / Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг расмий веб-сайти // <https://insonhuquqlari.uz/uz/news/ozbekiston-va-islom-hamkorlik-tashkiloti-hamkorlik-yolida-yana-bir-qadam>.

Бош котибият ИХТнинг ижрочи органи ҳисобланади. Котибият раҳбари Ташқи ишлар вазирлари кенгаши томонидан тўрт йил муддатга сайланади. Бош котиб ваколати фақат бир муддатгагина чўздирилиши мумкин. ИХТ раҳбарининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалалар ҳамда ахборот ва илм-фан бўйича тўртта ўринбосари бор. Улардан ташқари котибиятнинг техник ишини юритувчи маҳкама директори лавозими ҳам мавжуд³.

ИХТ ҳузурида бир қатор ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилган. Ислом тараққиёт банки, Қуддус жамғармаси, Ислом савдо-сотиқ палатаси, Ислом пойтахтлари ташкилоти, Ислом бирдамлик қўмитаси, Таълим, фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти шулар жумласидандир. Уларнинг ишини бош котибият мувофиқлаштиради.

Ўзбек тадқиқотчиларидан Н.Алимова қарашларига кўра, ИХТ мусулмон мамлакатларининг умумий масалаларини ҳал қилувчи майдон ҳисобланади. Ушбу ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари иқтисод, хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ва исломни муҳофаза қилишдан иборат⁴.

Рус олими Балашев қарашларига кўра, “Ушбу ташкилот замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги исломий давлатларнинг сиёсий фаолигини ошириш, диний экстремизм ва исломий эътиқоднинг диний-сиёсий йўналишлари, янги мустақил давлатларнинг ривожланиш йўналиши каби бошқа кўплаб масалаларда аҳамиятли ўринга эга. Ўз навбатида, санаб ўтилган сиёсий кучларнинг қўллаб-қувватланиши ИХТнинг халқаро ҳамжамиятдаги аҳамияти ва унинг жаҳон сиёсий жараёнларига таъсири ҳеч бўлмаганда вақтинчалик ошишини таъминлайди”.

ИХТ фаолиятини тадқиқ этган олим Д.Р. Муфлиханова эса шундай таъкидлайди: “Халқаро ҳуқуқий тан олиш бўйича шартнома асосида ИХТнинг халқаро ҳуқуқий субъектлиги юзага келган ва ИХТ 1975 йилда БМТда кузатувчилик мақомига эга бўлган”. Шунингдек, олим БМТ Бош Ассамблеясининг ҳар йилги кун тартибида БМТ ва ИХТ

ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида банд белгиланишини ва шу номдаги резолюция қабул қилинишини эътироф этади⁵.

Ўзбек тадқиқотчиларидан Н.Алимованинг фикрича, “ИХТ қарорлари БМТ фаолиятининг самарадорлигига таъсир ўтказувчи ўзига хос тавсиявий характерга эга”⁶.

Ўзбекистон Республикасининг ИХТ билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси ИХТга кузатувчи сифатида 1995 йилнинг октябрь ойида қабул қилинган. 1996 йил 2 октябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган ИХТга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирларининг навбатдан ташқари учрашувида ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланган.

2015 йил 14 декабрда Ўзбекистон ИХТнинг янги Низомига қўшилди. ИХТ Низоми 2016 йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинди.

Ўзбекистон томони ИХТни муқаддас динимизни тинчлик ва тараққиёт омили сифатида эътироф этадиган ислом дунёси мамлакатларининг нуфузли ва самарадор ташкилоти сифатида эътироф этади. Шу боис мазкур ташкилот билан ўзаро муносабатларимиз изчил равишда топишдан манфаатдор.

ИХТ Бош котибияти фаолиятида, ташкилотнинг юқори даражали вакиллари йиғилишларида, ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг йиллик сессияларида ва ИХТ саммитларида мамлакатимиз расмий делегациялари мунтазам қатнашиб келмоқда. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ИХТ билан ҳамкорлиги фаоллашди ва ўзаро муносабатларнинг янги босқичига кўтарилди.

Ўзбекистоннинг ИХТ доирасидаги позицияси, аввало, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича халқаро майдондаги ташаббуслардан фойдаланишдан иборат.

Мамлакатимиз ташкилотнинг дунёдаги ролини кенгайтириш ҳамда унинг олдидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга ҳар томонлама кўмак беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

³ Қаранг: <http://dkm.gov.uz/en-US/islom-amkorlik-taskiloti>.

⁴ Алимова Н. Влияние исламского фактора на международные отношения (на примере ОИС) // «Международные отношения», 2014/1. – С. 15-21.

⁵ Муфлиханова Д.Р. Особенности Организации исламского сотрудничества как межправительственной международной организации / Д.Р. Муфлиханова // Вестн. Волж. ун-та. – 2012 г., № 4. – С.64 – 70.

⁶ Алимова Н. Международные исламские межправительственные и неправительственные организации. // Международные отношения, 2014/3. – С.17 – 23.

ИХТ Низомига мувофиқ, ИХТга аъзо бўлган ҳар қандай давлат автоматик тарзда унинг қуйидаги 6 та ихтисослашган органлари аъзоси саналади:

- Ислом бирдамлик жамғармаси;
- Халқаро ислом фонди академияси;
- Мусулмон мамлакатлари учун статистик, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар ўқув маркази;
- Ислом технология университети;
- Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази;
- Савдони ривожлантириш бўйича ислом маркази.

Ўзбекистон Республикаси ИХТнинг янги Низомини 2015 йилнинг 14 декабрида ратификация қилди. ИХТ Низомининг 10-моддасига мувофиқ ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилиши йилда бир марта аъзо давлатларда ўтказилиши белгиланди.

Ўзбекистон ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” мавзуидаги 43-сессияси раислигини ўз зиммасига олди. Унда ИХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари, ташкилот Бош қотиби, Ислом тараққиёт банки гуруҳи директори ҳамда ИХТнинг қўшимча, шунингдек, шўба ва ихтисослашган муассасалари раҳбарлари, АҚШ, Франция, Италия, Буюк Британия ва Швейцариянинг махсус элчилари, БМТ, ЕХХТ, Араб давлатлари лигаси ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Сессия якунида ИХТ кун тартибидаги асосий сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар мазмундаги масалаларни ўзида акс эттирган 118 та резолюция, шунингдек, Тошкент Декларацияси қабул қилинди.

Мазкур сессияда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ИХТда Ўзбекистон раислигининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида иштирок этган барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этишда Ўзбекистон Ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Туркия, Қувейт, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Ўмон, Покистон, шунингдек, ИХТнинг таркибий бўлинмалари ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этишга тайёригини билдирди.

2017 йил 27 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу марказ самарали фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг 10-11 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида иштирок этиб, 7 муҳим ташаббусни илгари сурди:

- 1) ИХТ Фан ва технологиялар бўйича доимий қўмитасининг саммитини ҳар уч йилда ташкил қилиш ва иккинчи саммитни 2020 йилда Ўзбекистонда ўтказиш;
- 2) доимий қўмитанинг ташкилотга аъзо давлатлар ҳудудида ташкил этилаётган юқори самарали компьютер марказларидан бирини Ўзбекистонда тузиш;
- 3) мусулмон олами ёш олимлари марказини ташкил этиш;
- 4) ислом дунёси мамлакатларидаги илмий ютуқлар, шунингдек, уларнинг халқаро майдондаги тарғиботи учун ИХТнинг махсус мукофотини таъсис этиш;
- 5) ёш математиклар ўртасида ал-Хоразмий номидаги халқаро фан олимпиадасини ўтказиш;
- 6) Ўзбекистонда Орол денгизи муаммоларини инобатга олган ҳолда, “персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги” концепциясини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш;
- 7) муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш йўналишидаги илмий-тадқиқот ишлари ва лойиҳаларини қўшма инвестициялар орқали амалга ошириш.

Илгари сурилган таклифларнинг аксарияти илм-фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган⁷.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/1018>.

Мазкур ташаббуслар саммит иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Албатта, илгари сурилган ташаббусларнинг амалга оширилиши ИХТ ва унга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислиги даврида “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” ғоясини илгари сургани, албатта, бежиз эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаси, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ва инновация марказлари фаолият олиб бормоқда.

Кейинги пайтда мамлакатимизда янги илмий-инновацион тузилмалар – Геномика ва биоинформатика маркази, Халқаро қуёш энергияси институти, Юқори технологиялар маркази, Ўзбекистон – Япония ёшлар инновация маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича доимий қўмитаси фаолиятини юксак баҳолайди ва унинг ишида янада фаол иштирок этишни режалаштирган.

Айни вақтда кўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада ортда қолаётганини тан олиш лозим. Масалан, ИХТга аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олган, холос. 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги 1,9 фоизни ташкил этган. Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўғри келган.

Аксарият мусулмон мамлакатлари бой табиий захираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини Ш.М.Мирзиёев афсус билан қайд этиб, фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, даврнинг долзарб муаммоларига илмий ечимлар топишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш ислом оламининг илмий-технологик салоҳияти-

ни ошириш учун мустаҳкам замин яратишини таъкидлаган.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Маданият вазирлари томонидан 2020 йилда Бухоро шаҳри – ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. 2020 йилда пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда Бухоро шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши билан боғлиқ тадбирлар онлайн тарзда ўтказилди.

2020 йил 16 майда Ислом ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ахборот агентликлари уюшмасининг “Коронавирусга қарши чораларни қўллаб-қувватлашда ахборот агентликларининг ўрни” мавзuidaги биринчи виртуал форуми бўлиб ўтди.

2020 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига уч йиллик муддатга – 2021-2023 йилларга сайланишида 169 та давлат мамлакатимизни қўллаб-қувватлаб овоз берди, улар орасида, албатта, ИХТ мамлакатларининг ўрни салмоқлидир.

Шунингдек, Ўзбекистондаги сайлов жараёнларида ҳам ИХТ кузатувчилари фаол иштирок этди. Жумладан, 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловида ИХТ Бош котибиятининг Халқаро муносабатлар департаменти директори Анисул Хак бошчилигидаги ИХТ кузатувчилар миссияси иштирок этиб, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, ушбу жараёнларга юксак баҳо берди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон халқаро ташкилотлар, шу жумладан ИХТ доирасида фаол ҳаракат олиб бормоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимиз нуфузининг халқаро майдонда изчил ўсиши ҳамда қўлга киритилаётган ютуқларнинг эътироф этилиши амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг натижаси экани кузатилмоқда⁸.

Ўзбекистон Республикасининг ИХТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ўзбекистонда мустақил ва кучли давлат қуришдан асосий мақсад инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган ва ҳурмат қилинадиган адолатли жамият барпо этишдир.

⁸ Қаранг: Мирҳамидова М.Н. Ўзбекистон Республикасининг Форс кўрфази мамлакатлари билан халқаро-ҳуқуқий муносабатларининг ривожланиши. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши. – Т.: 2021. – 122 б.

Айни вақтда мусулмон олами ва жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнимизни янада мустаҳкамлашдир”⁹.

Ўзбекистон Республикаси ва ИХТ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик турли соҳалар қатори инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам изчил ривожланиб бормокда.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларининг **ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси (ИХМДК)** билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади.

ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ИХТга аъзо мамлакатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 2011 йил 28-30 июнь кунлари Астанада бўлиб ўтган 38-сессиясида қабул қилинган резолюциясига мувофиқ тузилган.

ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ИХТга аъзо давлатларнинг хотин-қизлар, ёшлар ва эҳтиёжманд кишиларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Бу борада иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги ҳуқуқларни таъминлаш, барча шаклдаги зўравонлик ва камситишларга барҳам бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия таркиби 18 нафар аъзодан иборат. Комиссия Низомига мувофиқ, ИХТ Бош қотиби идораси Комиссия аъзолигига номзодлар рўйхатини тузади ва ИХТга аъзо давлатлар билан мувофиқлаштиради. Бунда номзодлардан ҳар бири инсон ҳуқуқлари соҳасининг муайян соҳасига ихтисослашган ва бу борада тажриба ортирган бўлиши ҳисобга олинади.

Сўнгра номзодлар рўйхати ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига тақдим этилади. ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси аъзолари мазкур кенгаш томонидан уч йил муддатга, бир марта қайта сайланиш имконияти билан сайланадилар.

Комиссия аъзолигига битта мамлакатдан икки нафар эксперт бир вақтнинг ўзида сайланиши мумкин эмас. Номзодларни танлаш жараёнида ИХТга аъзо давлатлар ўзларининг энг мустақил, холис, ҳалол ва тажрибали вакилини тавсия қилиши талаб этилади.

Сайловда ИХТга аъзо мамлакатлар ўртасида тенг географик тақсимот таъминланади. Бу талаб комиссияга араб мамлакатларидан 6 нафар, Осиё қитъасидан 6 нафар ва Африка қитъасидан 6 нафар аъзо сайланиши зарурлигини англатади.

Янги сайланган комиссия аъзоларининг 3 йиллик муддати комиссия таркибини тарқ этувчи аъзоларнинг муддати ниҳоясига етганидан кейин ўтказиладиган навбатдаги биринчи сессиядан эътиборан бошланади. Агар муддати тугаган вакил ўрнига янги аъзо сайланмаган бўлса, амалдаги вакил комиссиянинг янги аъзоси сайланишига қадар ўз фаолиятини давом эттиради.

ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг тартиб-таомиллари қабул қилинган. Ушбу ҳужжатнинг 6-қоидасида комиссия аъзоларининг мустақиллигига доир мақоми мустаҳкамланган.

Биринчидан, комиссия аъзолари мустақил экспертлар сифатида фаолият олиб боради. Улар ўзларининг шахсий ёндашув ва қарашларини ифода этади.

Иккинчидан, комиссия аъзолари ўз фаолиятини амалга оширишда ҳар доим юксак профессионаллик, адолатпарварлик, мустақиллик, холислик, қатъийлик сифатларини намоён этишлари шарт. Бу жараёнда комиссия аъзолари ўз маънавий обрў-эътиборини чет таъсирлардан холи равишда мунтазам ошириб боришлари лозим.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси билан ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланмокда ва янги босқичга кўтарилмокда. Бу жараёнда, жумладан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (ИХММ) билан ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ўртасида йўлга қўйилган муносабатлар алоҳида ўрин тутади.

⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // 2016 йил 19 октябрь / <https://old.xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/8640-zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-shavkat-mirzijoenvning-islom-amkorlik-tashkiloti-tash-i-ishlar-vazirlari-kengashi-43-sessiyasining-ochilish-marosimidagi-nutqi>.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси ИХТ ИХМДК Котибияти томонидан ўтказилаётган Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг кенгашлари, сессиялари, семинарлари ва бошқа йиғилишларида мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда.

Жумладан, 2019 йил 6-7 ноябрь кунлари Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида бўлиб ўтган Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг учинчи йиғилишида **ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси** лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари Ўзбекистон номидан иштирок этди.

Янги ҳужжат инсон ҳуқуқлари ва исломий қадриятлар тўғрисидаги универсал нормалар, шунингдек ислом концепциясини ўзида мужассам этган.

Ўрнатилган ҳамкорлик ва тажриба алмашишни изчил ривожлантирган ҳолда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг даврий нашри бўлмиш “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали халқаро таҳрир кенгаши аъзоларидан бири сифатида ИХТ ИХМДК Котибияти ижрочи директори жаноб Марғуб Салим Бутт ҳам қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига риоя этиши юзасидан ҳисоботларни ИХТ ИХМДК Котибияти орқали ИХТга аъзо мамлакатларга мунтазам тақдим этиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган.

2019 йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик А.Х.Саидов ИХТнинг ушбу комиссиясига раислик қилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу маънода, мазкур комиссиянинг олтинчи йиллик семинари айнан юртимиз пойтахтида бўлиб ўтгани бежиз эмас.

2019 йил 6 октябрь куни мазкур халқаро семинарга ташриф буюрган ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг Бир-

лашган Араб Амирликлари, Габон, Озарбайжон, Покистон, Уганда ва Кувайт давлатларидан сайланган янги аъзоларининг (Аҳмад Аззам бин Абдуррахмон, Боушшогоу Мбоин Фарафина, Камади Бийобнабий, элчи Аслам Тасним, профессорлар Саййид Муҳаммад Алғуфли ва Айдин Сафиханли) қасамёд қабул қилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Тадбирни комиссия раиси Акмал Саидов бошқарди.

Унда янги аъзоларга комиссиянинг тузилиши, тарихи, мақсад ва вазифалари ҳақида ахборот берилди.

2019 йил 7-8 октябрь кунлари эса **“Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти”** мавзuidaги ИХТ ИХМДК олтинчи йиллик семинари юқори даражада ташкил этилди¹⁰.

Тадбир ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси, Ўзбекистон ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари идораси томонидан ташкил этилди.

Семинарда ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси аъзолари, халқаро экспертлар, ИХТга аъзо ва кузатувчи мақомидаги 50 дан зиёд давлат, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий муассасалар вакиллари иштирок этди¹¹.

Хусусан, Афғонистон, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари, Буркина-Фасо, Габон, Гвинея, Гамбия, Жазоир, Жибути, Иордания, Индонезия, Комор ороллари Иттифоқи, Мавритания, Малайзия, Мали, Марказий Африка Республикаси, Марокаш, Миср, Мозамбик, Нигерия, Озарбайжон, Покистон, Саудия Арабистони, Сенегал, Сьерра-Леоне, Судан, Сомали, Того, Тожикистон, Тунис, Туркия, Туркменистон, Уганда, Чад, Эрон, Яман, Ўмон, Қирғизистон, Қозоғистон, Кувайт каби мамлакатлар вакиллари қатори, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Европа Кенгаши каби нуфуз-

¹⁰ Қаранг: Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг “Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти” мавзuidaги йиллик 6-семинари маърузалар тўплами. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2019 йил. – 192 б.

¹¹ Қаранг: Матбуот котиби баёноти: октябрь ойидаги тарихий воқеа // Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг расмий веб-сайти // <https://insonhuquqlari.uz/uz/news/zajavlenie-press-sekretarja-istoricheskoe-sobytie-oktjabrja>.

ли халқаро ташкилотларнинг экспертлари ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий муассасалар мутахассислари тадбирда қатнашди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак баҳоланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташаббуслари, хусусан Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган БМТнинг “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида”-ги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ҳамда “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича таклифлари иштирокчиларда катта таассурот қолдириб, тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Тадбир якунида “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги БМТ конвенцияси лойиҳаси матни халқаро анжуман иштирокчилари томонидан кенг муҳокама қилиниб, ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси олтинчи йиллик семинарининг якуний ҳужжати **“Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Тошкент декларациясига киритилди.**

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг ИХТ билан йўлга қўйилган кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларининг тобора мустаҳкамланиши турли соҳалардаги ривожланиш истиқболларини белгилаб беради, давлатлараро муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.



ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШТИРИШ ВА ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ



Омон ОҚҮЛОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик
фанлар доктори, ТДҮОУ “Фуқаролик ҳуқуқи”
кафедраси профессори, ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ
институтини бош илмий ходими

Аннотация. Ушбу мақолада тадбиркорлик-бизнес ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи ўртасидаги нисбат тарихий ҳамда ҳозирги давр нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва кодификациялаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган. Мамлакатимизда ушбу масалаларни ҳал этишнинг методологик муаммолари таҳлил қилинган ва ечимлар таклиф этилган. Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида энг муҳим концептуал масалалардан бири – давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишига таъқиқ қўйиш ёки рухсат бериш бўйича муаллиф позицияси асослантилган. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш доираси, ҳажми ва ўзига хос хусусиятлари бўйича мулоҳазалар билдирилган. Мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишига тўсиқ бўлувчи омиллар, муайян соҳаларда ушбу омиллар таъсири нейтраллашуви бўйича ғоялар илгари сурилган ва асослантириб берилган.

Калит сўзлар: монистик тизим, дуалистик тизим, Тадбиркорлик кодекси, тадбиркорлик ҳуқуқи.

Abstract. This article analyzes the relationship between entrepreneurial business law and civil law from a historical and modern perspective. The experience of foreign countries in the systematization and codification of entrepreneurial legislation is studied. Methodological issues on the resolution of these problems in our country are investigated and solutions are proposed. It is emphasized that one of the conceptual issues is the prohibition or permission of civil servants and public officials to carry out entrepreneurial activities. The main factors that negatively affect the implementation of entrepreneurial activity by officials are identified. At the same time, some judgments are made on the neutralization of these factors. The work also contains original ideas and their arguments in terms of the specifics of the implementation of entrepreneurial activities by non-profit organizations.

Key words: monistic system, dualistic system, Entrepreneurial code, entrepreneurial law.

Аннотация. В статье в историческом и в современном ракурсе анализируется соотношение между предпринимательским правом и гражданским правом. Изучается опыт зарубежных государств по систематизации и кодификации предпринимательского законодательства. Исследуются методологические вопросы по разрешению данных проблем в нашей стране и предлагаются варианты решения. Подчеркивается, что одним из концептуальных вопросов является запрет или разрешение государственным служащим и государственным должностным лицам осуществлять предпринимательскую деятельность. Выявляются основные факторы, которые негативно воздействуют на осуществление предпринимательской деятельности должностными лицами. Одновременно высказываются некоторые суждения по нейтрализации этих факторов. В работе также содержатся оригинальные идеи и их аргументации в плане особенностей осуществления предпринимательской деятельности некоммерческими организациями.

Ключевые слова: монистическая система, дуалистическая система, Предпринимательский кодекс, предпринимательское право.

(Давоми. Мақоланинг боши журналнинг 2021 йилдаги 3-сонида тақдим этилган)

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқий майдонда тўртта ресурс манба амал қилади:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонун ҳужжатлари;
- ўзини-ўзи тартибга солиш ҳуқуқий майдони – локал, корпоратив манбалар тизими;
- иш муомаласи одатлари, шунингдек маҳаллий урф-одат ва анъаналар;
- хорижий мамлакатлар қонунлари (масалан, англо-саксон, қитъа ёки ислом ҳуқуқи нормалари каби).

Ўзбекистонда сўнгги вақтларда махсус иқтисодий зоналарда англо-саксон ҳуқуқ тизими кенг қўлланилмоқда. Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳаларида ислом молияси нормаларини қўллашнинг юридик асослари белгилаб қўйилди. Халқимизнинг катта қисми ҳалол, ҳаром, инсоф, адолат тамойилларига амал қилади ва унинг ахлоқий асослари мусулмон ҳуқуқи нормаларига узвий боғланган. Қирғизистон фуқаролик кодексига эллика яқин норма мусулмон ҳуқуқи шартнома конструкцияларига бағишланган. Эҳтимол, Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида ҳам тадбиркорлар учун муқобил танлашга асосланган имкониятлар тизимини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар.

Ўзбекистон Республикасида Тадбиркорлик кодекси қабул қилинишидан кутилаётган натижалар:

- 1) тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш норматив массив ихчамлашади;
- 2) норматив массив таркибий қисмларининг ўзaro уйғунлиги таъминланади;
- 3) норматив массив таркибий қисмлари ўртасидаги коллизиялар, қарама-қаршиликлар минималлаштирилади;
- 4) хорижий мамлакатлар тажрибасида синалган янги илғор ҳуқуқий конструкциялар ўзлаштирилади;
- 5) тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари кучайтириш, бу борада қонуний қафолатларни мустаҳкамлаш имконини берувчи янги механизмлар вужудга келтирилади.

Универсал ҳуқуқий тартибга солиш механизминини шакллантирувчи ягона норматив манбадан фойдаланиш тадбиркорлик субъектлари учун, айниқса, ўз юридик хизмат таркибий бўлинмаларига эга бўлма-

ган кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун қулайлик яратади. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлик босқичидан юридик малака, кўникма босқичига ўтишига кўмак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан тасдиқланган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурида тадбиркорликка доир қонун ҳужжатларини инвентаризация қилиш, тизимлаштириш, қисқартириш негизида тадбиркорлар учун фойдаланишга қулай бўлган Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида ҳал этилиши лозим бўлган концептуал масалалардан бири – тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини белгилашдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги қайд этилган¹. Шу ўринда савол туғилади: иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик фаолияти ўртасида нисбат қандай? Тадбиркорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра иқтисодий фаолиятнинг бир тури ҳисобланади. Иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларига ўзини-ўзи банд қилувчи фуқаролар фаолияти, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий фаолият, давлат иқтисодий сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирлар ва шу кабилар қиради.

Ҳар бир инсон мулкдор бўлиш, мол-мулкка эгаллик қилиш (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17-моддаси 1-банди), ўзи ҳамда оиласининг муносиб яшашини таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддаси 3-банди) ҳуқуқларига эга. Ушбу ҳуқуқларнинг намоён бўлиш хусусиятлари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги пактда ўз ифодасини топган. Ушбу пактнинг 6-7-моддаларида инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи орқали ўз фаровонлигини таъминлаши белгиланган. Мазкур халқаро ҳужжатнинг 11-моддасига кўра, ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг ўзи ва оиласи учун етарлича турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этадилар. Етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминланиш, ҳар бир инсон турмуш шароитларини изчил яхшилаб бориши шулар жумласига қиради. Албатта, кишиларнинг ўз тирикчилик воситаларига эга бўлиши,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 18-б.

биринчи навбатда, уларнинг ўз саъй-ҳаракатлари орқали амалга оширилади. Бу тадбиркорлик фаолияти, ўзини-ўзи банд қилиш ёхуд меҳнат шартномаси асосида фаолият юритиш бўлиши мумкин.

Демак, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра билвосита халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари тизимида мавжуд ҳуқуқлардан ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 29-моддасига кўра, ҳар бир инсон жамият олдида муайян мажбуриятларга эга ва шу мажбуриятларни бажариш орқали инсон шахси эркин ва тўла-тўқис камол топиши мумкин.

Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг рўёбга чиқишида муайян чеклашларга дучор бўлиши мумкин. Бундай чеклашлар қонун томонидан белгилаб қўйилган бўлади. Чунки бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари зарур даражада тан олинishi ва ҳурмат қилиниши ҳамда ахлоқ-одобнинг адолатли талаблари ижтимоий тартиб ҳамда демократик жамиятдаги фаровонликнинг оқилона талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

“Иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 4-моддасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш доираси белгилаб қўйилган. Унга кўра, мазкур пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш соҳасида шундай чеклашларни белгилаб қўйиши мумкинки, булар, биринчидан, қонунда назарда тутилган бўлиши, иккинчидан, бу чеклашлар мазкур чекланаётган ҳуқуқларнинг табиатига уйғун бўлиши ва учинчидан, бундан кўзланган мақсад фақат демократик жамиятдаги умумий фаровонликни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ ҳисобланса-да, у бир пайтнинг ўзида ҳам фуқароларга, ҳам улар томонидан ташкил этиладиган тижорат ташкилотларига тегишли ҳуқуқдир. Фуқаролар тадбиркорлик фаолиятини турли усулларда амалга оширишлари мумкин. Масалан, якка тадбиркор, тижорат юридик шахси муассиси, иштирокчиси ёки ижро органининг раҳбари сифатида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мумкин. Бу усулларнинг ҳар бири тадбиркордан муайян кўникма, иқтидор, маҳорат талаб этади. Шу сабабли ҳам формал жиҳатдан барча тадбиркор бўлишга ҳақли ҳисобланса ҳам, аслида муайян доирадаги шахслар учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш масаласи жиддий ёндашувни талаб этади. Амалдаги қонунларда ва қонун ҳужжатларида айрим тоифаларга мансуб шахслар-

нинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланиши белгиланган. Баъзи қонунларда бу муайян мансабдор шахснинг ёки фаолият соҳибининг даражаси, ҳуқуқий мақоми белгиланганда, илмий педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги таъқиқ кўринишида бўлса, бошқа ҳолатларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланади, деган бевосита кўрсатма берилади. Давлат ҳокимияти ва идораларининг мансабдор шахслари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахсларига нисбатан худди шундай чеклов мавжуд. Судьялар одоб-ахлоқ кодексига кўра, судья тижорат юридик шахсларини бошқариш ёхуд овоз бериш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғозларни ўзидан соқит қилиб, бегоналаштириши лозим. Шу ўринда тадбиркорлик фаолияти қандай амалга оширилади деган саволга атрофлича жавоб беришга уриниб кўрамыз.

Бунда якка тадбиркорлик бўйича изоҳга ҳожат йўқ. Чунки якка тадбиркорликда тадбиркордан талаб этиладиган саъй-ҳаракатлар яққол намоён бўлади. Масъулияти чекланган жамият, хусусий корхоналарда муассислик ҳам тадбиркордан фаолликни талаб этади. У тижорат юридик шахсларини бошқариш жараёнида ўзига юклатилган ҳуқуқларни амалга ошириши ва мажбуриятларни бажариши лозим. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг муайян шаклларида иштирок этишнинг фаоллик талаб қилмайдиган турлари ҳам мавжуд. Масалан, акциядорлик жамиятида имтиёзли акция эгалари, коммандит ширкатда коммандит иштирокчи тижорат юридик шахсини бошқаришда тўлақонли қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Лекин фойда, даромад, дивиденд олиш ҳуқуқига эга. “Оддий акционерлар тадбиркор ҳисобланганими ёки йўқ?” деган масала кўпдан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Гап бу ўринда назорат ёки паритет пакетига эга бўлган акционерлар тўғрисида кетмаяпти, гап миноритар акционерлар тўғрисида кетмоқда. Албатта, миноритар акциядорлар гуруҳи алоҳида ташкилий уюшган тузилма сифатида қонунларда ўзига хос мақомга эга. Бу ўринда ушбу тузилма аъзоси бўлган оддий акционер назарда тутилмоқда. Миноритар акциядорлар гуруҳидан ташқарида акциядорлик жамиятини бошқаришда унга деярли ҳеч нарса боғлиқ эмас.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг турли-туман ташкилий-ҳуқуқий шакллари белгилаб қўйилган. Бу ўринда тадбиркорлик қилишни хоҳлаган шахс саъй-ҳаракатига таянадими, капиталига, маблағларига таянадими, бошқа ишти-

рокчилар билан бирлашганда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш (ишлаб чиқариш кооперативи, тўлик ширкат), капиталларни бирлаштириш (акциядорлик жамиятлари, инвестиция фондлари, пай фондлари) ёхуд ҳам саъй-ҳаракатларни, ҳам капиталларни бирлаштиришни (масъулияти чекланган жамият) эркин танлаш ҳуқуқига эга.

Шу нуктаи назардан, бизнингча, Тадбиркорлик кодексига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш усуллари ва кимлар тадбиркор бўла олмасликлари белгилаб қўйилиши лозим. Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида ушбу масалалар кизгин муҳокама қилинмоқда. 2021 йил 23 июнь куни эълон қилинган Президент фармони ва қарори лойиҳаларида Ўзбекистонда муайян тоифадаги давлат амалдорларининг тадбиркорлик билан шуғулланиши қатъиян тақиқланиши, манфаатлар тўқнашуви билан тузилган шартномалар бекор қилиниши, бунга йўл қўйганлар юридик жавобгарликка тортилиши назарда тутилган. Хусусан, давлат харидлари, солиқ имтиёзлари, ер ажратиш, давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларида манфаатлар тўқнашуви га йўл қўйилмаслиги алоҳида назоратга олиниши белгиланган. Манфаатлар тўқнашуви га қуйидагича таъриф берилмоқда: манфаатлар тўқнашуви деганда, қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган лавозимни эгаллаб турган шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мансаб (хизмат) мажбуриятларини объектив ва ҳолис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятлар тушунилади. Ҳақиқатдан ҳам, дунёнинг барча мамлакатларида бизнес фаолияти ва давлат хизмати ўртасига чегара қўйилган. Давлат мансабдор шахсининг бизнес билан шуғулланиши уни хизмат лавозимидан фойдаланиб катта даромад, фойда олиши, эркин рақобатни йўқ қилиши оддий ҳақиқат. Келгусида давлат хизматчиларининг муайян тоифалари учун даромадлар декларациясини тузиш жорий этилмоқда ва бу ҳолат ҳалол билан ҳаромни ажратишга имкон беради.

Фикримизча, биринчи галда, давлат хизматчиси билан давлат мансабдор шахсини қатъий белгилаш лозим бўлади. Кўпчилик давлат хизматчилари тор доирада хизмат ваколатларига эга, лекин ҳокимият ваколатларига эга эмас. Уларга ўз маблағларини тадбиркорлик муомаласига киритишга имкон бериш адолатдан бўлар эди. Тўғри, давлат хизматчиси ўзининг асосий вақтини хизмат фаолиятига сарфлаши лозим. Лекин у капиталларни бирлаштириш орқали амалга ошириладиган тадбиркорлик тузилмаларида иштирок этиши мумкин. Очиғини айтганда, бундай

тузилмаларда ҳатто ҳокимият ваколатига эга мансабдор шахслар иштирокида ҳам жиддий монетарликлар мавжуд эмасдек туюлади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, масъул мансабдор шахсларнинг бошқа барча фуқаролар каби тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига имконият бериш, биринчи навбатда, уларнинг ўз асосий иш фаолиятдан чалғишига, шунингдек, амалиётда манфаатлар тўқнашуви га олиб келиши мумкин. Юқоридаги икки истисно бўлмаган ҳолатларда эса давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан нофаол равишда шуғулланиш имкониятини қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳокимият ваколатларига эга бўлмаган давлат хизматчиларининг хўжалик жамиятлари, ширкатларда оддий иштирокчи бўлишига, бизнес ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этишига йўл қўйиш ўринли бўлар эди. Айни пайтда, уларга тижорат юридик шахсларини бошқаришда овоз бериш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғозларга ҳам миноритар ҳажмда эгалик қилиш имкони тақдим этилиши жиддий монетарликлар келтириб чиқармайди. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида мансабдор шахслар тадбиркорлик тузилмаларида бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқисиз (акциядорлик жамиятларида имтиёзли акция эгаси, коммандит ширкатда коммандит иштирокчи ва ҳоказо) қатнашишга ҳақли эканлиги ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги, кучли жамоат назорати мавжудлиги, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари устидан мониторинг белгиланган шароитларда юқоридаги нормалар давлат хизматчилари ва мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик фаолиятида ўз манфаати йўлида мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишига йўл қўймайди, деб ҳисоблаш мумкин.

Бизнингча, тадбиркорлик фаолияти фуқаро томонидан якка тадбиркорликни амалга ошириш орқали ёхуд бошқа фуқаролар, юридик шахслар томонидан якка ёки биргаликда қонунда белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш (муассис, иштирокчи, аъзо, мулкдор сифатида) орқали амалга оширилиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларини муассис, мулкдор, иштирокчи, аъзо сифатида ташкил этган ёхуд биргаликдаги фаолият асосида гуруҳ сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар ҳам, агар қонунда бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, тадбиркор сифатида эътироф этилади, деб метъерий ҳужжатларда белгилаб қўйиш ўринли бўлар эди. Тадбиркор тушунчасидан ташқари

амалиётда бизнесмен, ишбилармон, тижоратчи каби иборалар ҳам қўлланилади².

Албатта, ушбу атамалар ҳам муайян субъектларни тавсифлаш учун ишлатилади, бироқ улар тавсифловчи юридик мазмунга эга эмас.

Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқишда ҳал қилиниши лозим бўлган концептуал масалалардан яна бири – нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари ва доирасини белгилаш ҳисобланади. Маълумки, нодавлат нотижорат ташкилотлари фойда олиш мақсадини кўзлаган ҳолда муайян ижтимоий фойдали ёхуд бошқа зарурий мақсад-вазифаларни кўзлаб ташкил этилади. Бундай ташкилотнинг даромад манбаларидан бири – тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолияти орқали олган фойда-даромадлар уларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга сарф қилиниши лозим³. Умумий қоида бўйича нотижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс мақомига эга бўлган махсус тадбиркорлик тузилмалари ташкил этиш орқали ёхуд бевосита ўзларининг таркибий бўлинмалари орқали амалга оширишлари мумкин. Агар улар томонидан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти доимий тизимли характерга эга бўлса, бу ҳолда тадбиркорлик тузилмалари орқали амалга ошириш ўринлидир. Бироқ бу фаолият кенг миқёслар касб этмаса, даврий-мавсумий характерга эга бўлса, у ҳолда таркибий бўлинмалар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Тижорат юридик шахслари ҳуқуқ лаёқати кўп ҳолларда умумий универсал ҳуқуқ лаёқати саналади ва бунда “қонунда нимаики тақиқланмаса, рухсат берилади” тамойили амал қилади. Бироқ амалиётда нотижорат ташкилоти учун махсус ҳуқуқ лаёқати амал қилади, яъни тадбиркорлик фаолияти таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолият йўналишлари бўйича амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилади. Масалан, олий ўқув юрти шундан келиб чиққан ҳолда, фаолият йўналишлари бўлган таълим соҳасида, илмий тадқиқотлар соҳасида, ноширлик фаолияти соҳасидагина тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир.

Тадбиркорлик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш доирасини таъсис ҳужжатлари орқали ҳал этилишини белгилаб қўйиш

ўринли бўлар эди. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш махсус тадбиркорлик юридик шахси ташкил этиш орқали амалга оширилганда, нотижорат ташкилоти муассис сифатида фойдадан улуш олишга ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга сарфлашга ҳақлидир. Нотижорат ташкилоти томонидан тадбиркорлик фаолияти ўз таркибий бўлинмалари орқали амалга оширилганда уни ташкил этиш, бунда иштирок этувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш нотижорат ташкилоти томонидан белгиланади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асосий устав фаолиятини ташкил этишга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилган тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва уларнинг таъсис ҳужжатларидаги мақсад ҳамда вазифалар билан боғлиқлиги ёки боғлиқ эмаслиги масаласини белгилаш нотижорат ташкилотларининг ўз ваколатларига киритилиши мақсадга мувофиқ. Тадбиркорлик кодексида ҳал қилиниши лозим бўлган яна бир масала – бу тижорат ташкилотларини тадбиркорлик субъекти сифатида қайта тузиш ёки қайта ташкил этиш ёхуд аксинча тадбиркорлик субъектларини нотижорат ташкилоти сифатида қайта тузиш ёки қайта ташкил этиш масаласидир. Албатта, муассислар, иштирокчилар, аъзолар бу масалани ҳал қилишда эркиндирлар. Бироқ, фикримизча, бунда қайта ташкил этиш ёки қайта тузиш механизмларини қўллашга рухсат бериш ўринли бўлмаган бўлар эди. Чунки тадбиркорлик субъектини ўз фаолиятини амалга оширишда улар билан ҳамкорлик қилган кредиторлар, қарздорлар, учинчи шахслар, шартномавий шериклар бор. Нотижорат ташкилотларида ҳам ҳомийлар, бенифициарлар, мецинатлар, кўп сонли аъзолар (баъзан аъзолар юз минглаб бўлиши ҳам мумкин) бўлади. Шу сабабли қайта ташкил этиш ёки қайта тузиш механизминини қўллашда жуда мураккаб, ҳал қилиб бўлмас муаммолар вужудга келиши мумкин. Бинобарин, агарда муассисларда, иштирокчиларда, аъзоларда тадбиркорлик субъектини нотижорат субъектга айлантириш ёхуд нотижорат ташкилоти тадбиркорлик субъектига айлантириш хоҳиши бўлса, у ҳолда мавжуд юридик шахсни тугатиб, тегишли таомилга амал қилгандан сўнг, янгидан ўзлари хоҳлаган турдаги юридик шахсни ташкил этишлари муаммонинг оддий ечими бўлиб хизмат қилади.

² Тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг сифатини ошириш, унинг турлари ва ривожланиш тенденциялари // Тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг назарий ва илмий методологик асосларини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба. – Тошкент, 2020 й. – 72-74-бетлар.

³ Жилинский С.Э. Предпринимательское право. – М.: Норма, 2003. – С.121.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ МЕҲНАТ СТАНДАРТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ



Лазокат ТУРИКОВА,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Республика кенгаши
бош мутахассиси

Аннотация. Мазкур мақолада таълим муассасаларида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда халқаро ва миллий меҳнат стандартларининг аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, меҳнат, халқаро меҳнат стандартлари, миллий меҳнат стандартлари, конвенция, меҳнат таътиллари, инсон ресурслари, педагогик маҳорат, ҳуқуқий маданият.

Abstract. The article examines the importance of international and national labor standards in the legal regulation of labor relations in educational institutions.

Key words: human rights, labor, international labor standards, national labor standards, convention, holidays, human resources, teaching skills, legal culture.

Аннотация. В статье рассматривается значение международных и национальных стандартов труда в правовом регулировании трудовых отношений в образовательных учреждениях.

Ключевые слова: права человека, труд, международные трудовые стандарты, национальные трудовые стандарты, Конвенция, праздники, человеческие ресурсы, педагогические навыки, правовая культура.

Мустақиллик йилларида юртимизда илм-фан, таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш, келажак авлодни баркамол қилиб вояга етказишнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилди. Соҳага оид қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий дастурларга биноан қўплаб таълим муассасалари янгидан қурилди, реконструкция қилинди ва энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Айниқса, сўнгги йилларда амалга оширилаётган демократик ислохотлар таълим тизимини инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан янгилашни, таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияларни татбиқ қилишни устувор вазифа қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек,

“Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш демократик ислохотларимизнинг асосини ташкил этмоқда.

...Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига аъзо этиб сайланди. Биз бошлаган ислохотлар йўлимизни изчил давом эттириш мақсадида Янги Ўзбекистон стратегиясини ишлаб чиқдик. Ушбу Стратегиянинг бош ғояси фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, камбағалликни камайтириш, ҳар бир кишини кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш ҳамда барқарор экологик ривожланишга эришишдан иборатдир. Асосий мақсадимиз – 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад-

лар миқдори бўйича “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига киришди¹.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши бутун дунёда долзарб ҳисобланади. Чунки инсон ҳуқуқларининг таъминланиши мамлакат иқтисодиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатувчи жараёндир. Шунингдек, иқтисодиёт ривожланишига таъсир қилувчи яна бир муҳим омиллардан бири таълим-тарбиянинг ривожланиши ва меҳнат бозорига малакали мутахассисларни етиштиришдан иборат.

Меҳнат – бу инсон ва жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган оқилона ва онгли фаолиятдир. Ушбу фаолият жараёнида инсон меҳнат қуроллари ёрдамида табиат объектларини ўзгартиради ва ўз мақсадларига мослаштиради².

Шу нуктаи назардан халқаро ва миллий меҳнат стандартларига риоя қилиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро меҳнат стандартлари – ижтимоий меҳнат муносабатларини халқаро шартномалар, конвенциялар орқали ҳуқуқий тартибга солувчи минимал меҳнат меъёrlаридир.

Миллий меҳнат стандартлари – миллий қонунчиликда белгиланган ходимларнинг меҳнат манфаатларини индивидуал ва жамоавий ҳимоя қилишга қаратилган минимал меъёrlар ҳисобланади.

Ушбу минимал меъёrlардан юқорироқ меъёrlарни қонуности ҳужжатлар ёки локал ҳужжатлар билан белгилашга ҳам йўл қўйилади. Бундай тартибга солишнинг расмий ифодаси жамоа шартномалари, меҳнат шартномалари ёки ички меҳнат тартиби қоидаларида кўзга ташланади. Таълим муассасаларида қабул қилинган амалдаги локал ҳужжатларда деярли юқори нормаларни кўрмаймиз. Чунки таълим муассасалари асосан бюджет ташкилотлари ҳисобланади ва қўшимча имтиёзларни локал тартибда белгилаш имкони деярли бўлмайди. Аммо бугунги кунда бир қатор олий таълим муассасаларининг ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиши ва кўплаб хусусий таълим муассасаларининг очилиши молиявий имкониятдан келиб чиқиб ходимлар учун қўшимча кафолатлар

ва имтиёзлар, устамалар ёки рағбатлантиришнинг бошқа шакллари жорий қилиш имкониятларига йўл очиб бермоқда.

Халқаро меҳнат стандартлари ҳақида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлган ва бу борада ҳозирга қадар 18 та конвенция ва 1 та протокол ратификация қилиниб миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларидан ташқари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг нормалари ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатларида ўз аксини топган³. Масалан, мазкур декларациянинг 23-моддасига биноан:

- Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.
- Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.
- Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.
- Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига; 38-моддага асосан, ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддасига мувофиқ, барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкый ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, этноқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/4632>.

² Исаев М.Н. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик асослари: рисола. – Т.: “Zarvaq nashriyot”, 2021. – 3-бет.

³ Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг республика-мизда ратификация қилинган конвенцияларида келтирилган халқаро меъёрлар билан Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида келтирилган миллий стандартларнинг бир-бирига мувофиқлигини қуйида кўриб чиқамиз.

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли, “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли конвенцияларда меҳнат ва иш турлари соҳасида имконият ва муомала тенглигига қўмаклашиш асосий мақсад сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Меҳнат кодексида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ва камситишларга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли конвенцияда оналик таътили муддати камида 12 ҳафтани (84 кун) ташкил этиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 233-моддасида аёлларга туғгунга қадар етмиш календарь кун ва туғганидан кейин эллик олти календарь кун – жами 126 кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли, “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли конвенцияларида зўраки ёки мажбурий меҳнат қўлланишини бартараф этиш юзасидан мажбуриятлар киритилган.

Республика-миз Конституцияси ва қонунларида мажбурий меҳнат, яъни бирор-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади ва амалиётда бунга риоя этиб келинмоқда. Айниқса, охириги йилларда болалар меҳнатини тўлиқ бартараф этиш ва мажбу-

рий меҳнатнинг систематик тарзда юзага келишига чек қўйиш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда.

Шунингдек, педагогларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича кўплаб семинар-тренинглари, тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий саволларга жавоб берувчи электрон платформалар, рақамли контентларни яратишда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини эътироф этиш керак. Барча вазирлик ва идораларда фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш йўлга қўйилган. Бу эса фуқаролар билан давлат органлари ўртасида қайта алоқани ривожлантириб, кўприк вазифасини ўтамоқда.

Педагоглар ҳам бугун ўзларини қийнаётган саволларига жавоб олиш учун узоқ масофани босишлари ёки қўнғироқларни кутишлари шарт эмас. Расмий сайтларда кўрсатилган электрон манзил, “Ишонч телефонлари” ёки ижтимоий тармоқлар орқали мутахассис жавобини бир зумда олишлари мумкин. Имкониятлар кенгайгани ва ҳуқуқий саводхонлик ортиб бorganи сари мурожаатлар сони ва ходимларнинг муносиб шароитлар яратилиши бўйича талаблари ортаётганини кузатиш мумкин. Бу эса ҳуқуқий маданиятнинг ривожланаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да узоқ йиллардан бери таълим тизимини қийнаб келаётган муаммолар билан бирга соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор устувор йўналишлар, чора-тадбирлар белгиланган. Педагогларнинг жамиятда нуфузини ошириш, уларнинг муносиб иш ҳақи ва даромадлар олишини таъминлаш, кадрлар сифатини ошириш, умумий таълим тизими учун илмий-педагогик, педагогик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини босқич-ма-босқич ривожлантириш, ёш кадрларни таълим соҳасига жалб қилишни рағбатлантириш каби лар шулар жумласидандир.

Шунингдек, 2020 йил 6 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-

фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ундан кўзланган мақсад миллий таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Таълим тизими олдига қўйилаётган вазифаларни тўлақонли бажариш, амалий натижаларни янада мустаҳкамлаш асосан инсон ресурсларини самарали бошқаришга боғлиқ.

Ўз навбатида, таълим муассасаларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, пандемия шароити таълим-тарбия жараёнига ўз таъсирини кўрсатди. Кутилмаганда анъанавий таълимни масофавий, онлайн таълимга ўтказишга тўғри келди. Минглаб мактабларда миллионлаб ўқитувчи ва ўқувчилар виртуал мулоқотга киришдилар. Бу ҳолат, албатта, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритилишига ҳам сабаб бўлди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан, коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланиши белгиланиб, коронавирус инфекцияси билан зарарланиб, карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланди⁴.

Мураккаб жараён бўлишига қарамай, давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятини тўхтатган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари ходимларининг иш ҳақлари

ўз вақтида тўлаб берилиши таъминланди. Таълим муассасаси ходимлари учун қулай ва мослашувчан иш тартиби жорий қилинди. Мазкур фармон билан йиллик меҳнат таътилларига муддатидан илгари чиқишга ҳам рухсат берилди.

Айни пайтда анъанавий таълим жараёни барқарор равишда амалга оширилмоқда. Таълим-тарбияни ривожлантиришга қаратилган кўплаб ислохотлар амалга оширилиши билан бирга тизимдаги ташкилотларда меҳнат муносабатларига оид айрим муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан, мактаб ўқитувчиларини ишга қабул қилишда дарс соатларини тақсимлаш нуқтаи назардан ёндашилмоқда. Яъни, штатлар жадвалидаги лавозимлар гўёки аҳамиятсиздек. Мисол учун, 20 нафар ўқитувчи лавозими штатлар жадвалида кўрсатилган ва ишлаётган ўқитувчилар 35 нафар бўлса, буларнинг ичида фақат 20 нафаригина асосий лавозимдаги ўқитувчи ҳисобланади. Математика фанидан 4 та ўқитувчи олиш керак. Аммо ишга кирмоқчи бўлган ўқитувчилар 8 тани ташкил қилмоқда. Ўқувчи сонидан келиб чиқиб, барча дарс соатларини 8 та ўқитувчига тақсимлаш ҳолатлари мавжуд: кимгадир 4 соат, бошқасига 12 соат ва ҳоказо. Барча ўқитувчиларнинг меҳнат шартномасида “асосий лавозимга қабул қилинган” деган ёзувни кўриш мумкин. Бу ҳолат меҳнат муносабатларини тартибга солишда айрим муаммоларни келтириб чиқаради.

Аслида қонунчилик бўйича асосий штатдаги ўқитувчилар тўлиқ иш билан таъминлангач, қолган соатлар учун ўриндош ёки соатбай ўқитувчиларни ишга қабул қилиш лозим. “Мана шу 8 нафар ўқитувчиларнинг қайси бири асосий ишчи?” деган савол туғилиши табиий. Шунингдек, асосий лавозимдаги ходим ҳамда соатбай ёки ўриндошлик асосида ёлланган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби ҳам турлича. Уларга бериладиган имтиёз ва кафолатларда ҳам фарқ бор.

Яна бир масала – ўқитувчининг синф хоналарини янги ўқув йилига тайёрлашидир. Агар синф хонани тайёрлаш ўқув-услугий жараён билан боғлиқ бўлса, албатта, педагогларнинг хизмат вазифаси ҳисобланади. Аммо қурилиш-таъмирлаш ва тозалаш ишлари педагогларнинг хизмат вазифала-

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/ru/docs/4770761>.

рига қирмайди. Таъмирланган хонани ўқув машғулоти учун кўргазмалар билан ижодий ёндашган ҳолда жиҳозлаш ўқитувчининг маҳорати ва дарс жараёни жозибадорлигини оширишга ёрдам беради. Аммо ўқув-услубий жиҳатдан хонани жиҳозлашни суиистеъмол қилмаслик керак, яъни педагоглар таътил вақтларини таъмирлаш ва тозалаш ишлари билан ўтказмасликлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 177-моддасига мувофиқ, “Иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига қирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга ҳилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас”⁵.

Шу нуқтаи назардан, таълим муассасалари иш берувчилари мазкур масалада ҳудудий касаба уюшмаси вакиллари ёки ҳуқуқшунослардан ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича ҳуқуқий кўмак олишлари зарур. Шунингдек, иш берувчилар барча ходимларнинг йиллик меҳнат таътиллари ва иш вақти режимини меҳнат қонунчилиги доирасида аниқ ва тўғри белгилашлари лозим. Бунда локал ҳужжатларнинг родини ошириш ва унинг ижросини таъминлашга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ташкилотлардаги локал ҳужжатларда меҳнат стандартларининг юқорироқ нормаларини белгилаш имконияти мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган меҳнат нормаларининг бажарилиши натижасида таълим муассасаларида қонун устуворлигининг таъминланишига эришиш мумкин.



⁵ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси / <https://www.lex.uz/docs/142859#144718>.

ЖАМИЯТ — ИСЛОҲОТЛАР ТАШАББУСКОРИ: ФУҚАРОЛИК МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК МИСОЛИДА



Нуржов МЕЛИҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Малака ошириш институтининг Касбий
тайёргарлик факультети ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган, мамлакатимизда ўзоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг муаммосини қонуний ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: Конституция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, фуқаролик, инсон ҳуқуқлари, жамият.

Abstract. This article discusses the reforms aimed at ensuring human rights by improving the legislation on citizenship, the legal solution to the problems of thousands of our compatriots who have lived in our country for a long time but do not have the legal status of citizens of Uzbekistan.

Key words: Constitution, United Nations, citizenship, human rights, society.

Аннотация. В статье рассматриваются реформы, направленные на обеспечение прав человека путем совершенствования законодательства о гражданстве, правовое решение проблем тысяч наших соотечественников, которые долгое время проживали в стране, но не имеют правового статуса граждан Узбекистана.

Ключевые слова: Конституция, Организация Объединенных Наций, гражданство, права человека, общество.

Бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз жамиятнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислохотларда бевосита иштирок этмоқда ва ушбу ислохотлар ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти куришга қаратилаётганига, юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилаётганига гувоҳ бўлмоқда.

Даврнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Бунинг учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, улар-

нинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-окибат ва ҳамжихатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир”¹.

Демократик ислохотлар йўли – биз учун ягона ва энг тўғри йўллигини, “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган янги ғоя, кундалик фаолият

¹ Қаранг: Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/2>.

тимизга тобора чуқур кириб бораётганини, ҳар бир ислоҳот жамиятдаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб белгиланишини, халқни қийнаётган муаммолар оммавий ахборот воситалари, халқ қабулхоналари ва бошқа “барометрлар” орқали аниқланишини Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб келаётгани бежиз эмас, албатта.

Изчил амалга оширилаётган саясий-ҳаракатлар натижасида айрим аҳоли қатламларини йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларга бугунги кунда ечим топилмоқда. Фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар шулар жумласидандир. Масалан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тўғридан-тўғри бериш тартибини жорий этиш орқали 56 мингдан ортиқ юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ узоқ йиллардан буён ечилмасдан келаётган муаммолари ҳал этилди. Шунингдек, доимий яшаш жойида рўйхатдан ўтиш тизими ислоҳ қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрда парламентга йўллаган Мурожаатномасида фуқароликнинг йўқлиги тенг ҳуқуқлилиқ, ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, қатор ижтимоий муаммоларга олиб келиши қайд этилди. Республикада фуқаросизликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган туб ислоҳотлар изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Шу мақсадда 2005 йилгача мамлакатимизга келиб доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини бериш, юртимизда 15 йил давомида муқим яшаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини беришнинг доимий тартибини жорий қилиш таклиф этилди².

Натижада, 2021 йил 14 июнда қабул қилинган қонун билан “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунга³ қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Айтиш ўринлики, 1991 йилдан 2007 йилга қадар республикада жами 482 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинган бўлса, 2007 йилдан 2016 йилнинг декабрь ойига қадар бундай шахсларга умуман фуқаролик берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида, бир қатор масалалар ва таклифларни илгари суриш баробарида, жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида янги Ўзбекистон шаклланаётганини, бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олганини ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарганини, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия қабул қилинганини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чакирғига жавобан 2020 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилганини айтиб ўтди⁴.

Бу, ўз навбатида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси иштирокчилари томонидан олқишланди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимизга кириб келишларини таҳлил этсак, уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг қўшни қардош давлатлардан қўчиб келгани, яъни Ўзбекистонда яшовчи оиласи, қариндошлари олдига келгани ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаросига турмушга чиққани ҳамда уларнинг фарзандларидан иборат экани ойдинлашади. Шунингдек, бундай тоифадаги инсонларнинг аксариятини Ўзбекистон Республикасида яшаган, хорижга чиқиб кетган ва

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

³ “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида // Ўзбекистон Республикасининг қонуни / <https://lex.uz/docs/5456725>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи / <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни кучга кирганидан сўнг Ўзбекистонга қайтиб келган кишилар ташкил этади.

Демак, сўнгги беш йилда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган 56 мингдан ортиқ юртдошларимиз,

биринчидан – жамиятнинг тўлақонли фуқаросига айландилар;

иккинчидан – сайлов жараёнларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар;

учинчидан – уларнинг ҳарбий хизматга чақирув ёшидаги фарзандлари ҳарбий хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўлди;

тўртинчидан – Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида қўшни давлатлар ва хорижий давлатларга ўрнатилган тартибда бориб келиш ва бошқа бир қатор имтиёзларга эга бўлдилар.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар бошқа давлатда яшовчи ота-онаси, яқинларини бориб кўриш учун ёки тўй-ҳашам, маросимларга бориш учун ушбу давлатнинг кириш визасини олишлари, тегишли ҳужжатларни ўша давлат элчихонасига тақдим этишлари, белгиланган миқдордаги давлат божини тўлашлари, кутишлари, давлатга кириш визаси берилганидан сўнг вижада кўрсатилган муддатдагина бориб келишлари мумкин эди.

Энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилган ушбу юртдошларимиз ва уларнинг оила аъзолари аввало ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кўрадилар, олиб борилаётган ислохотларда фаол қатнашадилар. Уларнинг юртга меҳри, давлатга ишончи янада ошади.

Шу билан бирга, улар жонажон Ватанимизда яшаётган кўп миллатли халқимиз турмушини юксалтиришда, уни янги босқичга кўтаришда ўз билимлари, фидокорона меҳнатлари билан ибрат ва намуна бўладилар.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамиятда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашга, айниқса, юртимизда узок йиллардан бери яшаб келаётган, лекин “Ўзбекистон Республикаси фуқароси” деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг муаммолари ҳал этилишига, орзу-истаклари рўёбга чиқишига, энг асосийси, уларнинг ҳаётдан рози бўлишларига хизмат қилмоқда.

Республикамызда олиб борилаётган ушбу хайрли ислохотлар, шунингдек, инсон ҳуқуқларини, манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, ўз навбатида, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

МУТЛАҚ ҲУҚУҚЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ



Мадинабону НАСРЕТДИНОВА,
ҳуқуқшунос

Аннотация. Мақолада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ва мутлақ ҳуқуқ тушунчаси масалалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда бу борада таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракат, зарар, мутлақ ҳуқуқ, мулк ҳуқуқи.

Abstract. The article provides a scientific and theoretical analysis of the problems of civil-legal responsibility and the concept of absolute law and expresses proposals in this regard.

Key words: civil-legal responsibility, wrongful conduct, harm, absolute right, property law.

Аннотация. В статье проводится научно-теоретический анализ понятий гражданско-правовой ответственности и исключительного права, а также высказаны предложения по данным вопросам.

Ключевые слова: гражданско-правовая ответственность, неправомерные действия, вред, исключительное право, имущественное право.

Бугунги кунда интеллектуал мулкдорлар синфининг кенгайиши мазкур соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Айниқса, сўнгги беш йилда амалга оширилган ислохотлар мутлақ ҳуқуқларнинг фуқаролик муомаласида бўлиши, уларни ҳимоя қилиш, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларини тадқиқ этишни долзарб қилиб қўйди.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳақида сўз борганда, кўпинча мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик масаласига эътибор қаратилади. Мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиб, юридик жавобгарликнинг барча белгилари: давлатнинг мажбурлов таъсири натижаси, ваколатли субъектлар томонидан

ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга юридик жавобгарлик чораси ҳисобланган санкцияни қўллашни ўзида ифода этади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси масаласи ҳуқуқшунос олимлар томонидан чуқур таҳлил этилган ва ҳар доим ҳуқуқшунослик фанларида баҳсли масала бўлиб келган¹. Қоида тариқасида, мажбуриятлар асосан шартномадан ёки зарар етказиш натижасида вужудга келади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддаси 2-қисмидаги мажбуриятни вужудга келтириш асоси сифатида белгиланган зиён етказиш иборасининг Фуқаролик кодексининг 57-боби номланишига мувофиқ келмаслигини айтиб ўтиш жоиз. Бу ерда Фуқаролик кодексининг 57-боби зарар етказишдан келиб чиқадиган

¹ Қаранг: Гражданское право / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. ч.1. – М.: “ПРОСПЕКТ”, 1998. – 550 с.

мажбуриятлар деб номланиши ҳуқуқий ва мантикий жиҳатдан тўғри эканлигини ҳамда Фуқаролик кодексининг 234-моддаси 2-қисмидаги “зиён” сўзи “зарар” сўзи билан алмаштирилиши кераклигини таъкидлаш ўринли. Шартномали мажбуриятларни бузганлик ва зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятлар учун жавобгарлик умумий маънода фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасини вужудга келтиради.

Айниқса, бу масалада О.С.Иоффенинг асарлари бекиёсдир. Унинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик оқибатида содир этилганлик ҳолати учун қонунда ўрнатилган санкциядир. Бу санкция ҳуқуқбузарга мажбурлов чораларини қўллаш орқали ифодаланади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузарлик учун белгиланадиган санкция сифатида ҳуқуқбузарга субъектив фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум бўлиш кўринишидаги салбий оқибатларни вужудга келтиради ёхуд янги ёки қўшимча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятни юклайди².

Фикримизча, О.С.Иоффенинг ушбу фикрлари фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасига берилган тўлиқ ва тўғри таъриф ҳисобланади. Асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

- ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- зарар;
- ҳуқуққа хилофлик ва зарар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- қарздор ёки зарар етказувчининг айби.

Юқоридаги тўртта асос турлича ёндашув билан кўрсатилади. Агар кредиторнинг талаби зарарни ундиришга қаратилган бўлса, унга асос, яъни зарар, сабабий боғланиш ва айбнинг мавжуд бўлиши, бордию кредитор талаби неустойка, пеня ёки жаримани ундиришга қаратилган бўлса қарздорнинг айби бўлгандагина мулкӣ жавобгарликка тортилиши назарда тутилади.

Бу ўринда асос сифатида айнан ҳуқуққа хилофлик назарда тутилиши ҳамда улардан баъзиларининг мавжуд бўлмаслигига ҳам эътибор қаратиш лозим. Масалан, мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликда зарар бўлмаслиги мумкин.

Н.Эгамбердиеванинг фикрича, ҳуқуққа хилоф ҳуқ-атвор тақиқланган ҳолатни амалга ошириш ёхуд белгиланган ҳолатни бажармаслик оқибатида намоён бўлади. Бундан ҳуқуққа хилоф ҳуқ-атворнинг икки шакли: ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва ҳаракатсизликни ажратиб кўрсатиш мумкин³. Ҳуқуқшунос олим О.Оқюловнинг фикрича, ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, яъни фуқаролик ҳуқуқи меъёрларига зид қилмиш – ҳуқуққа хилофлик нисбий зарурий шарт ҳисобланади, зеро Фуқаролик кодексида қонуний ҳаракат учун жавобгарлик ҳам белгиланган⁴. Ҳуқуқшунос олимлар В.Т.Смирнов ва А.А.Собчакларнинг таъкидлашларича, қонун талабларига жавоб бермайдиган ва ҳуқуқ нормасини бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни ғайриқонуний деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу ҳаракат натижасида зарар етказилганда эса мазкур зарар учун жавобгарлик шартларидан бири мавжуд бўлишига олиб келади⁵. Ғайриқонуний деган сўзнинг маъноси ҳуқуқ нормаларини бузувчи хатти-ҳаракатни англатади⁶.

Айрим мутахассислар зарарни кредиторнинг пул шаклида ифодаланган мулкӣ зарари деб ҳисоблашади⁷. Д.Эдельман эса, зарар (“damages”) атамаси ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун тўланадиган пул суммаси эканлигини таъкидлайди. В.А.Болдыревнинг фикрича, ҳақиқӣ зарар зиённинг таркибий қисмидан бошқа нарса эмас⁸.

Фуқаролик кодексида қўлланилган “зарар” ва “зиён” атамалари ҳар доим ҳам бир хил маъно бермайди. Юридик адабиётларда эса уларнинг фарқли ва умумий жиҳатлари ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган⁹.

² Иоффе О.С. Ответственность по советскому гражданскому праву. – Ленинград: Изд-во Ленинградского университета, 1955. – 9 с.; Иоффе О.С. Обязательственное право. – М.: Юридическая литература, 1975. – 97 с.

³ Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. Юрид. фан. номз. дис. ...автореф. – Тошкент: 2006. – 13-б.

⁴ Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 1999. – № 9. – 18-б.

⁵ Смирнов В.Т., Собчак А.А. Общее учение о деликтных обязательствах в советском гражданском праве. – Ленинград: ЛГУ, 1983. – С.66.

⁶ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 177-б.

⁷ Агарков М.М. Понятие убытков в международном праве//Агарков М.М. Избранные труды по гражданскому праву: в 2 т. М.: Центр Юр Инфо Р., 2002. – 319 с.

⁸ Болдырев В.А. Возмещение вреда, причиненного здоровью лица при осуществлении им опасной профессиональной деятельности: Дисс. на соис.уч.степ.канд.юрид.наук. Омск, 2003. – 75-б.

⁹ Оқюлов О. Фуқаролик кодекси: уни такомиллаштиришнинг олти омили. //Ҳуқуқ ва бурч. 2018.№7. – 16-б.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги жавобгарликка тўхталадиган бўлсак, бунда контрафакт маҳсулот айланмасига қарши кураш бўйича интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишда ваколатли давлат органлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳуқуқбузарлик асосан муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши, контрафакт нусхаларни ноқонуний равишда фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ. Бироқ, бундай ҳуқуқбузарлик айрим ҳолларда латент ҳолда қолиб кетади. Айниқса, янги интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний равишда фойдаланиш фактини аниқлаш бирмунча мураккаб кечади. Бунда аввало ҳуқуқ эгасининг фаоллиги, ҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳаракатлари уйғунлашуви тақозо этилади.

Юридик адабиётларда кўрсатилишича, мутлақ ҳуқуқлар дейилганда, бундай ҳуқуқлар соҳиблари (эгалари)ни турли ҳаракатлар содир этиш (ижодий фаолият маҳсулидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва ш.к.) бўйича ҳақдорлиги, ваколатлилигини ва айни вақтнинг ўзида бошқа ҳар қандай шахсларга бундай юқорида кўрсатилган ҳаракатларни содир этишнинг тақиқланишини таъминловчи субъектив мутлақ ҳуқуқ тушунилади¹⁰.

Фуқаролик кодексида интеллектуал мулк объектларига нисбатан қўлланилган “мутлақ ҳуқуқ” иборасини халқаро ҳуқуқдаги “exclusive right» («исключительное право») билан айний ва бир хил маънода тушуниш лозим. Мулк ҳуқуқи билан боғлиқ қоидаларда эса “абсолют” ҳуқуқ ҳақида сўз боради.

Мутлақ ҳуқуқлар ҳуқуқий механизми одатдагидек эгаллаб туриши мумкин бўлмаган, бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдалана олиши мумкин бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳиби мулкӣ ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминловчи муҳим воситадир, бироқ мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқлар асло айний тушунчалар эмас¹¹.

Б.Ахмаджоновнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 63-моддасига ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва

ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, контрафакт нусхаларни мусодара қилиш, ҳуқуқ эгасининг ҳақиқий эгаси ҳақида маълумотларни эълон қилиш ҳақидаги талабларни киритиш лозим¹².

Бироқ таклиф қилинаётган нормалар миллий қонунчиликда мавжуд. Масалан, юқорида номи кўрсатилган қонуннинг 66-моддасида, “Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари, шунингдек уларни тайёрлаш ва такрорлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг бошқа воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида мусодара қилинади”, деб белгиланган. Ҳақиқий ҳуқуқ эгаси ҳақидаги маълумотлар эса муаллифлик ҳуқуқини тан олиш ва фуқаролик шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бир хилдир. Бу ўринда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда “Антон Пиллер ордери”, “Мареванинг суд таъқиқи”, “Норвич Фармакл воситаси” каби усулларни имплементация қилишга доир ғояларни қўллашни назарда тутиш мумкин.

Бу ўринда ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги ўзига хослик ҳамда интеллектуал мулк объектларининг хусусиятларига эътибор қаратиш лозим. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш механизми, уларни тижорат муомаласига киритиш у ёки бу ҳуқуқий ҳимоя чораларини имплементация қилишга доир қоидаларга нисбатан алоҳида эътиборни, зеҳни талаб қилади. Агар бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишда “Антон Пиллер ордери” қўлланиши мумкин бўлса, ҳуқуқларнинг бузилиш ҳолатини исботлаш имконияти мавжуд бўлади ва ҳуқуқбузар ишни ҳамда низони ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни йўқ қилиш имкониятига эга бўлмайди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида ёзма далилларга доир қоидаи белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Масалан, Англия ҳуқуқ тизимида “Антон Пиллер Ордери” (“Anton Piller order”) мавжуд бўлиб, олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда далилларни олиб қўйишга ҳуқуқ беради ва компьютер дастури эгалари ҳуқуқлари бузилганда муҳим аҳа-

¹⁰ Гражданское право. Учебник. – М.: БЕК, 1994. – С.314.

¹¹ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. – Т.: 2003 й. – 18-бет.

¹² Ахмаджонов Б.У. Фуқаролик ҳуқуқида мутлақ ҳуқуқлар мазмуни ва уларни амалга ошириш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 20-бет.

мият касб этади. Бу эса муаллифлик ёки патент ҳуқуқлари бузилган ҳолларда тегишли далиллар йўқолиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади. Ушбу тартиб 1975 йилдаги “Anton Piller KG” ҳамда “Manufacturing Processes Limited” юридик ташкилотлари ўртасидаги низо бўйича номланган бўлиб, унда тижорат сирлари ўғирланганлиги юзасидан суд жараёни бўлиб ўтган. Ушбу усулни умумий равишда қўллаш 1997 йилда умумий фуқаролик судлари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан маълум даражада сиқиб чиқарилган.

“Антон Пиллер Ордери”нинг асосий устунлиги шундаки, ушбу суд буйруғи жавобгарга мурожаат қилмаган ҳолда суд томонидан берилиши мумкин. Умумий қоидага кўра суд буйруғи тарафлар томонидан бошланган суд жараёни давомида берилади. Бу ҳолат иккинчи тарафга олдиндан даъвогар томонидан суд орқали суд буйруғини олиш истаги борлигини маълум қилиб кўяди. Натижада даъвогарнинг зарур далилларни топишга доир барча хатти-ҳаракатларини, уринишларини йўққа чиқаради. Чунки жавобгарда далилларни йўқ қилиш учун вақт етарли бўлади¹³.

Хорижий давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, Россия Федерациясининг Гражданлик кодексига 2013 йил 5 июлда ўзгартириш киритилди. Ушбу ўзгартиришлар фуқаролик ҳуқуқи объектлари, номоддий неъматлар, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига доир бўлди¹⁴. Мазкур нормалар бевосита фуқароларнинг шахсий номулкий

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нисбатан тўлақонли ва самарали бўлишига имкон беради. Зеро, бугунги кунда шахсий номулкий ҳуқуқларни, шахсий махфий маълумотларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш жуда долзарб муаммолардан ҳисобланади¹⁵.

Компьютер дастурига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлар бузилиши ҳақида фойдаланувчилар ёки рақобатчилар бевосита интернет тармоғи орқали маълумотга эга бўлади. Ўз навбатида, мавжуд нотўғри, ноқонуний маълумотлар тарқатилганлиги борасида раддия бериш ҳам худди шундай шаклда амалга оширилиши лозим. Чунки интернет тармоғидаги ресурслар, фойдаланувчилар ва бошқа шахслар ҳар доим ҳам электрон оммавий ахборот воситалари мақомига эга бўлавермайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мутлак ҳуқуқлар деганда, фуқаролик ҳуқуқида ўзига хос ўринга эга бўлган, ҳам ашёвий ҳуқуқ, ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан татбиқ этиладиган, ҳуқуқий ҳимояси қонун билан кафолатланган, ушбу ҳуқуқ бузилиши натижасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланадиган жавобгарлик тушунилади.

Мутлак ҳуқуқ (абсолют ҳуқуқ) фуқаролик қонунчилигида ашёвий ҳуқуққа нисбатан татбиқ этилиши лозим. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан эса истисно ҳуқуқ конструкциясининг қўлланилиши ҳақидаги махсус қоидалар шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.

¹³ Романов А.К. Правовая система Англии. — Москва: “Дело”, 2000. — 126 с.

¹⁴ Федеральный закон от 2 июля 2013 г. N 142-ФЗ “О внесении изменений в подраздел 3 раздела I части первой Гражданского кодекса Российской Федерации” // Российская газета — «Федеральный выпуск», №6121 (145), 5 июля 2013 г.

¹⁵ Палуаниязов Х. Некоторые виды договоров, регулирующих использования личной конфиденциальной информации // “Обзор законодательства Узбекистана”, 2016. №3. — 43-46 с.

АБУ ЖАЪФАР АЛ-УСТРУШАНИЙ ВА УНИНГ ШОҲ АСАРИ



Заҳидулло МУНАВВАРОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор



Муслим АТАЕВ,
тарих фанлари номзоди

Аннотация. Мақолада Марказий Осиёдаги Биринчи Ренессанс даврида фаолият юритган Уструшана илмий-маданий марказининг йирик намояндаси, фақиҳ, қози Абу Жаъфар Уструшанийнинг ҳаёти, илмий мероси, устоз ва шогирдлари хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр, Уструшана, мерос, қози, манба, муфассир, муҳаддис, “Кифоят аш-Шаъбий”.

Abstract. The article tells about the life, scientific heritage, teachers, and students of Abu Ja'far al-Ustrushani – the prominent representative of the scientific and cultural center Ustrushana, who conducted his activities during the First Renaissance in Central Asia.

Key words: Mawerannahr, Ustrushana, heritage, judge, source, mufassir, muhaddis, “Kifoyat ash-Shabiy”.

Аннотация. В статье рассказывается о жизни, научном наследии, учителях и учениках Абу Джаъфара аль-Уструшани – видного представителя научно-культурного центра Уструшана периода Первого Ренессанса в Центральной Азии.

Ключевые слова: Мавераннахр, Уструшана, наследие, судья, источник, муфассир, мухаддис, “Кифоят аш-Шаъбий”.

Мовароуннаҳрлик уламолар, жумладан фақиҳлар меросини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки юртимизда туғилиб, камол топган ҳуқуқшунослар томонидан яратилган беназир битиклар бутун ислом олами бўйлаб юксак қадрланади. Бундай бебаҳо илмий-маънавий меросни ўзида мужассам қилган нодир қўлёзмаларни тадқиқ этиш олимлар олдида турган муҳим вазифалар қаторига киради. Бу каби қўлёзма манбаларнинг сони ниҳоятда кўп, уларда муҳрланган билимларнинг аҳамияти эса бемисл. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳозирги кунда

Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди.

...Биз диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапиримиз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда – аввало ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми?”¹

Абу Жаъфар ал-Уструшанийнинг “Кифоят аш-Шаъбий” асари мамлакат раҳбари томонидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // 22.12.2017 / Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/1371>.

юқорида таъкидланган мўтабар манбалардан биридир.

Х асрнинг охири – XI асрнинг бошларида яшаган Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр ибн аш-Шаъбий ибн Сулаймон ал-Уструшаний (ваф. 404/1013) салмоқли илмий мерос қолдирган ҳуқуқшунос олим саналади. Унинг илмий асарларини тадқиқ қилиш ва ҳалқимизга етказиш миллий-маънавий қадриятлар тикланаётган бугунги даврда алоҳида аҳамиятга эга. Алломанинг ҳаёти ва бой илмий-маънавий меросини ўрганиш орқали уструшаналик олимларнинг ислом тамаддунига қўшган ҳиссаси ҳамда қадимий Уструшана тарихи тўғрисида кенг тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Манбаларда қайд этилишича, Абу Жаъфар ал-Уструшаний ўзигача яшаб ўтган фақиҳлар асарларини чуқур ўрганиб чиққан, таҳсилни давом эттириш учун ўша даврнинг энг йирик илмий-маданий маркази бўлган Бағдодга борган, у ерда Абу Бакр ал-Жасос ар-Розийга шогирд тушган. Шунингдек, унинг устозларидан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Фадл ал-Каморий ал-Бухорий бўлган. Узоқ йиллар илм эгаллаш йўлида олиб борган саъй-ҳаракатлари ва изланишлари натижасида у фикҳ илмида юксак даражаларга эришган. Олим Мовароуннаҳрда ҳадис илми ривожига катта ҳисса қўшган.

Ўткир зехн, бой билим ва кенг дунёқарашга эга бўлган аллома дастлаб Бухорода, кейинчалик Самарқандда қозилик вазифасини бажарган. Ҳижрий 404 йилда, милодий 1013 йилда вафот этган. “Тарихи Муллазода” асарининг муаллифи Аҳмад ибн Маҳмуднинг қайд этилишича, у Бухородаги “Талли судур” қабристонида дафн қилинган. Айтиш лозимки, “Бухоронинг етти қозиси” саноғи Абу Жаъфар ал-Уструшанийдан бошланади².

Алломанинг шогирдлари ҳам ислом оламида танилган, қимматли асарлари билан фикҳ илмининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган фақиҳлар даражасига эришган. Жумладан, машҳур ҳанафий фақиҳлардан бири Абу Зайд ад-Дабусий (ваф. 431/1039) олимнинг шогирди бўлган. У ислом ҳуқуқида “илмул хилоф” деб аталган янги илмий йўналишнинг асосчиси саналади.

Абу Жаъфар ал-Уструшанийнинг илмий меросини “Ал-Жомий ал-кабир”, “Аз-Зиёdot” ва “Кифоят аш-Шаъбий” каби фикҳий асарлар ташкил қилади.

“Кифоят аш-Шаъбий” китобини олимнинг шох асари дейиш мумкин. У Абу Ҳанифа вафотидан (150/767 й.) сўнг, то милодий XI асрнинг бошигача бўлган даврда ҳанафий фикҳи бўйича Мовароун-

наҳрда ёзилган қимматли асарлар қаторига киради. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида “Кифоят аш-Шаъбий” асарининг учта қўлёзма нусхаси 4611, 4666, 6013 рақамлари остида сақланмоқда.

Таркибий тузилиши нуқтаи назаридан мазкур асар 80 та мажлис, яъни суҳбатдан иборат. Унда фикҳий масалалар билан бирга нақлий илмлар ва ваъзлар, яъни Қуръони карим оятлари ва Расулulloх (с.а.в.)нинг фикҳий-ҳуқуқий масалаларга доир ҳадислари қамраб олинган. Китоб нафақат фикҳий, балки амри маъруф ва наҳйи мункар тарзида битилган дидактик, яъни панд-насихатлардан иборат асарлар сирасига ҳам киради.

“Кифоят аш-Шаъбий”нинг ёзилишига мамлакатдаги диний, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалар билан боғлиқ муаммоларнинг йиғилиб қолгани сабаб бўлган дейиш мумкин.

Шунингдек, Абу Жаъфар Уструшаний асарида жамланган фатволарда шариат қоидаларига хилоф бўлмаган ҳалқона урф-одатларга алоҳида эътибор берилган. Китобнинг бошқа фикҳий асарлардан фарқланувчи жиҳатларидан бири унинг ахлоқий-дидактик мазмунда эканлигидир.

“Кифоят аш-Шаъбий” асари нафақат Мовароуннаҳр, балки ислом оламининг бошқа ўлкаларида ҳам катта шуҳрат қозонган. Чунки унинг муаллифи етук мутафаккир, билимдон фақиҳлардан бўлган. Асар матнидан муаллифнинг чуқур фалсафий тафаккур соҳиби ва қомусий олимлиги яққол кўриниб туради.

Муаллиф муайян масаланинг ечимини излашда кучли далилларга суянган. Булар, энг аввало, оят ва ҳадислардир. Бундан кейин мазҳаб асосчилари бўлган буюк мужтаҳид-имомлар – Абу Ҳанифа, Молик, Шофеъий, Абу Ҳанбал қарашлари муаллиф томонидан дастур қилиб олинган. Шунингдек, ҳанафий мазҳаби ичидаги мужтаҳидлар, биринчи навбатда, Абу Ҳанифанинг шогирдлари – Абу Юсуф, Муҳаммад Шайбоний, Зуфар ва бошқаларнинг фикрига суяниш, салаф фақиҳлар фатволарини назарда тутиш каби олимона ёндашув ал-Уструшаний асарининг пухта-пишиқлигини таъминлаган ва унга бўлган ишончни кучайтирган. Муайян муаммога оид фатво-ни шакллантиришда муаллиф ҳанафий мазҳаби талабларига риоя этиш билан бирга, бошқа мазҳабларга ҳам мурожаат қилгани, эътиборли фикҳий асарлардан иқтибослар келтиргани, баъзи ўринларда ўзининг фатвосини бергани ёки масаланинг ечими-

² Жабборов М. Фикҳ илми ва Абу Жаъфар Уструшаний / “Имом Бухорий сабоқлари” журнали, 4/2019. – 42-б.; Аҳмад ибн Маҳмуд Муъин ал-фўқаро. Тарихи Муллазода. – Техрон: Китобхонаи Ибн Сино, 1960. – 56-57-б.

ни таржих³ қилиш орқали топишга ҳаракат қилгани диққатга сазовор.

Китобда Абу Жаъфар ал-Уструшаний ўз мулоҳазалари ва далилларини салафлар фикридан кейин келтиради. Бунда дастлаб тегишли фикҳий масала бўйича билдирилган нуқтаи назарлар баён қилиниб, сўнгра мазҳаб доирасида танланган фикрга урғу берилади. Шунингдек, ханафий мазҳаби фақиҳлари томонидан билдирилган заифроқ далиллар ҳам олдин келтирилиб, уларнинг энг кучлилари якуний қарор сифатида тақдим этилади.

Айтиш ўринлики, етук олим Уструшаний асарларида юздан ортиқ буюк фақиҳлар, имомлар, мужтаҳидлар, жумладан машҳур саҳобийлар, тобеъинлар ва табаъ-тобеинлар фикрлари зикр этилган. Бундан Абу Жаъфар ал-Уструшанийнинг том маънодаги заҳматкаш тадқиқотчи бўлгани аёнлашади. Олим томонидан ишлатилган ҳар бир ибора чуқур мазмун касб этиб, уларда катта фикҳий ҳукмлар ифодаланган.

“Кифоят аш-Шаъбий” асарида баёни келтирилган мажлисларда кўриб чиқилган ҳар бир масалани тушунтиришда аввал Қуръон оятлари, ҳадислар ва исроилиётлардан⁴ мисоллар келтирилиб, мазмун бойитилган. Айрим кийин ўринларда ўқувчига савол билан мурожаат қилиниб, сўнг муаллиф томонидан саволларга жавоб берилган. Қуръонда қарама-қаршиликлар бор, деб ўйлаётган кишиларга асосли эътироз билдирилиб, улар фикридаги хатолар исботланган. Китоб нодир маълумотларни ўзида мужассам этгани туфайли олимларнинг юксак эътирофига сазовор бўлган.

Мажлисларда ёритилган масалаларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин. Биринчи гуруҳ масалалар ибодат билан боғлиқ шаръий талаблар ва ҳукмлар, жумладан покланиш (таҳорат), намоз, закот, рўза, ҳаж, жонлик сўйиш ва қурбонлик қилиш кабиларни ўз ичига қамраб олган⁵. Кейинги гуруҳга никоҳ, талок, мерос, шафелик, ташландик нарсалар сингари ижтимоий моҳиятли масалалар киради⁶. Асарда кўриб чиқилган ахлоқий меъёрлар, диний

нуқтаи назардан муайян ишларнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги билан боғлиқ ҳукмлар, шаръан на тавсия этилган ва на ман этилган ишлар, яъни амалга оширилиши мукофотга ва тарк этилиши жазога сабаб бўлмайдиган ишлар, тарк этилиши жазога сабаб бўлмай, бажарилиши савобга (маънавий мукофотга) лойиқ деб қабул қилинган амаллар, қасам ичиш, диндан қайтиш, қочган қулнинг ҳақи, сулҳ тузиш, гувоҳлик шартлари, қозининг бурчи ва вазифалари кабиларни одоб-ахлоққа оид масалалар гуруҳига киритиш мумкин⁷. Имонга тегишли масалаларни ақлий далиллар билан исботлаш ва аҳли сунна мазҳабларидан чиқиб кетган бидъатчилар ақидаларини рад қилишга, шунингдек, яралиш, қайта тирилиш, Аллоҳнинг борлиги, бирлиги ва имон чегаралари, жабру ихтиёр, хайру шар (яхшилик ва ёмонлик), Аллоҳнинг зоти ва сифатлари ҳамда унинг каломи (Қуръон) каби ақидавий масалаларга асарда кенг ўрин ажратилган⁸. Асарда кўриб чиқилган масалаларнинг яна бир катта гуруҳини омонат қўйиш, совға-салом, савдо-сотик, ижара, улушни бўлиш, қўшма тижорат, қўшма деҳқончилик, ҳуқуқи чекланган қул, даъвонинг рад этилиши, вақф, васийлар, вакиллик, кафиллик, ҳавола каби иқтисодий ва молиявий муаммолар ташкил этади⁹. Ва, ниҳоят, шаръий меъёрларга уйғун бўлмаган ишлар, тарк этилиши қатъий ва мажбурий тарзда талаб қилинган, амалга оширган киши таъқиб остига олиниб, жазога ҳукм этиладиган ишлар, жазо ҳадлари, макруҳ нарсаларга доир масалалар, талон-торож қилиш, гаровга қўйиш, даъво қилиш, иқрор қилиш, жиноятлар, изн берилган қул, даъво ҳужжатлари, одам ўлдириш, ўғрилиқ қилиш каби ишларга оид ҳуқуқий масалалар асарда қамраб олинган яна бир муҳим йўналишни ташкил этади¹⁰.

Мухтасар айтганда, китобда баён этилган масалалар қамрови кенг бўлиб, бу унинг ҳам илмий-назарий, ҳам амалий-тадқиқий аҳамиятини бениҳоя оширади. Бинобарин, “Кифоят аш-Шаъбий” асарининг кенгайтирилган тадқиқотини амалга ошириш долзарб илмий вазифа ҳисобланади.

³ Таржих – ўз тахминини айтиш (Қаранг: “Ан-Наъим ал-кабир”. – 242-б.).

⁴ Исроилиёт – яҳудийлик аъёналарига асосланган диний адабиётни ифодаладиган исломий истилоҳ. Айрим муфассирлар Қуръон оятларини очиб беришда Таврот ва Инжилда келтирилган яҳудий ва насронийлар ривоятларидан фойдаланган. Ислом пайдо бўлгандан кейинги дастлабки асрларда собиқан яҳудийлик ва насронийликда бўлган баъзи шахслар Қуръонни тафсирлашда исроилиётни кенг қўллашган. Лекин аънавий исломда исроилиётга бўлган муносабат зиддиятли бўлган.

⁵ Кифоят аш-Шаъбий, қўлёма № 4611. – В. 4 б - 144 б.

⁶ Ўша манба. – В. 145 а – 160 а.

⁷ Ўша манба. – В. 174 б – 201 а.

⁸ Ўша манба. – В. 201 б – 225 а.

⁹ Ўша манба. – В. 160 б - 169 б.

¹⁰ Ўша манба. – В. 225 б – 252 а.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА КЕНГАШ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ



Тўйчи АХМЕДОВ,
Жиззах давлат педагогика институти
доценти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Аннотация. Ушбу илмий мақолада Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида кенгашларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиб-қоидалари ёритилган. Жумладан, кенгашларни ташкил этишда эътибор берилган қоидалар; кенгашда иштирок этувчи давлат хизматчиларини чақириш, шунингдек мулозимларнинг ҳукмдор атрофидан ўрин эгаллаши билан боғлиқ тартиблар; кенгашда иштирокчиларнинг кийиниш меъёрлари; кенгашдан олдин ва кенгаш тугагандан кейин амалга ошириладиган тадбирлар атрофлича очиб берилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, темурийлар, давлат, ҳукмдор, бошқарув, кенгаш, қурултой, регламент, тартиб, қоида, давлат хизматчилари, сиёсий тадбирлар, вазирлар, маслаҳатчилар, диний уламолар, ҳарбий саркардалар.

Annotation. This scientific article covers the regulations of the organization and holding of councils during the reign of Amir Temur and Temurids. In particular, the rules respected in the organization of councils are disclosed in detail; procedures related to the challenge of civil servants participating in the Council; Rules practiced while around the ruler in the Council, that is, government officials sitting on the right, to the left and opposite the ruler; Standards associated with dressing in the Council; Measures taken before and after the end of the Council.

Key words: Amir Temur, Timurids, state, Ruler, Board, Council, Kurultai, Regulations, Order, Rules, civil servants, Political measures, Ministers, Advisers, Religious leaders (religious scholars), Military commanders.

Аннотация. Статья посвящена правилам организации и проведения советов в период правления Амира Темура и Тимуридов. В частности, подробно раскрываются правила, соблюдаемые при организации советов; процедуры, связанные с вызовом государственных служащих, участвующих в совете; правила, практиковавшиеся в совете при нахождении вокруг правителя, то есть правительственные чиновники, сидящие справа, слева и напротив правителя; стандарты, связанные с одеванием в совете; меры, принятые до и после окончания совета.

Ключевые слова: Амир Темур, Тимуриды, государство, правитель, правление, совет, курултай, регламент, порядок, правила, госслужащие, политические меры, министры, советники, религиозные деятели (религиоведы), полководцы.

Амир Темур ва темурийлар салтанатида ҳукмдорнинг ҳар бир фаолияти — давлатни бошқариш (даргоҳ ва девон фаолиятини мувофиқлаштириш), ҳуқуқий ҳужжатларни (фармонлар, қарорларни) имзолаш, йиғилиш (кенгаш каби) ва тадбирларда (шоҳона базмлар, тўйлар, маданий анжуманларда) қатнашиш, ҳудудларга ташриф буюриш, аскарлар-

ни кўриқдан ўтказиш, турли даражадаги қабул маросимлари билан боғлиқ барча ишлар регламент даражасидаги аниқ тартиб-қоидалар асосида йўлга қўйилган.

Амир Темур даврида қонун чиқарувчи тизим қурултой аталиб, у асосан йирик турк-мўғул қабилаларининг йўлбошчилари иштирокида ўтган ва

хукмдор истаган пайтда чақирилган¹. Унда қабул қилинган қарор юридик кучга эга бўлган. Тегишли соҳаларни ислоҳ этиш ва жорий масалаларни ҳал қилиш учун ана шундай қарорларга таянилган. Қурултой, яъни кенгаш алоҳида одат бўйича ташкил этилган. Бунинг учун алоҳида тайёргарлик кўрилган². Кенгашда таклиф этилган давлат аъёнлари қатнашиб, таклиф этилмаган аъёнлар қатнашмаган³. Шу билан бирга, кенгашларда у ёки бу мамлакатдан келган меҳмонлар ҳам қатнашиши мумкин эди. Бундай кишилар маълум вақт давомида меҳмонда бўлиб турган, уларни ҳурмат рамзи сифатида кенгашларга таклиф этишган⁴.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида кенгаш ва машваратларда кўплаб давлат амалдорлари иштирок этган. Унда ҳукмдор, шахзодалар, диний уламолар, саййидлар, қозилар, вазирлар, доруғалар, қутволлар, қабила оқсоқоллари, амир ул-умаро, бекларбеги, амирлар, туманбеги, мингбеги, юзбеги ва ўнбеги қатнашган. Иштирокчиларнинг асосини барлос, тархон, арғун, жалойир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдус, туғой, қипчоқ, арлот ва то-тар сингари тамга олган қабилалардан бўлган 313 амир ташкил этган. 313 ҳарбийнинг биттаси амир ул-умаро, тўрттаси бекларбеги, юзтаси мингбеги, юзтаси юзбеги ва юзтаси ўнбеги лавозимида бўлган. Булар давлат бошқарувида муҳим ўрин тутиб, “асли тоза, пок наслик, ақл-фаросатлик, баҳодир, довюрақ, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олдини ва орқасини ўйлаб иш тутадиган, бариси ақл-хуш эгалари, базму разм шерлари, маҳоратли саркарда, лашкар тўпини бузиб, мағлуб этувчи кишилар эди”⁵. Амирлардан ташқари шайхулислом, қози, муфтий, вазирлар, ҳокимлар, тавочилар каби ўнлаб мансаб эгалари ҳам кенгашларда қатнашган. Бундай рақамлар асосида Амир Темур томонидан ташкил этилган кенгашларда 400 нафарга яқин аъёнлар қатнашган, деб тахмин қилиш мумкин.

Кейинги темурий ҳукмдорлар даврида бу рақам ўзгарган бўлиши аниқ.

Кенгашларда, умуман, ҳукмдор ҳузуридаги қабул маросимлари, мажлислар ва тантаналарда аъёнларнинг жойлашиш тартиби бўлган. Яъни ҳукмдор атрофида жойлашишда регламентга амал қилинган.

Бу тартиб-қоидалар “Темур тузуклари”да муфассал ёритилган. Унга кўра, ҳукмдорнинг ўғиллари, набиралари ва қавм-қариндошлари ўз даража ва мартабаларига қараб тахт атрофида ярим ой шаклида ўтиришган. Саййидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуғлар ва ашрофлар тахтнинг ўнг томонидан ўрин олишган. Амир ул-умаро, бекларбеги, амирлар, нўёнлар, улус, туманлар ва кўшинларнинг сардорлари ҳамда амирлари, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўз мартабаларига қараб тахтнинг чап томонидан ўрин олишган. Девонбеги, вазирлар тахт қаршисида, калонтарлар ва каххудолар уларнинг ортида ўтиришган. Баҳодирлар, қилич чопиб танилган ўғлонлар тахт орқасидан ўнг қўл томонда, қоровулбеги тахт орқасидан чап қўл томонда, хировул амири ҳукмдор рўпарасида, ички, хусусий ясовул катта чодир эшиги олдида – тахт поясининг тўғрисида, додхоҳлар ўнг ва чап томонда тик турган ҳолатда жойлашишган. Қолган сипоҳийлар, хизматчи ва ҳашамлар ўз мартабаларига яраша саф тартиб туришган. Амалдорларни тартиб бўйича жойлаштиришга тўрт нафар амир масъул этиб тайинланган. Мажлисга тартиб берилгач, иштирокчиларга минг товоқ ош, минг дона нон тарқатилиб, зиёфат уюштирилган⁶. Кенгаш бошланиши билан таом тортиш темурий ҳукмдорлар даврида ҳам амалда бўлган. Жумладан, 1457 йилда мирзо Шох Маҳмуд ибн Абулқосим Бобур даврида Хиротдаги Боғи Зоғонда ташкиллаштирилган кенгашда иштирокчиларга таом тортилган⁷.

¹ Ахмедов Б. Амир Темур дарслари. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 51-б.

² Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 411-б.

³ Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ғулом Каримий. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 106-б.

⁴ Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. – Т.: “Чўлпон”, 1995. – 55-б.

⁵ Темур тузуклари / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Караматов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 101-б.

⁶ Ўша манба. – 90-91-б.

⁷ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 411-б.

Тарихчи олим Т.Файзиевнинг таъкидлашича, Амир Темур саройида жорий қилинган тартибга кўра, чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида хотинлари ҳам иштирок этган. Жумладан, 1404 йил 8 сентябрь душанба кунин Амир Темурнинг Дилкушо боғида элчиларни қабул қилиш маросими катта зиёфат ва тантана билан бошланган. Клавихонинг ҳикоя қилишича, қабул маросимида ҳукмдор Темурнинг ёнида Сарой Мулк хоним бошлиқ бошқа хотинлари ҳам юзларига парда ташлаб ўтирганлар⁸.

Манбаларда кенгаш иштирокчиларининг тахтининг ўнг ва чап томонида қандай масофада жойлашиши бўйича ҳам маълумотлар келтирилган. Мирзо Абу-л-Қосим Бобур бир гал шайхулисом Хожа Мавлоно Хуросонда бўлиб турган вақтда унга хурмати баландлигини кўрсатиш учун шайхулисомни подшоҳ ўтирадиган ўринга таклиф қилади ва ўзининг чап томонида беш заръ (бир заръ – 107 см) узоқликда ўтиради. Ўнг томонида ўтирган саййидлар, ўғлонлар, подшоҳзодалар беш-олти газ (бир газ – 70 см) узоқликда жойлашади⁹. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, подшоҳнинг ҳар икки томонидаги мажлис иштирокчилари тахтдан 5-6 метр узоқликда ўтирган. 1528/1529 йилги тўй тантаналарида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўнг ва чап томонида сарой аъёнлари худди шунга ўхшаш масофада жойлаштирилади¹⁰. Саройда уюштирилдиган ҳар қандай тадбирларда ҳукмдорнинг ўнг ва чап томонида жойлашган шаҳзодалар, диний уламолар ва энг яқин давлат аъёнлари ҳам ҳукмдор тахтидан беш-олти кадам узоқликда ўтириши лозим бўлган¹¹. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Абдураззоқ Самарқандий Мирзо Абу-л-Қосим Бобур саройига 1452 йилда ташриф буюрган Озарбайжон мамлакати подшоҳзодаси амир Искандар туркомоннинг ўғли Алванд мирзони подшоҳнинг чап томонидан жой олганини қўшимча қилиб ўтган¹².

Алванд мирзо меҳмон мақомида бўлган. Хурмат юзасидан бундай расмий меҳмонлар йиғин вақтида подшоҳнинг ён томонидан жой олишган. Руи Гонсалес де Клавихо эса Амир Темур хузурига ташриф буюрган элчиларга ҳукмдорнинг ўнг томонидаги супага ўтириш таклиф этилганини ёзади. Ҳукмдор бир нечта элчиларни қабул қилган вақтда ўзининг энг яқин иттифоқчиларини ва ҳамкорлик алоқалари ривожланган давлат вакиллари ўзига яқинроқ ўтказишни буюрган. Яъни бир нечта элчидан фақат ҳукмдор маъқул кўрган давлат вакили бошқа элчилардан юқорида ўтирган¹³. 1439 йилда Миср ҳукмдори Ал-Малик аз-Зохир Чақмоқ томонидан келган элчи Жижикбуқо Шохрух қабулига келгач, уни ўнг тарафдаги кишилар қаторига ўтказадилар¹⁴.

Бу бўйича ўша вақтдаги хорижий тажрибани ҳам таққослаш фойдадан холи бўлмайди. Шохрух томонидан 1420 йилда Хитойга элчи сифатида юборилган Гиёсуддин наққошнинг тасвирлашича, Хитойда ҳам сарой тартиби ўзига хос бўлган: “Кўшкнинг рўбарўсига биринчи (майдондаги)дан кўра улуғворроқ бир тахтни келтирдилар, тўрт газ катталиқда, унинг айланаси учбурчак шаклида ва худди чодирга ўхшатиб сариқ атласдан ўралган ва хитойликлар усулида тилла юритилган ҳамда семурғ ва аждарҳола қабил хитой нақшлари ишланган. Тахтнинг устига тилла курси қўйилган, чап ва ўнг тарафда хитойликлар саф тортиб турадилар: аввал тумонлар, ҳазоралар ва садларнинг амирлари. Улар жуда кўп; ҳар бирининг ўнг қўлида узунлиги бир шаръий газ, эни чорак газ миқдорида биттадан тахта. Улар ана шу (тахта)дан бошқа ҳеч бир жойга қарамайдилар. Уларнинг орқасида ҳадду ҳисобдан ортиқ зирх кийганлар ва найзадорлар турадилар, баъзиларининг қўлида эса яланғоч қиличлар. Сафлар тўғри тизилган ва шундай сукунат ҳукм сурадики, бу ерда бирор нафас олувчи йўқ дейсан”. Хитойликлар наздида ўнг тарафдан кўра

⁸ Файзиев Т. Темурийлар маликалари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 3-4-б.

⁹ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 378-379-б.

¹⁰ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: “Янги китоб”, 2019. – 393-б.

¹¹ Қудратуллоев Ҳ. Бобур армони. – Т.: “Шарқ”, 2005. – 42-б.

¹² Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 378-б.

¹³ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 157-б.

¹⁴ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 86-б.

чап тараф азизроқ бўлган ва элчилар ҳукмдордан чап томонда жойлашган¹⁵.

Ҳукмдор атрофидаги кишиларнинг тартиб билан ўтириши барча теурий ҳукмдорлар даврида сақланиб қолган. Ҳусайн Бойқаро давлатида амирлардан юқорида, яъни подшоҳга энг яқин жойда ўтирадиган шахслар наввоб ва ичкилар бўлган. Улар подшоҳнинг фарзандлари ёки энг яқин кишилари ҳисобланган. Ҳусайн Бойқаро яқин дўсти Алишер Навоийга муҳрдорлик вазифасини топширишини маълум қилганда шоир бунга хоҳиши йўқлиги туфайли ушбу вазифани рад этишга уринади. Ҳусайн Бойқарога, “Ҳозирда наввоб ва ичкилар қаторида амирлардан юқорирокда ўтираман, агарда муҳрдорлик вазифасини қабул қилсам барлос катталари, яъни амирлари мендан юқорирокда ўтириши керак бўлади. Шу боис бераётган мансабингиз мартабамнинг туширилишига олиб келади”, деб айтади. Шунда Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга қобилияти туфайли амирлик мансаби берилиши кераклигини, барлос амирлари ундан юқорида ўтирмаслигини таъкидлайди. Ҳусайн Бойқаро бу тартибни ўзгартириш учун ҳукм чиқаришини ва унга кўра Алишер Навоийдан юқорида фақат Султон Бадиуззамон ўтириши мумкинлигини айтиб ўтади¹⁶. Бундан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- биринчидан, ҳукмдор ёнида энг юқори ўринда шахзодалардан бири ўтирган, наввоблар ва ичкиларга эркин жой олиш имтиёзи бўлган;

- иккинчидан, амирлар мансабига қараб ўз ўринларига эга бўлган;

- учинчидан, подшоҳ ҳузурида ўтириш билан боғлиқ қонидани ўзгартириш учун алоҳида ҳукм, яъни юридик ҳужжат чиқарилиши зарур бўлган;

- тўртинчидан, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога яқинроқ ўринда барлос амирлари ўтиришини айтяпти. Бунда у қайсидир амирни эмас, барлос катталарини назарда тутяпти. Демак, ҳукмрон сулола барлослардан бўлганлиги учун мазкур қабила амирларига подшоҳ саройида ўтириш учун алоҳи-

да имтиёз берилган. Бу фактнинг яна бир муҳим томони шундаки, кенгашда давлат амалдорлари билан бирга мамлакатдаги етакчи қабилаларнинг вакиллари ҳам қатнашган. Демак, кенгаш иштирокчиларини тоифага бўлганимизда қуйидаги қатламларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин: шахзодалар, давлат хизматчилари (вазирлар, ҳокимлар, тавочи, оталик, мунший ва ҳоказо), руҳонийлар, ҳарбийлар ва қабилалар вакиллари.

Саройда ва, умуман, ҳукмдор ҳузуридаги мажлисларда кийиниш билан боғлиқ тартибларга риоя қилинган. Бу, энг аввало, аъёнлар ва ҳарбийларга тааллуқли бўлган. Аскарлар, амирлар, мингбоши, юзбоши ва ўнбошилар учун кулоҳ, этик, кавуш, бўрк ёқалик чакмон кийиш, ханжар ва қилич тақиб олиш шарт бўлган. Бундай кийиниш тарзи ҳарбийлар учун умумий кийиниш маданиятини намоён қилиб турган. Қилич ва ханжарларни тақиб юришлари хавфсизлик учун эканлиги кундай равшан. “Тузуқлар”да айтиладики: “Амр қилдимки, сипоҳийлар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар девонхонага, базм-мажлисларига кулоҳсиз, этиксиз, кавушсиз, бўрк ёқалик чакмонсиз, ханжарсиз, қиличсиз ҳозир бўлмасинлар. Ўн икки минг қилич осган аскар урушу тинчлик вақтида бутун яроқ-аслаҳалари билан кўшқда, девонхонанинг ўнгу сўл тарафидан, орқасидан ва олдидан курсаб турсинлар. Шу тартибда ҳар кеча улардан минг киши соқчилик қилиш учун ҳозир бўлишсин. Ҳар юз қиличлик устига бир юзбоши қўйилсин ва унга шартлашилган махфий сўзни айтсинлар”¹⁷. Бундан кўринадики, кулоҳ, этик, кавуш, бўрк ёқалик чакмон, ханжар ва қилич сарой хизматчиларининг асосий кийими бўлган. Ўша даврда бундай кийимлар фахрий қўшиннинг хизмат либоси эканлигидан далолат беради.

Ҳукмдор саройидаги кенгашларда тегишли ўринларга жойлашиш билан бирга унда ўзини тутиш, гапиришнинг муайян этикет қоидалари ҳам белгилаб қўйилган. Чунки кенгашдаги муҳо-

¹⁵ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 434-б.; 438-б.; Яна қаранг: Ғиёсиддин Наққош. Хитой сафари кундалиги / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Омонулло Бўриев. – Т.: “Mashhur-press”, 2017. – 16-34-б.; Бўриев О. Ғиёсиддин Наққош “Сафарнома”си манбалар ва тадқиқотларда / “Теурийлар даври меросининг тарқалиши ва ўрганилиши” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: “Mashhur-press”, 2016. – 30-38-б.

¹⁶ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ / Форс тилидан Ф.Каримов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 54-б.

¹⁷ Теуыр тузуқлари / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Караматов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 84-б.

камада фикр билдириш учун сиёсий донолик ва масъулият талаб этилган. Улар мард ва жасур бўлиш билан бирга, ёлғон, ғийбат ва фахш сўзларни айтишдан холи бўлишлари лозим эди. Тўғри, ҳукмдор ҳузурида ҳар ким ҳам ножўя ҳаракат қилиши, ахлоқдан ташқарига чиқиши амримаҳол. Лекин шахзодалар, наввоб ва ичкилар, амирлар бошқа кенгаш иштирокчиларига нисбатан эркин бўлган. Шундай бўлса-да, Ибн Арабшоҳнинг хабар беришича, кенгашларда ёлғон гапириш, бировни ғийбат қилиш, фахш гаплардан сўзлаш, ғорат қилиш, қон тўкиш, талон-тарож уюштириш, бирон-бир маҳрам ҳақида сўз очиш тақиқланган¹⁸. Бундай талаб исломдаги ахлоқ нормалари асосида белгиланган. Қолаверса, этикет нормаларига қатъий амал қилиш талаби Амир Темурнинг юксак ахлоқи ва маданиятининг яна бир жиҳати эди. Чунончи, Амир Темур энг ашаддий рақибларини мағлуб этиб, асир олган вақтда ҳам уларга нисбатан ҳурмат-иззатни сақлаган. Анқара жангида мағлуб этилиб, асир олинган Турк султони Йилдирим Боязидга Амир Темур томонидан кўрсатилган эҳтиром бунга мисол бўла олади.

Кенгашлардаги муҳокамада ҳар бир иштирокчидан масъулият, ҳушёрлик ва зарурат бўлганда оқилона таклиф киритиш талаб этилган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, “У (Амир Темур – Т.А.) ўз давлати арконларини, мамлакати аъёнларини, ўз мулоҳаза ва машварат эгаси бўлган кишиларининг бирортасини ҳам қолдирмасдан тўплардики, бола отанинг, ота эса боланинг ўрнини босолмасди”. Ушбу маълумот кенгаш иштирокчилари тартиб асосида давлат йиғинида қатнашганлигини, ҳар бир мансаб эгасининг ўз ўрни бўлганлигини англатади. Муҳокама жараёнида ҳар ким ўз даражасидан келиб чиқиб қатнашган ҳамда фикр билдириш эркин бўлган. Бунда кенгаш иштирокчиси хато қилишдан чўчимаслиги талаб этилган. Барча кенгаш аҳли мазкур йиғиндаги муҳокама мавзусига дахлдорлигини ҳис қилган. Агарда билдирилган фикр хато бўлса, тўғриланган, муаммони ҳал

этишда аҳамиятли таклиф бўлса, икки ҳисса мукофотланган¹⁹.

Кенгашда қарор чиқариш энг муҳим босқич ҳисобланган. Амир Темур салтанат юмушлари билан бирга, Ғарбу Шарқнинг шаҳарлари, кишлоқлари тавсифи, номлари, уларнинг географик ўрни, яқин ва узоқ, тор ва кенг манзиллари, ҳар бир ҳудуднинг аҳлию бошлиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларию фақирларининг шуҳрати ва насаби, ҳунари ва эга бўлган бошқа машғулоти ҳақида доимий тарзда маълумотларга эга бўлиб борган. Бу маълумотлар унинг кўплаб мамлакатлар доирасида фикр юритишида, кенгашларда эса мақбул қарорлар қабул қилишида муҳим омиллардан бўлган. Унинг саройида ҳар бир фан ёки касб бўйича замонасининг энг кучли шахслари йиғилган. Ҳунарманд, савдогар, курувчи, мунажжим, тарихчи, фикҳшунослар билан Амир Темур суҳбатлар уюштириб, тегишли соҳаларни ривожлантириш истикболларини муҳокама этиб борган²⁰. Ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар, кейинни ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисларига киритиб, уларнинг суҳбатларидан наф олиб, тажрибасини ошириб борган²¹.

Амир Темур ҳар бир ишнинг якуни тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, кенгаш ўтказишни лозим топганлигини таъкидлайди. Бунда у ақли расо ва ҳушёр одамлардан маслаҳат сўраганлигини билдиради. Қилинадиган ишларнинг яхши-ёмон, фойда ва зиён томонларини таҳлил қилган, хатарларни баҳолаган, муаммога кириш ва чиқиш йўллари мўлжаллаган, юракдан айтилган таклифга кулоқ тутган: “Ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирардим; унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор назари билан қарардим; қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни (бажаришдан) воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим. Чунончи, шунга кўра Туғлуқ Темурхонга

¹⁸ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб / Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. – Т.: “Меҳнат”, 1992. – 65-б.

¹⁹ Ўша манба – 73-б.

²⁰ Ўша манба. – 70-72-б.

²¹ Темур тузуқлари / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Караматов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 65-б.

тўғри йўл кўрсатганман. Унинг амирлари Дашти Жетада исён туғини кўтарганларида, мендан маслаҳат сўради. Унга шундай дедим: “Агар ғанимни синдириш учун бир фавж аскар юборсанг, олдинда икки хатар бордир, агар ўзинг олиб борсанг, бир хатар мавжуд”. У менинг маслаҳатимга кириб, Дашт томон ўзи бориб эди, мен айтгандек бўлди. Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан чиқиш йўллари йўлаб кўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, сабр-чидам кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоғини ўйлаб, ортини эсдан чиқармаган ҳолда охирига етказардим”²².

Демак, Амир Темур кенгаш аъзоларининг таклифларидан энг мақбулини ажратиб олишни ўз зиммасида қолдирган. Қарор қабул қилинган, уни амалга оширишда “тўғри тадбир”, “қатъий жазм”, “сабр-чидам”, “эҳтиёткорлик”, “узоғини ўйлаш”, “ортини эсдан чиқармаслик” кераклигига эътибор қаратган. Қарорлар ижросини таъминлаш, бошқарувнинг энг муҳим босқичи дейиш мумкин. Кенгаш ҳар қанча оқилона қарор чиқармасин, унинг ижроси суғ ташкил қилинса, самара бермайди.

Амир Темур айнан қарор ижросини қатъият билан назорат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир давлатда бошқарувни юритиш билан боғлиқ тартиб-қоидалар ва сиёсий анъаналар асрлар давомида давом этган. Ўзбек давлатчилигининг Амир Темур ҳукмронлиги даврига қадар икки минг йиллик анъанаси мавжуд бўлиб, олдинги сулолалар ва ҳукмдорларнинг у ёки бу масалалар бўйича тузуклари сақланиб қолган. Амир Темур ўзигача бўлган анъаналарни янги босқичга олиб чиқиб, ўтмиш воқеаларидан салтанат учун энг фойдалиларини ажратиб олганини ўзининг “Темур тузуклари” асарида қайд этган. Шундай анъаналардан бири бошқарувни кенгаш асосида ташкил этиш бўлган. Кенгашлар ҳуқуқ даражасидаги муайян тартиб-қоидалар — регламент асосида ўтказилган. Кенгаш давлатдаги энг катта йиғинлигидан келиб чиқилса, унда белгиланган қоидалар мазкур коллегиял институтнинг ҳуқуқий макomini ҳам тасаввур қилишга ёрдам беради. Кенгашларда юридик кучга эга қарорлар қабул қилинган ва унинг ҳуқуқий тартиб-таомиллари мавжуд бўлган.

²² Темур тузуклари / Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Караматов таржимаси. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. — 15-16-б.

БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИ БИРИНЧИ МАРТА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

2021 йилнинг 13 сентябрь – 10 октябрь кунлари Женевада 140 га яқин делегация иштирокида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши (ИХК) сессияси бўлиб ўтди.

ИХК сессияси давомида 100 га яқин асосий мажлислар, 50 дан ортиқ норасмий маслаҳатлашувлар ўтказилди. Унда 90 дан зиёд делегациялар вакиллари сўзга чиқди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги масалаларнинг кенг доирасини қамраб оладиган кўплаб резолюция ва қарорлар қабул қилинди. Кенгаш мавзули йўналишларда 100 га яқин маърузаларни тинглади ва 50 га яқин мамлакатдаги вазиятларни кўриб чиқди; махсус тартиблар мандати эгалари ва инсон ҳуқуқлари бўйича экспертларнинг 30 дан ортиқ ҳисоботини эшитди, 14 та мамлакатнинг Универсал даврий шарҳи (УДШ) маърузаларини тасдиқлади.

Сессиянинг биринчи кунда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари М.Бачелетнинг жаҳонда инсон ҳуқуқларига оид вазият тўғрисидаги маърузаси тингланди. Маърузада инсониятнинг атроф-муҳитга салбий таъсири инсон ҳуқуқларининг кенг доирасига, шу жумладан етарли даражада озиқ-овқат ва сув билан таъминланиш, сифатли таълим олиш каби ҳуқуқларга бевосита ва жиддий зарар етказётгани таъкидланди.

Олий комиссар, айниқса, иқлим ўзгариши ва жиддий об-ҳаво ҳодисалари оқибатида ночор аҳволда қолаётган миллионлаб одамларнинг ҳаётларини ўзгартириш ҳамда уларнинг умидларини оқлашга йўналтирилган сиёсатни ислоҳ қилиш зарурлигини, шунингдек Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини айтиб ўтди.

М.Бачелет COVID–19 пандемиясига қарши курашда давлатларни, БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишини ҳисобга олган ҳолда, тенгсизликка қарши фаолият олиб бориш ва инновацион экологик қарорларни рағбатлантириш йўналишларига молиявий ресурслар ажратиш сиёсатини танлашга даъват этди.

Олий комиссар COVID–19 пандемияси сабабли шу йилнинг охирига бориб 25 ёшдан 34 ёшгача бўлган ҳар 100 та эркакка 118 та хотин-қиз тўғри келишини маълум қилди. 2030 йилда эса ана шу рақам 121 та хотин-қизга етиши тахмин қилинмоқда. Маърузачининг таъкидлашича, бундай вазиятга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Ушбу сессия якунлари бўйича кенгаш 25 та резолюция қабул қилди. Шу жумладан, мамлакатимиз тарихида биринчи маротаба Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан “COVID–19 пандемиясининг ёшлар ҳуқуқларига таъсири тўғрисида”ги резолюция ҳам тасдиқланди. Шу тариқа Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолиги доирасида 2021 – 2023 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси”нинг 22-бандида белгиланган вазифа самарали ижро этилди.

Мазкур резолюцияни қабул қилишдан кўзланган мақсад – COVID–19 пандемияси шароитида бутун жаҳонда ёшлар эҳтиёжларини қондириш, улар дуч келаётган муаммоларга барҳам бериш, бу йўналишда халқаро, минтақавий ва миллий даражадаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантиришдан иборат.

Резолюция давлатларни ёшлар учун кенг имкониятлар яратиш, COVID–19 пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш асносида ёшлар

хуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга даъват этади. Унда, шунингдек, глобал пандемиянинг ёшлар хуқуқларига таъсирини юмшатиш, айниқса, ёш хотин-қизларни камситиш ҳолатларини аниқлаш каби мақсадларда БМТнинг Инсон хуқуқлари бўйича Олий комиссари томонидан муфассал тадқиқотлар ўтказиб борилиши ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу резолюция БМТнинг Инсон хуқуқлари бўйича кенгашига аъзо барча 47 та давлат томонидан ҳеч бир истисносиз яқдил маъқулланди.

Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган халқаро ташаббуслар ва мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотларни жаҳон ҳамжамияти қўллаб-қувватлаётганининг ёрқин далилидир. Ушбу резолюциянинг экспертлар томонидан яқдиллик асосида қабул қилиниши Ўзбекистоннинг жуда муҳим ташки сиёсий ғалабаси ҳисобланади.

Хужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг веб-сайтида БМТнинг 6 та расмий тилида

жойлаштирилди. Қабул қилинган ушбу резолюциянинг бажарилиши бўйича маъруза 2022 йилнинг сентябрида ИХКнинг 51-сессиясида кўриб чиқилади.

Мамлакатимизнинг БМТ Инсон хуқуқлари бўйича кенгаши фаолиятидаги ташаббускор иштироки инсон хуқуқларига оид қатор масалаларда дунё давлатлари билан умумий мақсадлар йўлида самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган ушбу резолюция бунинг ёрқин далилидир.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у жўғрофик жиҳатдан чегараланмаган, шунингдек БМТга аъзо барча давлатлар томонидан имплементация қилиниши зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ушбу резолюция Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалаётганидан далолат беради. Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон хуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилгани, халқпарвар давлат тузиш йўлида улкан ислохотлар амалга оширилаётгани халқаро миқёсда ҳам самара бераётганини тасдиқлайди.

“РИВОЖЛАНИШ ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДА”ГИ КОНВЕНЦИЯ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Жорий йилнинг 22 – 26 ноябрь кунлари Женевада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон хуқуқлари бўйича кенгаши Ривожланиш ҳуқуқи бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг 22-сессияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон хуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Сессия арафасида Ўзбекистоннинг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили Улуғбек Лапасов 2022 йил учун БМТ Инсон хуқуқлари бўйича кенгаши раисининг ўринбосари лавозимига сайланди. Натижада Ўзбекистон ўз тарихида илк бор БМТ Ин-

сон хуқуқлари бўйича кенгаши бюроси фаолиятида иштирок этиш ваколатига эга бўлди.

БМТ Инсон хуқуқлари бўйича кенгашининг Ривожланиш ҳуқуқи бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳи 1998 йилда БМТнинг Инсон хуқуқлари бўйича комиссияси ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаши қарорлари асосида таъсис этилган. Унинг асосий вазифаси – ривожланиш ҳуқуқини амалга ошириш ва рағбатлантириш соҳасидаги ўзгаришларни мониторинг қилиш ҳамда шарҳлаб боришдан иборат.

22-сессияда “Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисида”ги конвенция лойиҳаси, шунингдек соҳага оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Онлайн ҳамда офлайн шаклда бўлиб ўтган қизгин мунозараларда БМТ муассасалари ва бошқа халқаро ташкилотлар, шунингдек фуқаролик жамияти вакиллари фаол иштирок этди.

БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ — МИЛЛИЙ МАРКАЗДА

2021 йил 29 ноябрда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича махсус маърузачиси Фионнуала Ни Аолайн билан учрашди.

БМТ махсус маърузачисининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида ўтказилган ушбу учрашув Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг халқаро ташкилотлар билан амалий алоқаларининг мантиқий ва изчил давоми ҳисобланади. Миллий марказ инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги кенг қўламли ҳамкорликдан ҳамиша манфаатдор.

Мулоқот чоғида терроризмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Мамлакатимизда терроризм ва экстремизмга қарши

курашда халқаро ва минтақавий даражада етарли салоҳият шаклланигани эътироф этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон — халқаро терроризмга қарши курашнинг фаол иштирокчиларидан бири. Мамлакатимиз БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳозирга қадар Ўзбекистонда терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича 14 та халқаро конвенция ҳамда протокол, шунингдек бир қанча миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Мулоқот давомида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлик истиқболларига ҳам тўхталиб ўтилди. Терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқларига риоя этиш, жабрдийдалар, шунингдек терроризмда айбланган маҳкумлар ҳуқуқини таъминлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ЕВРООСИЁ ОМБУДСМАНЛАРИ АЛЪЯНСИНИНГ VI ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, академик Акмал Саидов ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова жорий йилнинг 28 октябрь куни Москвада видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган Евроосиё Омбудсманлари Альянсининг VI йиғилишида иштирок этди.

Йиғилиш “Евроосиё маконида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммоларига ечим топишга доир энг мақбул амалиётларни ўрганиш” мавзусида бўлиб ўтди.

Унда Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Сербия, Арманистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Эрон ва Тожикистон Омбудсманлари, шунингдек ушбу мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва давлат ҳокимияти органлари, инсон ҳуқуқлари ҳамжамиятлари вакиллари қатнашди.

Йиғилишда академик А.Саидов сўзга чиқиб, Россия ва бошқа мамлакатлар Омбудсманларига 2021 йилнинг 12-13 август кунлари Тошкентда ўтказилган “Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзусидаги Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясида иштирок этганлари учун миннатдорлик билдирди. Тафсилотлари 50 дан ортиқ миллий ва 30 дан ортиқ хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритилган ушбу конференция якунида Тошкент Ёшлар декларацияси қабул қилинганини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, йиғилишда ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши, меҳнат қилиши ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун етарли шароит яратиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича энг самарали хорижий амалиётлар ҳақида маълумот берилди.

Айниқса, Женевада бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 48-сессиясида Ўзбекис-

тон ташаббуси билан илгари сурилган “COVID–19 пандемиясининг ёшлар ҳуқуқларига таъсири тўғрисида”ги резолюция қабул қилингани эътироф этилди.

Маълумот учун, Евроосиё Омбудсманлари Альянси минтақадаги инсон ҳуқуқлари ҳимоячила-

рининг саъй-ҳаракатларини бирлаштирадиган етакчи иттифоқ ҳисобланади. Ушбу ташкилот Евроосиё давлатлари омбудсманларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаб, хориждаги фуқароларнинг муаммоли масалаларини тезкор ҳал этишга қўмаклашади.

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ УЧУН МУҲИМ ҚўЛЛАНМАЛАР НАШР ЭТИЛДИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида 2021 йилнинг 11 ноябрь куни парламент аъзоларига мўлжалланган иккита янги нашр – “Фуқаролик тўғрисидаги қонунларда фуқаросизликнинг олдини олиш ва камайтиришнинг муваффақиятли амалиёти” ҳамда “Қочоқларни халқаро ҳимоя қилиш ва давлат бошпана тизимини яратиш масалалари бўйича қўлланма” номли китобларнинг ўзбек тилидаги таржималари тақдими бўлиб ўтди. Тадбир Миллий марказ томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этди.

Тақдимот тадбирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов сўзга чиқди. У ўз нутқида таъкидлаганидек, фуқаросизлик муаммоларига ечим топиш – бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатлари сиёсатида долзарб ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистон фуқаросизликни камайтириш борасидаги сиёсатига қатъий содиқлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги янгиланган қонунга мувофиқ, юртимизга 2005 йил 1 январга қадар келиб, доимий яшаётган, шунингдек, Ўзбекистонда 15 йил давомида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган ва хорижий давлат фуқаролигини қабул

қилмаган шахсларга уларнинг хоҳишига қўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш тартиби 2021 йил 1 майдан бошлаб жорий этилди.

Шунингдек, БМТ Қочоқлар масалалари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё минтақасидаги вакили Ханс Фридрих Шоддер ҳам сўзга чиқиб, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва қочоқларни ҳимоя қилишнинг узоқ тарихи, ибратли намуналарини ўзида мужассам этган ҳамда парламент аъзолари учун муҳим аҳамиятга эга мазкур қўлланмаларнинг ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилганидан мамнунлигини билдирди. Самарали парламент дипломатияси БМТ Қочоқлар масалалари бўйича Олий комиссари бошқармасининг глобал мақсадларига тўла мос келишини айтиб ўтди.

Тақдимот иштирокчилари фуқаросизлик муаммосини ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини яқдиллик билан маъқулладилар. Депутат ва сенаторлар халқаро ҳужжатларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши парламент аъзоларига инсон ҳуқуқлари ва фуқаросизлик тўғрисидаги халқаро ҳуқуқнинг умумий принциплари билан танишиш имконини тақдим этишини алоҳида таъкидладилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Парламентлараро Иттифоқ ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан ҳамкорликда нашр этилган ушбу қўлланмалар фуқаролик ва фуқаросизлик тўғрисидаги миллий қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишда парламент аъзолари учун муҳим амалий восита сифатида хизмат қилади.

ОНЛАЙН-МАЪРУЗА МАВЗУСИ: ФУҚАРОЛИК ВА ФУҚАРОСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг юридик факультетлари талабалари учун фуқаросизлик масалалари юзасидан онлайн-маъруза дарси ташкил этилди.

Унда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети, Бош прокуратура академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Самарқанд давлат университети, Наманган давлат университети, Термиз давлат университети, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети талабалари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ва БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марка-

зий Осиёдаги вакили ўринбосари Думитру Липкану ўз маърузалари билан очиб беришди. Шунингдек, талабалар хорижлик ва маҳаллий етакчи мутахассисларнинг маърузаларини ҳам қизиқиш билан тинглашди.

Маърузаларда фуқаросизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, дунёда, жумладан Марказий Осиёда фуқаросизлик билан боғлиқ вазият, шунингдек БМТнинг Фуқаросизлик тўғрисидаги конвенциялари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Маърузачилар таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар туфайли мамлакатимизда фуқаросизликка барҳам бериш борасидаги вазият келинги беш йилда тубдан ўзгарди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш билан боғлиқ чақириғига жавобан биргина 2020 йилнинг ўзида мамлакатимизда 50 мингдан ортиқ шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлди.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ

Жорий йилнинг 7-8 октябрь кунлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида “Қийноққа солишга қарши курашиш: халқаро амалиёт ва миллий тажриба” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўқув машғулотида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият олиб боровчи тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасаларининг масъул ходимлари қатнашди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Бош прокуратура академияси, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти, шунингдек, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси экспертларининг маърузалари тингланди, назарий билимлар амалий машғулотлар билан мустаҳкамланди.

Семинар-тренингда ўз билим, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлаган иштирокчилар Ички ишлар вазирлиги тизими ходимлари учун шу йилнинг октябрь-ноябрь ойларида мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган қатор ўқув курсларида маърузачи сифатида қатнашишди ва амалий машғулотлар ўтказишди.

ЎЗБЕКИСТОНДА “НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ КОНВЕНЦИЯ ҚОИДАЛАРИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 14 октябрь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази БМТнинг мамлакатимиздаги жамоаси ҳамда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси қоидаларини амалга ошириш юзасидан миллий маслаҳатлашув ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат вакиллари, марказий идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Миллий маслаҳатлашувда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Пьер фон Аркс сўзга чиқди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2021 йил 22 февралда бўлиб ўтган 46-сессиясида “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияни ратификация қилиш ташаббусини илгари сургани бежиз эмас. Зеро, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, жисмоний имконияти чекланган одамларга тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун етарли шароит яратиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 29 май куни бўлиб ўтган мажлисида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ишлаб чиқилган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокама этилди ва тасдиқланди. Қонун 2021 йил 7 июнда қабул қилинди.

“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция Ўзбекистон учун 2021 йил 28 июль кунидан

бошлаб кучга кириши тўғрисидаги БМТ Бош қотибининг хабарномаси олинди.

“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияни ратификация қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси томонидан ноёб тажриба қўлланилди. Яъни халқаро-ҳуқуқий ҳужжат дастлаб миллий қонунчиликка имплементация қилиниб, шундан кейин ратификация қилинди.

“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция қоидаларини Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш мақсадида Миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Бу борада манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантирилган.

Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳаси халқаро ташкилотлар – БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлини маси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчисига юборилди. Олинган таклифлар асосида лойиҳа янада такомиллаштирилди.

“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция қоидаларини амалга ошириш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда замонавий усуллар ва халқаро стандартларни жорий этиш имкони ортади. Бу, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларининг “Ҳеч кимни ортида қолдирмаслик” тамойилини амалга оширишга ёрдам беради.

Миллий маслаҳатлашув иштирокчилари эътироф этганларидек, конвенция қоидаларини амалга ошириш натижасида, биринчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини халқаро норма ва стандартларга мувофиқлаштириш; иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсадли ресурсларини жалб этиш имконини кенгайтириш мумкин бўлади. Қолаверса, конвенция қоидаларининг бажарилиши мамлакатимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ижобий халқаро имижига янада яхшилланишига хизмат қилади.

СЕНАТДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШ ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ*

2021 йилнинг 18-19 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлиснинг биринчи иш кунинда сенаторлар томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари М.Тиллабаевнинг Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилиш ҳолати ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Мажлисида ўтган икки йил мобайнида Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида салмоқли ютуқларга эришгани таъкидланди. Жумладан, миллий қонунчилик ва ҳуқуқий амалиётни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилотининг “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашувчи асослар тўғрисида”ги конвенцияси ва БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси ратификация қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилингани таъкидланди.

Ушбу ҳужжатда қийноқларни аниқлаш ва олдини олиш юзасидан жамоат гуруҳларини ташкил этиш бўйича бир қатор нормалар белгиланган. Уларнинг жавобгарлиги, қийноқдан жабр кўрганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш кабилар шулар жумласидандир.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг ҳуқуқларини тиклаш, барча соҳаларда хотин-қизлар ва эркеклар тенглиги тамойилини татбиқ этиш-

га алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўз навбатида, Олий Мажлис Сенати томонидан “Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътирофи сифатида мамлакатимиз биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланди.

Шу билан бирга, сенаторлар инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ҳали ҳал этилмаган масалалар мавжудлигини таъкидладилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билим ва кўникмалари ҳали етарли даражада шаклланмаган, бу эса амалиётга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни кечиктириб бажариш ёки нотўғри ижро этиш ҳолатлари алоҳида тилга олинди. Мисол учун, 46 та банднинг ўн биттаси бўйича тадбирлар амалга оширилмаган.

Бундан ташқари, сенаторлар Олий Мажлис палаталари Кенгашлари Қўшма қарори билан маъқулланган БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва ўқитиш тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” лозим даражада бажарилмаётганига эътибор қаратдилар.

Сенатнинг ялпи мажлисида ҳар томонлама ва очиқ муҳокама якунлари бўйича тегишли вазирлик ҳамда идораларга зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.

“МАРКАЗИЙ ОСИЁДА COVID – 19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ”

2021 йилнинг 29 октябрь куни Қозоғистон пойтахти – Нур-Султон шаҳрида “Марказий Осиёда Covid–19 пандемияси даврида инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши” мавзуида минтақавий конференция бўлиб ўтди. Онлайн ва офлайн шаклдаги ушбу тадбир ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ҳамда ЕХХТ Дастурларининг Бишкек, Душанбе ва Нур-Султон шаҳарларидаги офислари томонидан ташкил этилди.

Минтақавий анжуман инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида ишлайдиган шахслар пандемия даврида дуч келаётган муаммолар таҳлилига бағишланди. Унда Марказий Осиё мамлакатларининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари, давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти, шунингдек, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, “БМТ – Аёллар” тузилмаси, Европа Иттифоқи каби халқаро ташкилотларнинг минтақадаги ваколатхоналари вакиллари қатнашди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Парламентлараро Иттифоқ Вице-президенти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов иштирок этди ва сўзга чикди.

А.Саидов Ўзбекистонда эпидемиологик вазиятни самарали назорат қилиб туришга жиддий эътибор қаратилаётгани, бу борада халқаро амалиёт асосида барча зарур чоралар қўрилаётганини таъкидлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази пандемия шароитларида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича БМТ ва бошқа тузилмалар билан ҳамкорлик учун масъул ҳисобланади. Миллий марказ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва шартнома қўмиталари, Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби халқаро тузилмаларнинг пандемия шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги тавсияларини синчиклаб ўрганган ҳолда бу масалаларга давлат ташкилотлари эътиборини қаратиб келмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг июль ойида Миллий марказ томонидан БМТнинг мамлакатимиздаги жамоаси ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги офиси билан ҳамкорликда Covid–19 муносабати билан жорий этилган чекловлар шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Миллий мулоқот ўтказилди. Шунингдек, “Covid–19 ва инсон ҳуқуқлари” номли мақолалар тўплами чоп этилди.

DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL MAGAZINE

4 (92) – 2021

Chair of the Editorial Board:

Akmal SAIDOV

Editor-in-chief:

Erkin ERNAZAROV

International Editorial Board:

Tanzila NARBAEVA
(Uzbekistan)

Kudratilla RAFIKOV
(Uzbekistan)

Aslan ABASHIDZE
(Russian Federation)

Akira FUJIMOTO
(Japan)

William BUTLER
(USA)

Tadeusz BODIO
(Republic of Poland)

Marghoob Saleem BUTT
(Organization of Islamic Cooperation)

Rein MÜLLERSON
(Republic of Estonia)

Tatiana MOSKALKOVA
(Russian Federation)

Sergey UDARTSEV
(Kazakhstan)

Editorial Board:

Mirzatillo TILLABAEV – Doctor of
Law, Associate Professor.

Halim BOBOEV – Doctor of Law,
(PhD), Professor, Honored Scientist
of the Republic of Uzbekistan.

Omon AKYULOV – Doctor of Law,
Professor, Honored Lawyer of
Uzbekistan.

Askar GAFUROV – Doctor of Law,
(PhD), Associate Professor.

Muzaffar MAMASIDDIKOV –
Doctor of Law, Professor.

Mikhail GASANOV – Doctor of
Law, (PhD), Associate Professor.

Elizabella KUTYBAEVA – Doctor of
Law, Professor.

Xaydarali MUXAMEDOV –
Candidate of Law, Professor.

Executive Secretary:

Azizbek RAMAZONOV

FROM THE EDITORIAL BOARD

Highest value 71

25TH ANNIVERSARY OF THE NATIONAL CENTER OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR HUMAN RIGHTS

Michelle Bachelet. A key partner in advancing
the human rights in Uzbekistan 73

Marghoob Saleem Butt. Together to preserve the rights of all 74

Valery Fadeyev. We are united by common values 77

Jiang Yan. General understanding of China and Uzbekistan
gives a new impulse to the international community for human rights 78

Ronnie Heine. A major contribution to human rights protection 80

SOCIETY AND LAW

Alisher Khakimov. Socio-philosophical analysis of increasing
civic responsibility in a state governed by the rule of law 81

Otabek Nizameddinkhujaev. The UN's objectives in supporting
civil society institutions in the Republic of Uzbekistan 84

Zarina Israilova. Multi-party system and democratic elections –
as a legal guarantor of enhancing the legal role of political parties 89

Gulomjon Karshiev. The role of family in prevention
of juvenile delinquency 94

Sherzod Gofurov. Issues of general and victimological prevention
of mercenary and violent crimes of youth 97

Xushvaqt Kurbanova. Problems of qualification of arbitrariness 102

Sadoqat Turatosheva. Factors for improving the quality of education 106

Nodira Alimova. The power of sport as a means to achieve
the internationally agreed global goals in addressing “COVID–19” 109

CONFERENCES. SEMINARS. PRESENTATIONS 115

FOUNDER:



NATIONAL CENTRE
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN FOR
HUMAN RIGHTS

CO-FOUNDERS:



FEDERATION
OF TRADE UNIONS
OF UZBEKISTAN



OMBUDSMAN
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN

FROM THE EDITORIAL BOARD

HIGHEST VALUE

In our country, the promotion, protection and observance of human rights are the main criterion and the highest value of democratic reforms aimed at creating prosperous and decent living conditions for our people. This is vividly confirmed in the Preamble of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, which solemnly proclaims “adherence to human rights and the principles of state sovereignty”, “loyalty to the ideals of democracy and social justice”, recognition of “the priority of generally recognized norms of international law”, ensuring “a decent life for the citizens of the republic”¹.

Our President Shavkat Mirziyoyev also stressed that *“Strict compliance with the requirements of the Constitution and laws of the country, full implementation of the priority principle “In the name of human honor and dignity” will continue to remain the main criterion of my activity as a guarantor of our Basic Law. Of course, for us human dignity is not some abstract, grandiloquent concept. It means for us, first of all, the provision of a peaceful and safe life for every citizen, his fundamental rights and freedoms. Speaking of human dignity, we mean the creation of decent living conditions and modern infrastructure, qualified medical care, quality education, social protection and a healthy ecological environment for every citizen of the country”*².

In our society, the political and legal appearance, the outlook of citizens is radically changing. The National Strategy of the Republic of Uzbekistan on Human Rights, adopted in 2020 in our country for

the first time, was very important for the systematic implementation of activities in this direction. The Strategy plans to ensure Uzbekistan's entry into a number of 50 leading countries in the world according to international ratings and indices in the field of human rights and freedoms (rule of law, quality of rule-making, government effectiveness, freedom of speech and information, combating crime and corruption, business environment, global competitiveness, innovative development and others)³.

In recent years, Uzbekistan has become an initiator of the protection of human rights in the international arena. Directly on the initiative of the head of our state, the UN General Assembly resolution "Enlightenment and Religious Tolerance" was adopted. In the speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev made in the Uzbek language at the 46th session of the UN Human Rights Council, new initiatives were put forward to hold the World Conference on Youth Rights under the auspices of the UN, to present the draft Convention on the Rights of Youth at the tenth forum of the UN Economic and Social Council, to submit to consider the establishment of the institution of a Special Rapporteur on youth rights and to hold a Global Forum dedicated to the 10th anniversary of the UN Declaration on Human Rights Education and Training⁴.

The election by representatives of the international community of Uzbekistan for the first time as a member of the UN Human Rights Council was a vivid

¹ Constitution of the Republic of Uzbekistan // National database of legislation, 06.03.2019 r., № 03/19/527/2706, 05.09.2019 r., № 03/19/563/3685; 09.02.2021 r., № 03/21/670/0089, 09.02.2021 r., № 03/21/671/0093 // <https://lex.uz/docs/35869>.

² We will resolutely continue the course of democratic reforms based on the development strategy of New Uzbekistan // Speech by the newly elected President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the inauguration ceremony at a joint meeting of the chambers of the Oliy Majlis // <https://president.uz/ru/lists/view/4743>.

³ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Approval of the National Strategy of the Republic of Uzbekistan on Human Rights" // National Database of Legislation, 23.06.2020 r., № 06/20/6012/0953; 30.04.2021 r., № 06/21/6218/0398, 24.07.2021 r., № 06/21/6269/0704// <https://lex.uz/ru/docs/4872357>.

⁴ Speech by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the 46th session of the United Nations Human Rights Council // <https://president.uz/ru/lists/view/4179>.

confirmation of the fact that our state gives priority to these issues.

For 25 years now, the National Center for Human Rights has been demonstrating activity in fulfilling a noble task – protecting human rights, freedoms and fundamental interests, studying, analyzing, summarizing these issues, preparing national reports, improving regulatory legal acts on them, developing national plans actions to implement the recommendations of international and regional organizations.

To implement this strategy, the National Center for Human Rights, together with government bodies and civil society, has developed and consistently implemented specific measures to establish the rule of law in society, improve education and health care, provide social support to citizens in need, people

with disabilities, and improve the quality of services provided to them, ensuring gender equality, social integration of the elderly, protection of the rights of children, youth, women.

Fundamental changes are taking place in society and government bodies in ensuring human rights, freedom of opinion, speech and conscience. On the basis of the constitutional norm “The people are the only source of state power”, an effective and stable system is being formed in the country that ensures the supremacy of the Constitution and laws, in which not the people serve the state bodies, but the state bodies serve the people with disabilities. There have been the presentations of new publications on these issues, the republican competition “Human rights education in the context of the COVID-19 pandemic” and other events.



25TH ANNIVERSARY OF THE NATIONAL CENTER OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN FOR HUMAN RIGHTS

A KEY PARTNER IN ADVANCING THE HUMAN RIGHTS IN UZBEKISTAN



Michelle BACHELET,
UN High Commissioner for Human Rights

I am writing to extend my congratulations to the National Human Rights Centre of the Republic of Uzbekistan (NHRC) on the occasion of the 25th anniversary of the establishment of this institution.

The NHRC has been a key partner in the advancement of human rights in Uzbekistan both as National Mechanism for Reporting, Implementation and Follow-up and, more broadly, due to its important work in promoting human rights in Uzbekistan at the national level.

I greatly value our fruitful cooperation in many areas, ranging from the key role, which the NHRC fulfils in ensuring Uzbekistan, meets its reporting obligations to human rights mechanisms, to the positive engagement between the NHRC and my Regional Office for Central Asia on the practical implementation of the human rights framework in Uzbekistan.

In this regard, let me highlight the importance of the NHRC activities, and of ongoing and future cooperation with OHCHR, including the planned ratification of the Optional Protocol to

the Convention against Torture and Other Cruel, Inhuman or Degrading Treatment or Punishment as announced by President Mirziyoyev in his statement to the Human Rights Council last February. I am also looking forward to the practical implementation of the obligations enshrined in the Convention on the Rights of Persons with Disabilities, recently ratified by Uzbekistan as well as to the substantive implementation of the views of UN Human Rights Treaty Bodies in individual cases.

I encourage full engagement with independent civil society, including in the implementation of the National Human Rights Strategy, as well as protection and expansion of civic space, which is essential in advancing human rights in Uzbekistan.

I wish to reiterate my continued support to Uzbekistan through my Regional Office for Central Asia and as mentioned in my letter to President Mirziyoyev, I am pleased that the UN is able to deploy a Human Rights Advisor to the UN Country Team.

Please accept, Excellency, the assurances of my highest consideration.

TOGETHER TO PRESERVE THE RIGHTS OF ALL



Marghoob Saleem BUTT,
Executive Director of OIC – IPHRC

The Independent Permanent Human Rights Commission (IPHRC) is one of the principal organs of the Organization of Islamic Cooperation (OIC) dealing with the human rights issues. It not only advises the OIC Council of Foreign Ministers (CFM) on all issues of human rights concern and interest to the Muslim Ummah but also serves as the expert mechanism available to provide technical expertise to the Member States in the field of human rights. Establishment of this Commission in 2011 was a milestone achievement in the history of OIC, which affirmed the organization's abiding commitment to the universal human rights and their application among its member states. Within a short span of ten years, the Commission has established itself as a credible human rights mechanism well respected for its forthright views on all issues of concern to the OIC.

